

БҮЛРУК

АРИЗА

Даъво аризаси

НАФИСА САДИНОВА

ДАВОНХОНА

ФАРМОИИШ

БАЁННОМА

ИШ ЮРИТИШ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Мажлис баённома

УПХОНА

ДАЛОЛАТНОМА

Хисобдан чик

далолатнома

ЙЎРИҚНОМ

Лавозим

МАЪГИД

Шахсий

ДАВОНХОНА

ФАРМОИИШ

БАЁННОМА

Мажлис баённомаси

ҚАБУЛХОНА

ДАЛОЛАТНОМА

Хисобдан чикариш

далолатномаси

ЙЎРИҚНОМА

Лавозим йўриқномаси

МАЪЛУМОТНОМА

Шахсий маълумотнома

КАДРЛАР БУЛИМИ

ШАРТНОМА

Мехнат шартномаси

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
максус таълим вазирлиги**

Навоий давлат педагогика институти

НАФИСА САДИНОВА

**ИШ ЮРИТИШ ТЕРМИНЛАРИНИНГ
ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУГАТИ**

Тошкент - 2019

651.4

C-18

330(038)

65.290-2я2

С 18

Садинова, Нафиса.

Иш юритиш терминларининг кискача изохли лугати [Матн] : лугат / Н. Садинова. - Тошкент : INNOVATSION RIVOJLANISH NASHRIYOT-MATBAA UYI, 2019. - 160 б.

УЎК 330(038)

КБК 65.290-2я2

Ушбу лугат иш юритиши амалиётига оид 1400 дан ортик асосий терминлар ва терминологик бирикмаларни, шунингдек, ижтимоий хаёт, иктисодиёт, хуқук, менежмент, савдо ва таълим соҳаларида кенг кўлланувчи, иш юритишига билвосита алоқадор терминларни қамраб олган. Улар амалдаги ишончли манбаларга таянган ҳолда изохланган.


Лугат иш юритиши, менежмент соҳасида фаолият юритувчи мутакассисларга, иш юритиши жараёни билан қизикувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул мұхтаррір:
Абдуваҳоб Мадвалиев,
филология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Тақризчилар:
Нигора Муродова,
филология фанлари доктори, доцент
Несъмат Махкамов,
филология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Навоий давлат педагогика институти илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (2019 йил 28 февралдаги 7-сонли йиғилиш баённомаси).

ISBN 978-9943-5576-5-9



СҮЗБОШИ

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳакида»ги қонунишининг қабул қилинини ва ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши ондай тилимиз қадрини тиклаш йўлидаги мухим бир ҳодиса ҳисобланади. «Давлат тили ҳакида»ги қонун ва унинг амалга оширилиши илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъатнинг барча соҳаларини республика давлат тилида ривожлантириш ва идора, ташкилот, корхоналарнинг давлат тилида иш юритиши учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароитларни проприетарий беришни тақозо этади.

Ўзбек хужжатчилигини, айниқса, унинг асосий қисмини ташкил этишини иш юритиш доирасини такомиллаштириш ва бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш энг долзарб вазифалардан бирига айлантириб бормоқда, чунки оддий фуқародан тортиб корхона ва ташкилот разъбаригача иш юритиш хужжатларининг мукаммал бўлишидан манфиддордир. Хужжатларнинг такомиллашувида, талабга жавоб берарни дижражада бўлишида эса унда кўлланаётган терминларни тартибида солини, уларни илмий асослаш мухим аҳамиятта эга. Бу республика музилими зиёлилари, биринчи навбагда, турли фан соҳалари терминларини ўрганиувчи олимлар зиммасига ўзбек терминологиясининг илмий асосларини тўла ва пухта ишлаб чикиш ҳамда терминларни тартибида солишидек улкан масъулиятни юклаган эди. Мазкур қонун қабул қилингандан кейин, айниқса, республика мустақиллиги йилларида турли фан соҳалари мутахассислари Республика Атамашунослик кўмитаси (Терминология комитети) ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда терминларни тартибида солиши ва терминологик лугатлар тузиш бўйича бир қатор ишларни амалга оширган бўлсалар-да, бу соҳадаги кўзланган натижаларига тўлиқ эришилди деб бўлмайди. Илмий-оммабоп адабиётларда, айниқса, матбуотда, оммавий ахборот воситаларида термин кўллашдаги ҳар хилликлар ҳануз давом этиб келмоқда. Бу ҳолат кўпинча кундалик ижтимоий турмушда, матбуот саҳифаларида тез-тез кўлланадиган байнамилал сўзлар билан уларнинг аввал истеъмолдан чиқариб юборилган синонимларини ёки амалдаги байнамилал сўз ва терминлар билан уларнинг ўрнига тавсия этилаётган арабча ва форсча сўзларни аралаш кўллашда кузатилмоқда.

Зеро, жамият ҳаётида рўй берадиган ўзгаришлар, турли-туман янгиликлар, бошқа терминологик тизимларда бўлгани каби иш юритиш терминологиясида ҳам ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлмоқда. Би-

651.4

C-18

330(038)

65.290-2я2

С 18

Садинова, Нафиса.

Иш юритиши терминларининг қисқачи изоҳли лугати [Матн] : лугат / Н. Садинова. - Тошкент : INNOVATION RIVOJLANISH NASHRIYOT-MATBAA UYI, 2019. - 160 6.

УЎК 330(038)

КБК 65.290-2я2

Ушбу лугат иш юритиши амалиётига оид 1400 дан ортиқ асосий терминлар ва терминологик бирикмаларни, шунингдек, ижтимоий ҳаёт, иктисодиёт, ҳуқук, менежмент, савдо ва таълим соҳаларида кенг кўлланувчи, иш юритишга билвосита алоқадор терминларни қамраб олган. Улар амалдаги ишончли манбаларга таянган ҳолда изоҳланган.

Лугат иш юритиши, менежмент соҳасида фаолият юритувчи мутахассисларга, иш юритиш жараёни билан кизикувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул мұхтаррир:
Абдуваҳоб Мадвалиев,
филология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Тақризчилар:
Нигора Муродова,
филология фанлари доктори, доцент
Нельмат Махкамов,
филология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Навоий давлат педагогика институти илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (2019 йил 28 февралдаги 7-сонли йиғилиш баённомаси).

ISBN 978-9943-5576-5-9

© Садинова Нафиса

© Инновацион ривожланиш нашриёт - матбаа уйи

Inv № 370883

СЎЗБОШИ

Узбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунининг
қабул килинини ва ўзбек тилига Давлат тили макомининг берилиши
она тилимиз қадрини тиклаш йўлидаги муҳим бир ҳодиса ҳисобланади.
«Давлат тили ҳақида»ги қонун ва унинг амалга оширилиши илм-фан,
таддими-тарбия, маданият ва санъатнинг барча соҳаларини республика
тилинига ривожлантириш ва идора, ташкилот, корхоналарнинг давлат
тилида иш юритиши учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароитларни
тартиб беришини тақозо этади.

Ўзбек ҳужжатчилигини, айниқса, унинг асосий қисмини ташкил
тутуниш иш юритиш доирасини такомиллаштириш ва бутунги кун талаб-
ни даражасида ривожлантириш энг долзарб вазифалардан бирига ай-
ташиб бормокда, чунки оддий фуқародан тортиб корхона ва ташкилот
раҳбаригача иш юритиш ҳужжатларининг мукаммал бўлишидан ман-
фантдордир. Ҳужжатларнинг такомиллашувида, талабга жавоб берар-
ши дираҷада бўлишида эса унда кўлланётган терминларни тартибга солиши,
уларни илмий асослаш муҳим аҳамиятга эга. Бу республика-
мият зиёлилари, биринчи навбатда, турли фан соҳалари терминларини
ўрғинувчи олимлар зиммасига ўзбек терминологиясининг илмий асос-
лирини тўла ва пухта ишлаб чикиш ҳамда терминларни тартибга солиши-
дек улкан масъулиятни юклаган эди. Мазкур қонун қабул қилингандан
кейин, айниқса, республика мустақиллиги йилларида турли фан
соҳалари мутахассислари Республика Атамашунослик қўмитаси (Тер-
минология комитети) ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда терминлар-
ни тартибга солиши ва терминологик луғатлар тузиш бўйича бир қатор
нишларни амалга оширган бўлсалар-да, бу соҳадаги қўзланган натижага-
ринга тўлиқ эришилди деб бўлмайди. Илмий-оммабон адабиётларда,
айниқса, матбуотда, оммавий ахборот воситаларида термин кўллашдаги
хар хизъликлар ҳануз давом этиб келмоқда. Бу ҳолат қўпинча кундалик
ижтимоий турмушда, матбуот сахифаларида тез-тез кўлланадиган бай-
налмилал сўзлар билан уларнинг аввал истеъмолдан чиқариб юборил-
ган синонимларини ёки амалдаги байналмилал сўз ва терминлар билан
уларнинг ўрнига тавсия этилаётган арабча ва форсча сўзларни аралаш
кўллашда кузатилмоқда.

Зеро, жамият ҳаётида рўй берадиган ўзгаришлар, турли-туман
янгиликлар, бошқа терминологик тизимларда бўлгани каби иш юри-
тиш терминологиясида ҳам ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлмоқда. Би-

нобарий, кир жаңый терминология тизимининг тараққиёт жараёни янги терминларининг пайдо булиши, истемолга киритилиши хамда мавжудларининг замонавийлик ёки маъновий жиҳатдан номувофиқлиги туфайли истемолдан чиқишидан иборагдир.

Бугунги Ўзбекистонимизнинг жаҳонга юз тутиб, шиддат билан ривожланиш жараёнида ўзбек тилида мукаммал ҳужжатчиликни яратиш, унинг терминларини чегаралаб олиб ишлаб чиқиш энг долзарб вазифалардан бирига айланган. Бу ҳолат эса иш юритиш соҳасида терминларнинг изоҳини мукаммаллаштириш эҳтиёжини туғдирмоқда. Кўлингиздаги луғат ана шу эҳтиёжни кондириш йўлидаги дастлабки тажрибадир.

ЛУГАТНИНГ ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДА

Лугатда иш юритиш амалиётига оид 1400 дан ортик асосий терминлар ва терминологик бирикмаларнинг, шунингдек, ижтимоий ҳайт, ингисодиёт, ҳуқук, менежмент, савдо ва таълим соҳаларида кенг изоҳлини учун ўзбек тилининг маънанини изоҳлаб берилган. Терминларни танлаб олишда, асосан, иш юритиш соҳасида тузилган таржима лугатларига таянилди. Терминлар изоҳини беришда эса “Ўзбек тилида иш юритиш”, “Иш юритиш” маънанини изоҳлаб берилган. Терминларни танлаб олишда, асосан, иш юритиш соҳасида тузилган таржима лугатларига таянилди. Терминлар изоҳини беришда эса “Ўзбек тилида иш юритиш”, “Иш юритиш” маънанини изоҳлаб берилган. Терминларни танлаб олишда, асосан, иш юритиш соҳасида тузилган таржима лугатларига таянилди. Терминлар изоҳини беришда эса “Ўзбек тилида иш юритиш”, “Иш юритиш” маънанини изоҳлаб берилган. Терминларни танлаб олишда, асосан, иш юритиш соҳасида тузилган таржима лугатларига таянилди. Терминлар изоҳини беришда эса “Ўзбек тилида иш юритиш”, “Иш юритиш” маънанини изоҳлаб берилган. Терминларни танлаб олишда, асосан, иш юритиш соҳасида тузилган таржима лугатларига таянилди.

Хир бир изоҳланашётган сўз лугатда алифбо тартибида жойлаштирилган. Термин катта ҳарфлар билан берилган, ундан сўнг қавс ичидаги таъминлашма сўзларнинг этимологияси ва тегишли тилдаги маъноси берилди.

Лугатда айрим терминларнинг аниқлигини таъминлаш мақсадида изоҳдан сўнг мисоллар берилди. Шунингдек, изоҳланашётган терминга алокадор бўлган, унинг маъносини аниқлаштиришга хизмат килувчи терминлар қ. (қаранг) белгиси билан берилди.

Иш юритиш соҳаси узлуксиз ривожланишида бўлгани ва терминни изоҳлаш мураккаб жарайён эканлиги учун терминларнинг қўлланишини изоҳланишида ҳам баҳсли ўринлар бўлиши табиий. Шунинг учун ҳам лугат муаллифи мукаммалликни даъво қилмайди ва лугатни тақомиллаштириш юзасидан билдириладиган барча танқидий фикр-мулоҳазаларни, таклиф ва тавсияларни самимий қабул қиласди.

АВТОРЕФЕРАТ [юн. autos – ўзи, ўзим + реферат] Илмий асарнинг ўз муваллифи томонидан ёзилган қисқача баёни. *Диссертация автореферати.*

АГЕНТ [лат. agens, agentis – харакатдаги; иш юритувчи] 1 Ташкилот, муассаса ва ш.к. нинг маълум вазифаларни бажариш учун тайинланган вакили. *Молия агенти.*

2 Бирорлар томонидан кўйилган, бирорларнинг манфаатлари учун маҳфий хизмат киласидаган шахс. *Халқаро терроризм агентлари.*

3 Бирор давлат разведкасининг маҳфий ходими; жосус, айғокчи.

АГЕНТЛИК Бирор идора, муассаса ёки корхонанинг жойлардаги (маҳаллий) бўлими, шунингдек, ахборот йиғиши ва тарқатиш, воситалик килиш вазифасидаги баъзи муассасалар номи. *Телеграф агентлиги. Молия агентлиги.*

АДРЕС [фр. adresse – юбормоқ] 1 Бирор киши ёки ташкилот ўрнашган жой, манзилнинг номи ва бошқа белгилари (уй ёки квартира рақами ва х.к.) мажмуи, унинг қайди. *Институт адреси. Уй адреси.*

2 Почта орқали юбориладиган нарсалар устидаги уларнинг борадиган жойи ва олувчининг номи кўрсатилган ёзув.

3 Бирор тантана муносабати билан муассаса, ташкилот ёки айрим шахс номига юборилган, одатда, папка ва ш.к. нарса ичига солинган табрикнома; ёднома.

АДРЕСАНТ [нем. Adressant – юборувчи] Почта орқали телеграмма, хат ва ш.к. юборувчи шахс ёки ташкилот.

АДРЕСАТ [нем. Adressat – олувчи] Адресига хат, телеграмма ва ш.к. юборилувчи киши ёки ташкилот.

АЙБ [а. “айб” – нуксон] ҳуқ. Конунга хилоф хатти-ҳаракат; жиноятга тортишнинг зарур шарти.

АЙБДОР ҳуқ. Жиноий иш қилган, конунга хилоф иш қилган, жиноий жавобгар киши.

АЙБЛОВ ХУЛОСАСИ Жиноят юзасидан тергов натижасида аниқланган ҳолатлар ва айб мазмуни баён этилган ҳужжат; айбнома.

АЙНАН НУСХА Асл нусханинг барча хусусиятларини – хужжат таърурий кисмларининг жойлашишини, мавжуд шаклий белгилар, матнларни бошмай, ёзма харф шакларини аниқ ва тўлиқ акс эттирувчи нусха.

Мас., фотонусха.

АКАДЕМИК ТАЪТИЛ Олий таълим тизимидағи ўқитувчиларга таътил олишида бериладиган маоши тўлик ёки кисман сақланиб, юнайтиш узок муддаттага озод килишдан иборат таътил тури. Хозирда бундай таътил олиши хукукидан фойдаланиш бошқа ўқитувчиларга, талаабаларга, шунингдек, фан, саноат ва тижорат соҳалари ходимларига ҳам таътил олимоқда. *Академик таътил олиши.*

АККОРД [итал. accordo – келишув, битим] Шартнома асосида баъзи таътилни; ишбай.

АККОРД ИШ ҲАҚИ Шартнома асосида ишбай усулида бажарилдиши иш учун бирйўла гўланадиган иш ҳаки (асосан, курилиш соҳасида).

АККРЕДИТИВ [лат. accreditivus – ишончли, ваколатли] 1 Накд ишончли дисоб-китоблар олиб бориладиган банк ҳисоб вараги.

1 Томонлар ўргасида тузилган шартномага кўра амалга ошириладиган Унро ҳисоб-китоб тури.

2 Номига ёзиб берилган шахсга кўрсатилган суммани кредит муасисасидин олиш хукуқини тасдиқловчи қимматбаҳо қофоз.

АККРЕДИТЛАШ [лат. accredo – ишонмок, ишонч билдиришмоқ] 1 Дипломатик ваколатхона бошлиғи ёки давлатнинг бирон-бир ташкилоти ташкилотдаги доимий вакили лавозимига тайинлаш ва шу лавозимни бажаришга киришиш тадбирлари.

2 Журналистга муайян худудда бўлиш ва у ерда рўй берадиган воқеа-ходисаларни ёритиш хукуқини берувчи хужжат.

АКТИВ [лат. activus – фаол, ҳаракатчан] 1 Корхона ёки ташкилотининг мулки ва ресурслари (бино, машина, қимматбаҳо қофозлар ва бошқилар).

2 Бухг. Баланснинг кирим, даромад кисми; бухгалтерия балансининг бир кисми; зид. пассив.

АКТИВ БАЛАНС Кирим (даромад) чиқимдан, буромаддан орти бўлгани баланс; фаол баланс.

АКТУАРИЙ [лат. *actuaris* – тезкор, тез ёзувчи мирза] Суѓурт компаниясининг суѓурга хатларини баҳолаш ҳамда суѓурга тўловлари хисоб-китоби билан шуѓулланувчи мутахассис, иш юритувчи.

АКЦЕПТ [лат. *acceptus* – қабул килинган] 1 Фуқаролик хукуқида бир томоннинг таклифи (оферта)да кўрсатилган шартларда шартнома тузишига розилик билдириш; ҳалкаро хукуқда: шартнома шартлари билан боғланганлик тўғрисида бир томонлама ариза.

2 Ҳўжалик ташкилотларида нақд пулсиз олиб бориладиган хисоб-китобининг асосий шакли: товарлар, хизматлар, бажарилган ишлар ҳақини тақдим этилган тўлов талабномасига мувофик тўлашга розилик ёки тўлашни кафолатлаш.

АКЦИЗ [фр. *accise* < лат. *accidere* – кесмоқ] Кенг истеъмол моллари (қанд, гугурт, туз ва ҳ.к.) ва хизматларга солинадиган билвосита солиқ тури. Махсулотга ёки кўрсатилаётган хизмат (коммунал, транспорт ва бошқа турдаги хизматлар) нархи устига кўйилади.

АКЦИЯ I [фр. *action* – қимматбаҳо қофоз] Акциядорлик жамияти чиқарган қимматбаҳо қофоз. *Акцияларга тўланадиган дивидендлар миқдори.*

АКЦИЯ II [лат. *actio* – харакат] Бирор мақсадга эришиш учун килинадиган иш, харакат. *Дипломатик акция. Савдо марказларида акция ўтказмоқ.*

АКЦИЯДОР Акциялар эгаси; ундан фойда кўрувчи жисмоний ёки юридик шахс; акциячи; акциядорлар жамияти аъзоси. *Акциядорларнинг навбатдан ташқари йигитлиши.*

АКЦИЯДОРЛАР ЖАМИЯТИ, акциядорлик жамияти Турли корхона, ташкилот, банк, компания ва айрим шахслар пул маблагларини ўюшган шерикчилик асосида бирлаштирадиган жамият. *Акциядорлар жамиягининг йиллик молиявий-хўжалик фаолияти.*

АЛИМЕНТ [лат. *alimentum* – қарамогидаги, бокимидағи] Конунда белгиланган ҳолларда оиласининг бир аъзоси томонидан бошқа аъзоси ёки аъзоларини моддий таъминлаш учун мажбуран тўланадиган маблаг, нафака.

АЛОҚА [а. “алоқа” – боғланиш, муносабат] 1 Турли воситалар ёр-
ламида ахборотларни узатиш ва қабул қилиш. *Почта алоқаси. Телефон
бюджети.*

2 Кининлар, ташкилотлар, давлатлар ўртасидаги муюмала, муносабат, боғланни; борди-кеңди. *Дүстлик алоқаси. Савдо алоқалари.*

АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ Ахборотларни узатиш ва қабул қилиш
бюджети; почта, телефон, телеграф, телефакс, интернет, радио, телевизияни б.

АЛОХИДА ШАХС Ўзига хос, бошқалардан фарқ киладиган, аж-
расиб турадиган; бошкача шахс.

АМАЛДАГИ ҚОНУНЛАР Айни пайтда ҳуқукий кучга эга бўлган,
вироийликни конунлар.

АМАЛИЁТ [а. “амалиёт” – амалий масалалар] Амалий иш, амалий
вироий, кундалик тажриба. *Хўжалик шартномаларини ҳуқукий экспер-
тиза ҳам амалиётга киритилган.*

АМНИСТИЯ [юн. amnesty – унутиш; кечириш] Олий ҳокимият
вироий билан муайян тоифадаги судланган шахсларнинг жазосини юм-
натиш сабаки уларни жазодан озод этиш; афви умумий.

АНДОЗА [ф. “андоза” – ўлчов, колип] Ўлчов, меъёр; стандарт. *За-
каний андозалар.*

АНДОЗАЛАШ Ўлчовга, меъёрга солиш; стандартлаш.

АНЖУМАН [ф. “анжуман” – йигин, мажлис] Умуман, бирор
вироий, тибтана муносабати билан бўладиган йигин, мажлис. *Халқаро
анжуман.*

АНКЕТА [фр. enquête – суриштириш, хабар, маълумот олиш] 1
Генни мавзумот олиш, тўплаш учун белгиланган сўрок варақаси,
сурʼономи; саволнома. *Анкета маълумотлари. Анкета тўлдирмоқ. Ан-
кета сўроғи.*

2 Сурʼонома (савол) орқали тўпланган маълумотлар, шундай йўл билан
маълумотлар тўплаш. *Анкета ўтказмоқ.*

АННОТАЦИЯ [лат. annotatio – муроҳаза, қайд; эслатма] Китоб, мақола ва ш.к. нинг мазмуни, аҳамияти ҳақидаги қискача маълумот, қискача таъриф. *Китоб аннотацияси. Аннотация ёзмоқ.*

АНОНИМ [юн. anopumos – номсиз] Муаллиф номи қайд этилмаган хат ёки ҳужжат. *Аноним хат.*

АПЕЛЛЯЦИЯ [лат. appellatio – мурожаат, шикоят] Бирон-бир карор, фикр, олинган натижа юзасидан юкори ташкилот ёки идораг шикоят аризаси билан мурожаат этиш. *Апелляцияга бермоқ.*

АППАРАТ [лат. apparatus – тайёргарлик; жиҳоз, ускуналар] Бошқарма ёки хўжаликнинг бирор соҳасига хизмат киладиган муассасалар мажмуи, мазкур муассасаларнинг ҳодимлари. *Давлат аппарати.*

АПРОБАЦИЯ [лат. approbatio – маъқуллаш, тасдиқлаш] Текшириш, синаш ва муҳокама асосида расмий суратда маъқуллаш. *Ўқув дастурларини апробация қилиши.*

АРБОБ [а. “арбоб” – жаноблар; хўжайнлар; амалдорлар] 1 Фан, маданият, санъат соҳасида ёки давлат ишида ўз фаолияти билан танилган, шу соҳада ўзини кўрсатган шахс. *Жамоат арбоби. Санъат арбоби. Сиёсий арбоб.*

2 Давлат, ҳукумат аппаратида ишловчи юкори маргабали шахс, раҳбар. *Давлат арбоблари.*

АРЕСТ [нем. arrest – камоқка олиш; тақиқлаш < лат. arrestum – ҳукм, карор]: арест солмоқ ҳуқ., мл. Мулк ёки пулдан фойдаланиш ҳуқуқидан вақтинча маҳрум этмоқ, мол-мулкни хатлаб, муҳрлаб кўймоқ.

АРИЗА [а. “ариза” – арзнома; илтимоснома] Муайян муассасага ёки мансабдор шахс номига бирор илтимос, таклиф ёки шикоят мазмунидаги ёзиладиган расмий ҳужжат. *Ариза бермоқ. Ариза ёзмоқ.*

АРИЗАБОЗ Ариза ёзишга берилган, бўлар-бўлмасга ариза ёзаверадиган шахс.

АРИЗАЧИ 1 Ариза берувчи, ариза берган шахс.

2 тар. Фуқародан тушган ариза, илтимоснома, шикоятларни ўзидан юкори амалдорга маълум қилиб турувчи мансабдор шахс.

АРГАЧУП Ичига хужжат солиб, чопар оркали етказишга
шулайланган утунчоқ, ичи ковак, чиройли ишланиб, сирти накшланган
шундай түспиф. Үрге исрларда Туркистан хонликларида ишлатилган.

АРТИКУЛ [лат. articulus – бўлим, қисм] 1 Баъзи қонун ва расмий
хуҷожатлари махсус модда.

2 Максудот, товар тури, шунингдек, унинг рақамли ёки ҳарфий ифодаси.

АРХИВ [лат. archivum ва юн. archeion – муассаса] 1 Эски хужжатлар,
ва грифик ёдгорликларни саклаш, системалаштириш ва тавсиф
билин шуғулланадиган махсус муассаса. *Давлат архиви.*

2 Муассасанинг эски хужжатлар, тугалланган ишлар ва ш.к.
бўлими. *Институт архиви.*

3 Бирор муассаса ёки шахснинг иш фаолиятига алоқадор бўлган
маттерар, кўзлётмилар, фотосуратлар ва ш.к. йигиндиси, мажмуи. *Ёзувчи-
шакли архиви.*

4 Компьютер хотирасида сиқиқ ҳолда сакланадиган маълумотлар
системаси.

АРХИВАРИУС айн. архивчи.

АРХИВЧИ Архив ходими, архивда ишловчи киши.

АРХИВШУНОСЛИК Кўлёзмаларни, хужжатларни тўплаш, тар-
тибга солини ва саклаш, шунингдек, архив иши тарихини ўрганиш,
билин юлини каби масалалар билан шуғулланувчи илмий соҳа.

АСЛ НУСХА Хар қандай хужжатнинг асли, биринчи расмий нус-
хаси.

АСОС [а. “асос” – негиз; манба] 1 Ихтимоий ҳаёт ёки табиат
хизматларининг негизини ташкил этган нарса; таянч, пойдевор. *Илмий
наутий асос.*

2 Содир бўлган ёки қилинган иш-ҳаракат, айтилган фикр ва ш.к. ни
билишни нарса. *Ишончли асос.*

АСОСИЙ Аҳамият зътибори билан мухим, бирламчи. *Асосий вази-
фа. Асосий масала. Асосий иш жойи.*

АСОСИИ ФАОЛИЯТГА ОИД БҮЙРУҚЛАР Муайян бир шахсга таъс, бутун жамоға кариғиған буйруқ шакли бўлиб, унда юкори ташқилотларни келтири кўрсатма хужжатлар ходимларга етказилади; ишни ташкин килини, мулссаса ёки унинг бўлимлари фаолиятини тартибга олинади қўлланади.

АСОСЛИ Етарли асосга эга бўлган, далиллар билан мустаҳкамлангани, небот қилинган. *Асосли хулоса. Асосли даъво.*

АСОССИЗ Етарли асоси бўлмаган, далиллар билан мустаҳкамланмаган. *Асоссиз хулоса. Асоссиз далил. Асоссиз гумонсираш.*

АСОСЧИ Бирор нарсага асос солган, пойдевор курган шахс; бирор нарсани барпо килган, таъсис этган ёки бошлаб берган киши; яратувчи.

АТТЕСТАТ [лат. attestari – тасдиқламоқ, гувоҳлик бермоқ] 1 Урта мактабни тутатганлик тўғрисидаги хужжат; шаҳодатнома.

2 Илмий ёки маҳсус унвон берилганлиги ҳакидаги хужжат. *Професорлик аттестати. Камта илмий ходимлик аттестати.*

АТТЕСТАЦИЯ [лат. attestatio – гувоҳлик бериш; гувоҳнома; тасдиқнома] Ходим малакасини, билим даражаси ва хулқ-авторини аниклаш ва шу асосда ишга тайинлаш ёки унвон бериш. *Аттестациядан ўтказмоқ. Аттестация комиссияси.*

АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ Ходимларни аттестациядан ўтказиш учун тузилган ва муайян ваколатлар берилган маҳсус хайъат.

АУДИТ [лат. auditis – эшитиш, тинглаш] Аудиторлик ваколати бўлган шахслар (аудиторлик фирмалари) томонидан хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботининг экспертизаси ва таҳлили; тафтиш.

АУДИТОР [лат. auditor – тингловчи] Белгиланган тартибда аудиторлик фаолияти билан шугулланиш хукукини олган (ваколатлар берилган) ва аудиторлар касбий рўйхатига киритилган шахс (мутахассис).

АУДИТОРЛИК ФИРМАСИ Корхона ва ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириб берувчи, улар ишининг иқтисодий экспертизасини ўтказувчи мустақил фирма.

АУКЦИОН [лот. *auctio, auctionis* – ўсиш, кўпайиш; оммавий савдо] Оммавий кимошди савдоси.

АУКЦИОНЕР Кимошди савдосида катнашувчи.

АУКЦИОНЧИ Кимошди савдосини олиб борувчи.

АХБОРОТ 1 Иш, воқеа-ҳодисалар ҳакида тушунча берувчи хабар, мөнгумот. *Ахборот бермоқ.*

2 Некти-вакти билан чикиб турадиган баъзи тўпламларнинг номи. *Фикр академиясининг ахбороти.*

АХБОРОТ ХАТ Маълум ташкилот ёки шахсни амалга оширилаётган таъбиридан хабардор қилиш максадида тайёрланадиган хат.

АХБОРОТНОМА 1 Ёзма ахборот.

2 Михусе нашрнинг номи.

АЪЗО [а. “аъзо” – узвлар, қисмлар] **1** Бирор гурӯх, ҳудуд ва ш.к.да ғонити, унга мансуб шахс. *Оила аъзоси. Маҳалла аъзолари.*

2 Бирор гурӯх, кенгаш, жамоа, жамият ва ш. к.га расмий қабул ғонити, сайланган, унда фаолият кўрсатувчи шахс, жамият, мамлакат ва ш. к. лар. *Жамият аъзоси. Кенгаш аъзоси*

АҚЛӢ МЕҲНАТ Ақл-идрок, фикр юритиш билан боғлик фаолият.

АҲД [а. “аҳд” – ваъда, сўз бериш] **1** Ўзига ёки ўзгага берилган ватаний сўз, ишонтириш сўзи; карор. *Аҳдида турмоқ.*

2 Шартнома, келишув, битим. *Тинчлик аҳди.*

АҲДНОМА [аҳд + нома] Расмий шартнома, битим; пакт. *Ўзаро ёрдии таърисида аҳднома. Аҳдномани тасдиқламоқ.*

АҲКОМ [а. “аҳком” – ҳукмлар, буйруқлар, қонунлар] эск. кт. Конун-қоидалар, йўл-йўриклар, ҳукмлар.

АҲОЛИ [а. “аҳоли” – “аҳл” с. кўпл.] Маълум бир ҳудуд, вилоят, ҳамзакат ва ш. к. да истиқомат килувчи одамлар. *Маҳалий аҳоли. Шаҳар аҳолиси.*

Б

БАДАЛ [а. “бадал” – алмаштириладиган буюм; эваз] 1 Бирор нарсанинг ўрнига, эвазига бериладиган ҳақ ёки нарса, нарсанинг кийматига тенг келадиган бошка бирор нарса; эваз.

2 Бирор ташкилот (жамият, уюшма) аъзосининг шу ташкилотга тўлаган ёки даврий тўлаб турадиган пули; взнос. *Аъзолик бадали. Касабақўмга аъзолик бадали тўламоқ.*

БАДАРГА [ф. “бадарка” – кузатиш; кузатиб борувчи] ҳуж. Судхукми билан бошка ерга юбориш; кўчириш, сургун.

БАЁН [а. “баён” – аниклик; тавсифлаш, ифодалаш] Ўкиб ёки айтиб берилган бирор матн асосида ёзib чиқилган иш; ёзма иш (ўқувчилар билимини баҳолашнинг ёзма шаклларидан бири).

БАЁННОМА [баён + нома] Мажлис, йигилиш, кенгаш ва бошка тур анжуманларнинг боришини ва улар қабул қилган қарорларни аник, сиқиқ ҳолда қайд қилувчи ҳужжат. *Мажлис баённомаси. Илмий кенгаш баённомаси.*

БАЁНОТ [а. “баёнет” – “баён” с. кўпл. – билдириш, эълон килиш; декларация] Давлатлараро дипломатик муносабатлар, музокаралар, халқаро аҳвол ва шу каби масалалар ҳакида манфаатдор томонларнинг расмий фикрлари, қарашлари ҳамда мақсадларини ифодалайдиган ҳужжат. *Ташқи ишлар вазирлиги баёноти.*

БАКАЛАВР [лот. baccalaureus] Баъзи мамлакатларда ва Ўзбекистонда: олий таълим дастурининг биринчи босқичини тугалланган талабаларнинг илмий даражаси.

БАКАЛАВРИАТ Баъзи мамлакатларда ва Ўзбекистонда: мутахассисликлар бўйича фундаментал ва амалий таълим берадиган, ўқиш камиди 4 йил давом этадиган таянч олий таълим.

БАЛАНС (мувозанат) [фр. balance – тарози < лот. bilans – тарозининг иккита палласи] Доимо ўзгаришда бўлувчи кирим-чиқим, даромад ва буромаднинг ўзаро нисбати ёки мувозанатини ифода этиувчи кўрсаткичлар тизими. *Савдо баланси. Бухгалтерия баланси. Актив баланс. Пассив баланс.*

БАЛАНС ҲИСОБОТИ Кирим-чиқим, даромад ва буромаднинг ўро шебити ёки мувозанатини ифода этувчи кўрсаткичлар ифодасига расмий ахборот.

БАЛЛІ [фр. balle – сокқа, шар] Ўкувчилар, талабалар, споргчилар ишни, яшерги бериладиган, рақам билан ифодаланадиган баҳо. *Юқори* *баллі*.

БАНД I [ф. “банд” – боб, кисм, модда] Расмий ҳужжатларнинг рақам ёки харф билан бўлиб кўрсатиладиган кичик бир кисми; модда, параграф. *Карорнинг бешинчи банди*.

БАНД II [ф. “банд” – тўсиғланган, беркитилган] Эгалланган, ишғол *банди*, бўш эмас. *Банд иш ўрни*.

БАНДЕРОЛЬ [фр. bande – тасма + role – ўрам] 1 Қоғозга ўраб, юртка орқали жўнатиладиган корреспонденция тури (босма нашрлар, ўзбома, лат на б.). *Бандероль жўнатмоқ*.

2 Мон (товар) учун акциз ва бож тўланганидан далолат берадиган, ўтиги ёпишириб кўйилладиган тасмасимон қофоз.

БАНДЛИК ХИЗМАТИ Мамлакат миқёсида аҳолини иш билан таъминлаштириб берувчи давлат хизмати.

БАНК [фр. banque < итал. banco – сарроф пештахтаси, курсиси] 1 Банкнча бўш пул маблағларини тўплаш, корхоналарга кредит (карз) бериш, шакд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш, кредит маблағларини муоммалага чиқариш ва ш. к. билан шугуулланувчи кредит-молия муассасаси. *Давлат банки*.

БАНК КАФОЛАТИ Кафил банклар (гарант банклар)нинг мижозлар кортигини ўз ҳисобидан ва ўз муддатида тўлай олмаган холларда банклар тегишили таъминот (гаров) асосида уларнинг топшириғига кўра юн уларнинг ҳисобидан мажбуриятларни зиммасига олиши.

БАНК КРЕДИТИ Банкларнинг мижозларга вактинчалик фойдаланиш учун қайтаришлик, банк фоиз тўлови ва муддатлилик шартлари асосида капитал берishi.

БАНК МАБЛАГЛАРИ Банкларнинг муомалага туширган пул капиталлари мажмуи.

БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ Банклар томонидан жорий ёки бошқа хисоб варакқа пул қабул қилиш, фоизли ёки фоизсиз кредитлар берини биржа топширикларини бажариш, кимматбаҳо қоғозлар, акциялар сотиб олиш, мижозларнинг топширикларини бажариш, товарлар ёки товар ҳужжатлари гарови ҳисобига ссудалар бериш, шунингдек, бошқа ҳар кандай пуллни ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнлари.

БАНК ССУДАСИ Банкнинг фоиз тўлови шарти билан кредитга берилган пул маблағи.

БАНК ФОИЗИ Банк ссудасидан фойдаланганлик учун белгилangan ҳақ микдори; қарз суммасига нисбатан фоиз ҳисобида ундирилади.

БАНКНОТ [ингл. bank-note – банк белгиси] Марказий эмиссия банклари чикарадиган, муайян моддий қийматга эга бўлган коғоз пул.

БАНКОМАТ [банк + (авто)мат] Муайян банкка қарашли автоматик қурилма; банкнинг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда ўрнатилади ва банк мижозининг унинг ўзигагина берилган катъий белгиланган код бўйича нақд пул олишига хизмат килади.

БАНКРОТ [нем. Bankrott < итал. banko rotto – синган курси] Карзини тўлашга курби етмай колган, синган касб-хунар эгаси ёки корхона. *Банкрот бўлмоқ.*

БАНКРОТЛИК Фукаро, корхона, фирма ёки банкнинг маблағи стишмаслигидан ўз мажбуриятлари бўйича қарзларни тўлашга курби етмаслиги ҳолати.

БАРТЕР [ингл. barter – товар айирбошлаш] иқт. Пул маблағлари иштирокисиз бевосита товарга товар айирбошлаш ва шу ҳақдаги шартнома. *Бартер битими. Бартер усули.*

БАРГЕР АЛМАШУВИ Тарафлар томонидан пул маблағлари иштиро-
валып беносита товарга товар айирбошлаш.

БАРГЕР БИТИМИ Тарафлар томонидан пул маблағлари иштиро-
валып беносита товарга товар айирбошлаш ҳакида расмий равища ту-
штуши, қабул килинувчи ахднома, шартнома, контракт.

БЕКОР ҚИЛИШ Ишдан бүшатиш, озод қилиш ёки амалдан, куч-
дан өзгөрши. Мансабидан бекор қилиши. Қарорни бекор қилиши.

БЕЛГИЛАНГАН ҚИЙМАТ Олдиндан тайин қилиб күйилган
пара, бахо.

БЕТАРАФ [бс.. + тараф] Ҳеч қайси томонга, гурухга ён босмайди-
ған, күйилмайдиган; холис. *Бетараф мамлакатлар*.

БЕТАРАЗ ЁРДАМ Үз манфаати күзланмаган, холис ёрдам.

БИЗНЕС [ингл. business – иш, машғулот] Даромад келтирадиган,
мақсадлари күзланган ва конунларга хилоф бүлмаган ҳар
жандай тәркимий, құжалик фаолияти; тижорат; ишビルармөнлик.

БИЗНЕС РЕЖА Аниқ танланган тадбиркорлик ишининг барча
бизнесшілер тапсифланған ва тахминий хисоб-китоб қилинган лойиха.

БИЗНЕСМЕН [ингл. businessman – бизнес билан шуғулланувчи
шебер] ишビルармөн.

БИЛДИРИГИ айн. рапорт.

БИЛДИРИШ Күпчиликка етказиш, маълум қилиш учун тайёрлан-
ған босма хабар, ғылыми босма хабар, ғылыми хабар; билдиришнома.

БИЛДИРИШНОМА Муайян муассаса раҳбарига хизмат фаолияти
билим алоқалор мухим масалалар юзасидан ёки юқори идора, мансаб-
дор шахсесте бирон-бир воқеа ва ҳодиса ҳакида хабар етказиш зарурати
түрдөн шыдайтындыктың өткіздігін анықтады.

БИОГРАФИЯ [юн. bios – хаёт + grapho – ёзаман] Бирор кишининг хайёт йўли ва унинг тавсифи, баёни; айн. **таржимаи хол**.

БИР ГАЛЛИК ИШОНЧНОМА Аник бир ишни амалга ошириш вазифани бажариш учун берилган ишончнома.

БИРЖА [юн. byrsa – ҳамён, ҳалта] Кимматбаҳо қоғозлар ва ҳар хил моллар билан савдо-сотик қиласидаган йирик савдо муассасаси; бозорни ўюштиришнинг ташкилий шакли.

БИРЖА БОЖИ Биржа кўмитаси томонидан биржа аъзолари ва ҳаридор қатнашчиларидан биржа савдосида иштирок этиш ҳукуки учун олинадиган пул йигими.

БИРЖА КУРСИ Фонд биржасида мумалада бўлган кимматбаҳо қоғоз (акция, облигация)нинг сотилиш нархи.

БИРЖАЧИ Биржа харакат (операция)лари билан шуғулланувчи шахс, биржа корчалони.

БИРЛАШГАН Бир турдаги нарсалар ёки тенг ҳукукли кишилардан, ташкилотлардан, давлатлардан ва ш. к. дан ташкил топган; муштарак. *Бирлашган хўжалик. Бирлашган касаба ўюшмалари қўмитаси. Бирлашган Миллатлар Ташилоти.*

БИРЛАШМА Маълум асосда ёки маълум максадларни кўзда тутиб ўюшиш натижасида вужудга келган ташкилот, ўюшма. *Сиёсий бирлашмалар.*

БИР ОВОЗДАН Барча иштирокчиларнинг розилиги билан, юз фоиз овоз билан; бир оғиздан. *Қарор бир овоздан қабул қилинди.*

БИРХИЛЛАШТИРИШ Бирор нарсани бир хил нормага, умумий бир шаклга келтириш, унификация.

БИТИК эск. кт. 1 айн. ёзув.

2 Хат, мактуб, асар.

БИТИКЧИ тар. Ўрта асрларда хон ва маҳаллий ҳокимларнинг барча ёзув ишларини олиб борувчи шахс; котиб.

БИТИМ [дүк] Тарафлар томонидан расмий равища тузилувчи, забуу көллинуучи пәннома, шартнома, контракт. *Битим түзмөк.*

Э Фуқаролар на юридик шахсларнинг фуқаролик хукук ва бурчларни белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга каратилган ҳаракати. *Мурдан баштами.*

БИТИМ ТҮЗМОҚ Фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик хукук ва бурчларни белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақида ажыратылған расмийлаштырмок.

БИТИРУВЧИ Бирор иш-ҳаракат, фаолиятни, мас., ўкишни тугалдан арағасын турган. *Битирувчи курс.*

БИТІШМОҚ Сулхга, муросага келмоқ, ярашмоқ.

БИЧІМ Шакл, ўлчам. *Китоб бичими 84 x 108 бүлган қозозга болады.*

БЛАНК, бланка [фр. blanc – оқ] Графалари түлдирилмаган, фақат аныктайтын салынудар (хужжатларнинг зарурий белгилари)гина акс эттерелбі, очык, бүш қолған ўринләри керакли вактда түлдириш учун аныктайды босмахонада нашр этилган тайёр варақа, иш юритиш өмөтшары. *Латлар бланкаси. Телеграмма бланкаси.*

БОЖ [ф. “бож” – ўлпон, бож, солиқ] 1 *тар.* эск. Ўрта асрларда Шарқ мемлекеттерида сандогарлар, хунармандлар ва бошқалардан олинадиган солиқ.

1 Чаралан көттирилгандын мол учун олинадиган, расмий равища белгиленген дәс. *Бож тұламоқ*

БОЖГИР [ф. “божгир” – бож оловчы, солиқ түпловчы] *тар.* Бож оловчы, ингүвучи; бож ундириш лавозимига эга шахс; божхона ходими;

БОЖМОН [ф. “божмон” – божхона ходими] *тар. айн.* **божгир.**

БОЖХОНА [бож + хона] Бож олинадиган жой, идора, пост.

БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИ Чегара орқали ўтадиган юк (экс порт товарлари, кишиларга тегишли юклар, кўлдаги анжомлар, валюта, кимматбаҳо буюмлар)лар ҳақидаги асосий маълумотлар кайд этиладиган, миллий конунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштириладига хужжат.

БОЖХОНА ТАРИФИ Давлат чегараси орқали ўтадиган товарлардан ундириладиган бож ставкалари мажмуи.

БОЗОР Сотувчилар билан харидорлар ўргасидаги товар айирбослаш муносабатлари. *Жаҳон бозори. Ташиғи бозор. Бозор ислоҳотлари.*

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ Товар-пул муносабатларига асосланган турли мулкчиликка ҳамда иқтисодий эркинликка таянган ва ракоба асосида тартибга солиб туриладиган демократик иқтисодиёт.

БОНУС [лат. bonus – яхши, марҳаматли] ҳуқ. Турли хил муносаба билан қўшимча ҳақ (мукофот, қўшимча дивиденд ва б.) тўлаш.

БОСМА ТАБОҚ Нашрнинг ҳақиқий (амалдаги) ҳажм ўлчов бирлиги бўлиб, бичими 60 x 90 см бўлган қофоз варагининг бир томонидаги нусхани ташкил этади.

БОСҚИЧ Ўзаро боғланган қуи ва юқори идора, муассаса, ташкилот ва ш. к. нинг ҳар бир поғонаси, ҳалқаси; инстанция. *Биринчи босқич суд. Биринчи босқич мактаб.*

БОШ Мансаб жихатдан катта, юқори турувчи, асосий. *Бош врач. Бош агроном.*

БОШ БОШҚАРМА Давлат бошқаруви тизимида бирор йирик тармоқ ёки хўжалик соҳасида юқори (олий) ёки ўрга бўғиндаги идора, ташкилот.

БОШ БУХГАЛТЕР Барча ҳисоб-китоб ишларини бошқарувчи бухгалтерлар раҳбари.

БОШ ДИРЕКТОР Мансаб жихатдан юқори турувчи директор.

БОНДОК Ҳеч кимга ва ҳеч қандай конун-қоидага, тартибшынанга бүйсунмайдиган; ўзбошимча, тартибсиз, бебош.

БОНДОКЛИК Ҳеч қандай тартиб-интизом бўлмаган, ҳар ким ўз бинонга иш тутадиган бир ҳол; ўзбошимчалик, бебошлик; анардиган.

БОНИ НИК Идора, муассаса, ташкилот ва ш. к. га раҳбарлик килувчи юнит, раҳбар.

БОНКАРМА Давлат бошқаруви тизимида бирор йирик тармоқ юнити соҳисида юқори (олий) ёки ўрта бўғиндаги идора, ташкилот. *Ондоғлантириши бошқармаси. Марказий банкнинг вилоят бошқармаси.*

БОНКАРМА БОШЛИГИ Бошқарма раҳбари.

БОНКАРМОҚ Корхона, муассаса, ташкилот ва ш. к. ишини идора юнит, ўнга солиб турмок. *Заводни бошқармоқ.*

БОНКАРУВЧИ Бошқарма ва умуман корхона, муассаса, ташкилот ва ш. к. бошлиги, раҳбари.

БОНДМОНДА [а. “боки” – давомли, абадий + ф. “монда” – қолган, ғалабадиб юнити] Қолдик қарз, ундирилмаган, тўланмай қолган солик юнити.

↓ Энди, анилдин йигилиб қолган.

БРИФИНГ [ингл. briefing – ўйл-йўриқ < brief – қисқа; қисқача хуноси] Раҳмий шахсларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билдирилган ресмий пунктни назар билдириш ёки расмий хуросаларни қисқача юнити максадидаги учрашуви.

БРОКЕР [ингл. broker – ўргада туриб воситачилик килувчи, даллол, маклер] Топар, валюта, савдо биржаларида олди-сотди битимлари тушуни воситачилик (даллоллик) қиласидиган айрим шахс ёки фирма.

БРОНЬ [нем.] Махсус ажратилган ёки имтиёз берилган нарсалардан фойдаланини хукукини берадиган хужжат. *Билетни бронъ қилмоқ.*

БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИ Чегара орқали ўтадиган юк (экспорт товарлари, кишиларга тегишли юклар, кўлдаги анжомлар, валюта, кимматбаҳо буюмлар)лар ҳакидаги асосий маълумотлар кайд этиладиган, миллий қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштириладиган хужжат.

БОЖХОНА ТАРИФИ Давлат чегараси орқали ўтадиган товарлардан ундириладиган бож ставкалари мажмуу.

БОЗОР Сотувчилар билан харидорлар ўртасидаги товар айирбослаш муносабатлари. Жаҳон бозори. Ташиқи бозор. Ички бозор. Бозор ислоҳотлари.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ Товар-пул муносабатларига асосланган турли мулкчиликка ҳамда иқтисодий эркинликка таянган ва ракоба асосида тартибга солиб туриладиган демократик иқтисодиёт.

БОНУС [лот. bonus – яхши, марҳаматли] ҳуж. Турли хил муносаба билан қўшимча ҳак (мукофот, қўшимча дивиденд ва б.) тўлаш.

БОСМА ТАБОҚ Нашрнинг ҳақиқий (амалдаги) ҳажм ўлчов бирлиги бўлиб, бичими 60 x 90 см бўлган қофоз варагининг бир томонидаги нусхани ташкил этади.

БОСҚИЧ Ўзаро боғланган куйи ва юқори идора, муассаса, ташкилот ва ш. к. нинг ҳар бир поғонаси, ҳалкаси; инстанция. Биринчи босқич суд. Биринчи босқич мактаб.

БОШ Мансаб жихатдан катта, юқори турувчи, асосий. Бош врач. Бош агроном.

БОШ БОШҚАРМА Давлат бошқаруви тизимида бирор йирик тармок ёки хўжалик соҳасида юқори (олий) ёки ўрга бўғиндаги идора, ташкилот.

БОШ БУХГАЛТЕР Барча ҳисоб-китоб ишларини бошқарувчи; бухгалтерлар раҳбари.

БОШ ДИРЕКТОР Мансаб жихатдан юқори турувчи директор.

БОНЬОШДОК Ҳеч кимга ва ҳеч кандай конун-қоидага, тартиб-шартты бүйсүнмайдыган; ўзбошимча, тартибсиз, бебош.

БОНЬОШДОҚЛИК Ҳеч кандай тартиб-интизом бўлмаган, ҳар кимни ўзбошига иш тутадиган бир ҳол; ўзбошимчалик, бебошлик; анар-жон.

БОНДИК Идора, муассаса, ташкилот ва ш. к. га раҳбарлик қилувчи юртади, раҳбар.

БОНДАРМА Давлат бошқаруви тизимида бирор йирик тармок соҳасида юқори (олий) ёки ўрта бўғиндаги идора, ташкилот. *Ободонлаштириши бошқармаси. Марказий банкнинг вилоят бошқармаси.*

БОНДАРМА БОШЛИГИ Бошқарма раҳбари.

БОНДАРМОК Корхона, муассаса, ташкилот ва ш. к. ишини идора ташкилотни ўзбошига солиб турмок. *Заводни бошқармок.*

БОНДАРУВЧИ Бошқарма ва умуман корхона, муассаса, ташкилотни ўзбошига солиб турмок, раҳбари.

БОКИМОНДА [а. “боки” – давомли, абадий + ф. “монда” – қолган, қоладиган қолган] 1 Қолдик қарз, ундирилмаган, тўланмай қолган солик

2 Ёки, аввалдан йиғилиб қолган.

БРИФИНГ [ингл. briefing – йўл-йўриқ < brief – қисқа; қисқача худоји] Ресми шахсларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билдириш нуқтаи назар билдириш ёки расмий хуносаларни қисқача билишни мақсадидаги учрашуви.

БРОКЕР [ингл. broker – ўргада туриб воситачилик қилувчи, даллол, маклер] Товар, валюта, савдо биржаларида олди-сотди битимлари тушуни воситачилик (даллоллик) қиладиган айрим шахс ёки фирма.

БРОНЬ [нем.] Махсус ажратилган ёки имтиёз берилган нарсаларни фойдаланиш ҳукукини берадиган ҳужжат. *Билетни бронь қилмоқ.*

БҮЙРУҚ Ташкилот, муассаса, корхона, ҳарбий қисм ва ш.к бошлиғи, раҳбарининг ўз тасарруфидаги ташкилот, муассаса, корхона бўйича чиқарадиган расмий фармойиши, амри ва шундай фармоши матни ёзилган қоғоз; расмий хужжат. *Директор буйруги. Олий Бош Қўмондон буйруги. Ишга тайинлаш ҳақидаги буйруқ. Буйруқ билан расмийлаштирмоқ.*

БҮЙРУҚБОЗ Буйрукбозликни, буйруқ беришни яхши кўрадига одам.

БҮЙРУҚБОЗЛИК Бўлар-бўлмасга, ўринли-ўринсиз буйруқ беради, ҳамма ишни фақат буйруқ бериш йўли билан олиб бориш.

БҮЙРУҚЛАР ДАФТАРИ Муассасада буйруклар қайд этиб борадиган маҳсус дафтари.

БҮЙРУҚНОМА Буйруқ матни ёзилган қоғоз, хужжат.

БУРОМАД [ф. “буромад” – чикиш; харажат, чиким] Чиким; сарф харажат; зид. даромад. *Даромадга қараб буромад. Макол.*

БУХГАЛТЕР [нем. Buch – китоб + halter – олиб юрувчи, тутиб турувчи] айн. ҳисобчи.

БУХГАЛТЕРИЯ Идора, муассаса, корхона ва ш.к. нинг барча мөлиявий, ҳисоб-китоб ишларини олиб борувчи бўлими ва у жойлашганихона; ҳисобхона. *Бухгалтерия ходимлари. Институт бухгалтерияси.*

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ Бухгалтерия ҳисботини аниқ ҳисбот санасида якунловчи, маблагларнинг сарфланиши, манбаи мақсадини таърифловчи, жамловчи, умумлаштирилган жадвалда пул ҳисобида акс эттирувчи хужжат.

БУЮРТМА 1 от Бир нарса ясаб, тайёрлаб, ишлаб бериш ҳақидаги топшириқ, талаб. *Буюртма бермоқ. Буюртмалар қабул қилмоқ.*

2 сфт. Топшириқ асосида тайёранадиган; буюртирилган. *Буюртма туфли.*

БЮОРТМАНОМА Бирор нарсани ясаб, тайёрлаб ёки ишлаб берген хөхдэгтийн талиб (таклиф, илтимос) ёзилган расмий хүржжат, хат.

БЮОРТМАЧИ Буюртма берган шахс ёки ташкилот.

БЮДЖЕТ [итал. budget – ҳамён, маблағ] иқт. Муайян вакт (йил, сар, сарык) учун ишлаб чиқилган, мөнжирлаштирилган ва қонуний тарзийн төслийн төсөвийтэй широмадлар ва харажатлар йигиндиси. *Бюджет иши.*

БЮДЖЕТ ИШИ Конуний равищда тасдиқланган давлат бюджетийн бажирилиши белгиланган муайян давр, муддат (түлик давхатында төслийн төсөвийтэй олади).

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ Аксарият ёки бутунлай давлат ёки давхатын бюджет носиталаридан маблағ билан таъминланадиган ташкилот.

БЮДЖЕТ ТИЗИМИ Давлат, маъмурий ҳудуд, баъзи (мустакил мухассисалар бюджетларининг иктиносидий муносабатлар ва тартиби таъсисатларига асосланган мажмуи.

БЮДЖЕТДАН ТАШКАРИ ЖАМГАРМАЛАР Давлатнинг давхатын кирийтмайлигандаги ташкирилганинг турли тартибларидан мактабаларга мүлжалланган пул.

БЮЛЛЕТЕНЬ [фр. bulletin < итал. bulletino – кичик хат, варака] 1. Бирор мухассисанинг вакт-вакти билан чиқариб туриладиган босма томони, ахборотнома. *Олий аттестация комиссиясининг бюллетеңи.*

2. Номоний ҳадмиятга эга бўлган бирор мухим воқеанинг бориши ҳадмиятни юшиб туриладиган ахборот. *Валюталар курси ҳақидаги бюллетеңи.*

3. Мөълум шаҳидаги сайлов (овоз бериш) варакаси. *Сайлов бюллетеңи сайлов күтисига ташламоқ.*

4. т. Касаллик түфайли ишчи ёки хизматчининг меҳнатга вактинча ҳақидаги тибиёт муассасалари томонидан бериладиган расмий варакаси. *Бюллетень олимоқ. Бюллетень бўйича пул.*

БЮРО [фр. bureau – девонхона, идора; ёзув столи] Баъзи бир муасаса, ташкилот ёки улардаги бўлимлар номи. *Маълумотномалар бюроси. Конструторлик бюроси.*

БЎЙСУНМОҚ Қарамоғида, раҳбарлиги остида бўлмок; итоа кilmok. *Юқори идораларга бўйсунмоқ.*

БЎЛИМ Идора ва турли ишхоналарнинг маълум иш била шуғулланадиган ҳар бир кисми; муайян идорага қарашли куйи идора, шуъба. *Вазирликнинг кадрлар бўлими. Институтнинг бўлимлари. Шаҳар молия бўлими.*

БЎНАК 1 *тар.* Бирор иш юзасидан иш берувчиларнинг иш бажа рувчиларга олдиндан берадиган қарзи. 2 *бух.* Маош хисобидан ой охирида ҳисоб-китоб қилиш шарти билан олдиндан бериладиган пул; аванс.

БЎНАҚДОР Бўнак олган, бўнак олиб қарздор бўлган шахс; дебитор

БЎНАҚЧИ *тар.* 1 Бўнак бериб, одам ишлатувчи шахс.

2 Бўнак олган шахс, қарздор.

БЎШ 1 Банд бўлмаган, ишғол этилмаган, бекор. *Бўши ўрин. Бўши ер.*

2 Иш билан банд бўлмаган, ишдан холи; бекор, беиш, ишсиз. *Бўй кун. Бўши вакт.*

БЎШ ЎРИН Банд бўлмаган иш ўрни; вакант ўрин.

БЎШАМОҚ Ишдан, амалдан, мансабдан қутулмок, озод бўлмок.

БЎШАТМОҚ Ишдан, вазифасидан озод қilmok; рухсат бермок. *Ишдан бўшатмоқ. Лавозимидан бўшатмоқ.*

В

ВАЗИР [а. “вазир” – вазир, министр] Мамлакатда муайян тармок фаолиятини бошқарувчи шахс. *Соалиқни сақлаш вазири. Молия вазири. Халқ таълими вазири.*

ВАПИРЛАР МАҲКАМАСИ Баъзи мамлакатлар, жумладан

Узбекистонга, докуматнинг номи.

ВАПИРИК Узбекистон Республикасида давлатнинг марказий

бюджетни организи, давлат маҳкамасининг муҳим кисми.

ВАПИФА [а. "виффа" – амал, лавозим; хизмат, топширик; иш ҳақи]

1 Бирорин учун берилган, топширилган иш; топширик.

1 Амал лавозими, мансаб, амал доирасида бажариладиган ишлар

шумади. *Директорлик вазифаси.*

ВАКАНСИЯ [лот. vacans – кераксиз, ортиқча; бўш, эгалланмаган]

бўш урин, банди килинмаган лавозим (идора, муассаса ва ш. к.). *Вакансияни эгалламоқ.*

ВАКАНТИ [лот. vacantis – бўш, эгалланмаган] Ҳеч ким эгаллама-

сан, бўш (идора, муассаса ва ш. к. штатидаги лавозим, хизмат ўрни

төрсайди).

ВАКИЛ [а. "вакил" – ишончли, ваколатли шахс] 1 Бирор киши, му-

ассас, ташкилот ва ш. к. номидан иш кўришга ваколати бўлган, унинг

манбаатларини қўзловчи ва ҳимоя қилувчи шахс.

1 Бирор давлат ёки ташкилотнинг ваколати билан ўзга элларда унинг

номидан иш кўрувчи, унинг манбаатларини ҳимоя қилувчи лавозимли

шахс, яъни. *Дипломатик вакил. Мухтор вакил.*

1 Бирор соҳа, ижтимоий гурӯҳ, жамият ва п. к. га мансуб киши; на-

мона тоғиб. *Соҳа вакили.*

ВАКИЛЛИК Бирор шахс (вакил)нинг иккинчи шахс (ваколат берув-

чи) номидан ишонч қоғози ёки маъмурий хужжатга асосан киладиган

корреспондентлари.

ВАКОЛАТ [а. "ваколат" – вакиллик; ҳукуқдорлик] Бирор шахс, му-

ассас, ташкилот, давлат ва ш. к. номидан иш килиш учун берилган

хукуқ – вакиллик хукуки. *Кенг ваколат.*

ВАКОЛАТ МУҲЛАТИ Бирор шахс, муассаса, ташкилот, давлат ва

номидан иш килиш учун берилган хукуқ, вакиллик хукуки амал

шумади муддат.

ВАКОЛАТНОМА Ташкилот ва фуқароларнинг вакиллик килиши учун берилган ёзма хужжат; ишончнома, ишонч қоғози. *Яна қ. ишончнома.*

ВАКОЛАТХОНА Бирор давлат томонидан ўзга мамлакатда таъси этилган ва унинг манфаатларини кўзлаб иш кўрадиган муассаса.

ВАЛЮТА [итал. valuta – қиймат, баҳо < лот. valere – кучли бўлмоқ кадрланмоқ, баҳоланмоқ] 1 Муайян давлатнинг пул бирлиги (сўм танга, доллар ва бошқалар).

2 Пул тизимининг тури (олтин, кумуш ёки қоғоз валюта).

3 Хорижий давлатларнинг пуллари, халкаро ҳисоб-китоблард қўлланадиган хорижий пул бирлигидаги кредит ва тўлов ҳужжатлар (векселлар, чеклар ва ҳ.к.).

ВАЛЮТА БОЗОРИ Чет эл валюталари ва чет эл валюталар ҳисобидаги тўлов ҳужжатларининг олди-сотдиси бўйича барқаро иктисодий ва ташкилий муносабатлар тизими.

ВАЛЮТА КУРСИ Мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигига ифодаланган баҳоси, қиймати.

ВАЛЮТА ТИЗИМИ Валюта ҳаракати билан боғлик бўлган иктисодий ва хукукий муносабатлар тизими.

ВАРАҚА [а. “варақа” – барг, япрок; қоғоз, ҳужжат] 1 Мухим бир гап, матн босилган ва оммага тарқатиш учун мўлжалланган қоғоз; ижтимоий-сиёсий ташвиқот воситаларидан бири. *Ташвиқот варақаси.*

2 Маълум бир нарсалар хақида маълумот ёзиш учун белгиланган расмий қоғоз, бланка. *Касаллик варақаси. Мукофот варақаси.*

ВАСИЙ [а. “васий” – ҳомий; васиятни бажарувчи] Вояга етмаган етим болаларга ғамхўрлик килишни ва уларга мерос колган молмулкка (болалар вояга етгунча) қараб туришни ўз устига олган (васият килинган) шахс; маънавий ота.

ВАСИЙЛИК Вояга етмаган болаларнинг, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги туфайли суд томонидан муомалага лаёкатсиз деб топилган шахсларнинг ҳукуқ ҳамда манфаатларининг давлат томонидан ҳимоя килиниши. *Васийлик мажбуриятлари.*

ВАСИЯТ [а. "насият" – ўлим олдидан айтиб қолдириладиган гап-
тар, узин олдиши охирги сүз] Мархумнинг ўз якинларига айтиб ёки
шаббаттарни топшириги, истаги, насиҳати.

ВАСИЯТ КИЛУВЧИ Ўзига тегишли мол-мулки ёки бу мол-мулкка
шаббати хувути, у вафот этган тақдирда, қандай тасарруф этилишига
шаббати прошени ифодаловчи шахс, васиятчи.

ВАСИЯТНОМА [васият + нома] Ёзма васият; муайян шахснинг
жумладан, у вафот қилган тақдирда, ўзига карашли бўлган мол-
мулкни тасарруф этилиши бўйича хоҳиш-иродаси баён килинган
документ. *Васиятнома қолдиримоқ.*

ВАСИКА [а. "васиқа" – хужжат, шаҳодат] 1 Якин ва Ўрта Шарқ мам-
лакатлари (жумладан, Туркистонда) ер-мулк олди-сотдиси тўғрисида
хужжат.

2 Шаҳодий гуноҳнома, хужжат.
3 Хужжат, далил ўрнидаги нарса.

ВАФОТ ЭТГАН ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ Конунда белгиланган
фукаронинг қаерда турганлиги ҳакида доимий яшаш
майдалини киндай маълумот бўлмаган тақдирда унинг суд томонидан
вафот этини, деб тан олиниши.

ВАКТЛАЙ ИШ ҲАҚИ Вақтга қараб тўланадиган, белгиланадиган

ВАКТИНЧА ВАЗИФАСИНИ БАЖАРМОҚ Масъул лавозимни
давомида бажарип туриш ваколатини олиш.

ВАКТИНЧАЛИК ИШ Доимий бўлмаган, маълум вақт давомида
худои ғомонашган, амалиёти маълум вақт билан чегаралангани иш.

ВАКТИНЧА МЕХНАТГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК Ходимнинг
тубайи ғомонашгани туфайли нисбатан кисқа муддат давомида ишни
безарти олмаслиги.

ВАКФ [а. "вакф" – хайрия максадларида васият килинган мулк,
максад мулк] тар. Мулқдор шахслар ёки давлат томонидан диний мул-

ассаса ихтиёрига даромадидан фойдаланиб туриш, аммо ўзини сотмаслик шарти билан ўтказилган ёки васият қилиб колдирилган мулк (ерсув, мактаб, шифохона, уй-жой, дўкон ва ш. к.).

ВАҚФНОМА [вақф + нома] *tar.* Ер-сув, хўжалик бинолари ва давромад келтирадиган бошқа мулкларни диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун диний муассасалар ҳамда айрим руҳонийлар тасарруфига ихтиёрий суратда ўтказганлик тўғрисидаги хужжат.

ВЕДОМОСТЬ [р. ведомый – “таниш, таникли” сўзидан] 1 Бирор турдаги маълумотлар йигиндиси; кайднома. Мас., иши ҳақи ведомость. 2 эск. Ахборот, ахборотнома (бальзи даврий нашрларнинг номи).

ВЕКСЕЛЬ [нем. Wechsel – ўзгариш; алмаштириш] Қонун билан қатъий белгиланган шаклдаги ёзма қарз мажбурияти: қарз олувчи томонидан кредиторга берилиб, кредиторга белгиланган муддатдан сўнг қарздордан векселда кўрсатилган пул суммасини тўлашни талаб килиш хукукини беради.

ВЕРБАЛ НОТА [лат. verbalis – оғзаки] Хукуматларга мухим давлат аҳамиятига молик масалалар ва сўровлар юзасидан маълумо бериш, элчихона ва ваколатхоналардаги ўзгаришлар юзасидан хабар бериш, виза бериш ёки унинг муддатини чўзиш, бирор жойга делегация жўнатиш каби турли масалалар ёритилган, ташки ишлар вазирликлари, элчихоналар, ваколатхоналар томонидан давлатлараро ташки алоқаларда қўлланувчи, оғзаки аризага тенглаштириладиган имзосиз ёзма хужжат.

ВЕРДИКТ [лат. vere dictum – тўғри айтилган] Суд маслаҳатчиларининг судланувчини айбдор ёки айбдор эмас деб чиқарган қарори.

ВЕТО [лат. veto – рухсат бермайман, ман қиласман] ҳуқ. 1 Ривожланган давлатларда биронта орган, ташкилот қонуни ёки карорининг кучга киришини тўхтатиш ёки кучга киришига йўл қўймаслик хукуки. 2 Бирор қарорнинг қабул қилинишига тўскинилик қилувчи бирдамликнинг йўқлиги.

ВЗНОС [р. “взносить”, “внести” сўзидан – тўлаш, тўлов] қ. бадал. Аъзолик взноси.

ВІІІ ОПОР [р. “ыаговорить” сўзидан – танбех бериш] қ. хайфсан.
Расмий бермоқ. Выговор эълон қилмоқ.

ВІІІА [лот. visita – кўрилган] 1 Бирор хорижий мамлакатга бораш, унда юнац ва унинг ҳудудидан ўтиш учун тегишли маъмурий бирор томонидан паспортуга кўйиладиган махсус рухсат белгиси.

2 Масабдор шахс томонидан бирор ҳужжатга унинг тўғрилигини ташкилаб дўйилган ёки унга ҳукуқий куч берувчи имзо, белги.

ВІІІІТ [фр. visite – ташриф < лот. visere – кўрмок; ташриф бўюриш] Расмий суратда бирор элда, бирор шахс хузурида киска фурӯши бўдан, ташриф бўюриш, ташриф.

ВІІІІТКА [*<р.“визитная карточка”* (ташриф варагаси) бирикма-
ни] Расмий масабдор шахснинг исми, фамилияси, унвони, туариф
бўланганда, шу шахс томонидан бирон-бир ташриф, учрашув,
тавониу пайтиди бошқаларга бериладиган кичикроқ қалин варагча;
ташриф котози.

ВІІІІУАЛ ҚАБУЛХОНА [ингл. virtual – ҳакиқий, чин, далилга
бўлинган] Мурожаат қилиш, халқ билан мулоқот қилишнинг электрон
формати.

ВІІІІС [а. “корис” – меросхўр, мерос қилиб олувчи] Мерос олиш
бўйинча яна бўлган шахс, мерос эгаси, меросхўр.

ВІІІІСЛИК Вафот этган шахс (мерос колдирувчи) ҳукуқ ва маж-
бутийларни ўз меросхўларига ўтиши.

ВОСІТА [а. “восита” – чора, тадбир, усул; ўрта, ўртадаги] Бирор
инниши ёки бирор ишни амалга ошириш учун дастак бўлиб
зинмат қўйадиган нарса, курол. Ахборот воситалари. Техника восита-
лари. Гранитпорт воситалари. Ишлаб чиқарни воситалари.

ВОСІТАЧИ Бирор ишнинг амалга оширилишида восита ролини
хизмат кимса ёки нарса; айн. даллол.

Г

ГАРОВ [ф. “гаров” – кафолат] 1 Ваъданинг бажарилишига ишонтириш учун қолдириладиган омонат нарса.

2 Бирор нарса ёки ходиса хақида баҳслашувчи икки киши (тому ўртасидаги шарт.

ГАРОВГА ҚҮЙИБ ПУЛ ОЛИШ Қарз олувчининг қайтариб бери кафолати учун бирор нарса, мулкни бериб пул олиш.

ОПЦИОН [нем. Option < лат. optio, optionis – танлаш; истак] 1 Шартнома шартларига күра томонлардан бирига мажбуриятларни бағырыш йүли, шакли, ҳажми, техникасини танлаб олиш учун берилған түкүк.

2 Сотувчи ёки харидорға қимматбахо қоғозлар ёки товарларни мүнис муддат давомида белгиланған нархларда сотиб олиш ёки сотиш түкүкни берадиган шартнома.

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ Талабаларни режадаги машғулотлар, муайян орас соатлари үтилгандан кейин синаш, баҳолаш усули.

ОРДЕР [нем. Order < фр. ordre – тартиб, буйрук < лат. ordo – қатор, тартиб] 1 Бирор нарсани олиш, бериш, бирор ишни бажариш ҳақида берилған ижозат қоғози, буйрук варакаси, расмий ҳужжат. *Квартира (жилище) учун берилған ордер. Ордер бланкаси.*

2 Бухгалтерияда: пул маблағлари ёки моддий бойликлар билан операцияларни амалға оширишга оид ҳужжат. *Тұлов ордери. Касса ордери.*

ОТАЛИҚ 1 Моддий, маданий ёки бошқа хил ёрдам күрсатиш, шу йўл билан ташкилотлар ва кишиларни бир-бираига боғлашдан иборат ижтимоий бурч, фаолият. *Оталиқча олмоқ.*

2 Шундай ёрдам кўрсатишни ўз зиммасига олган киши ёки ташкилот.

ОФЕРТА [лат. offertus – таклиф этилган] Бир шахснинг бошқа шахсга товар етказиб бериш, бирор-бир хизмат кўрсатиш ва б. учун шартнома тузиш истаги ва шартлари ҳакида ёзма ёки оғзаки хабарномаси.

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ Иштирокчилари ўзларига қарашли акциялардан эркин фойдаланиши мумкин бўлган жамият.

ОЧИҚ ОВОЗ БЕРИШ Сайловда бюллетенъ ташламай (ишлатмай), оғзаки ёки кўл кўтариб ўз фикрини билдириш.

ОЧИҚ ХАТ Ҳамма ўқиши учун, одатда, матбуотда зълон килинадиган расмий хат.

ОШКОРАЛИК Ошкора хусусиятга эгалик; очиқ-оидинлик. *Суднинг ошкоралиги.*

П

ПАПИРУС [лат. papyrus < юн. papyros – қофоз] Қадимги мисрликлар ва бошқа ҳалқлар томонидан шу ўсимлик пояси тилимларини елимлаб ёпишириб, ўрама шаклида тайёрланган, қофоз ўрнида фойдаланилган материал.

ПАПКА [нем. Pappe – картон] Қофоз, хат-хужжатлар солиб қўйиладиган, картон, чарм ва ш. к. дан ясалган жилд ёки муқова.

ПАРАГРАФ [юн. paragraphos – ёнма-ён, яқин ёзилган] Китоб, мақола каби матнларнинг маъно жиҳатидан мустакилликка эга бўлган, одатда § белгиси орқали ёки тартиб сон билан кўрсатиладиган қисми; § белгисининг ўзи.

ПАРЛАМЕНТАР РЕСПУБЛИКА Парламент тўлиқ ҳокимиятга эга бўлиб, хукумат унинг олдида сиёсий жавобгар ҳисобланадиган, парламент томонидан сайланган президент эса факат давлат бошлиғи, ижро этувчи ҳокимият бошлиғи саналадиган давлат бошқаруви шакли.

ПАСАЙИШ 1 Камайиш, кучсизланиш, қайтиш (ходисаларнинг кучи, шиддати, даражаси, миқдори ва ш.к. ҳакида).
2 Юкори амалдан пастроқ амалга тушиб қолиши.

ПАСПОРТ [фр. passeport < итал. passa-porto – портга кириш ёки у орқали ўтиш учун рухсатнома] 1 Муайян давлат фуқароси эканлигини таъвасининг шахсини кўрсатувчи ва тасдиқловчи асосий хужжат. *Муддатсиз паспорт. Паспорт олмоқ.*

2 Корхона, бино, технологик қурилма, асбоб-ускуна қисми, транспорт воситаси ва ш.к. ҳақидаги асосий маълумотлар қайд этилган хужжат, гувоҳнома. *Автомобиль паспорти. Телевизор паспорти.*

ПАСПОРТ ТИЗИМИ Аҳолини хисобга олиш ва унинг кўчиб юришини тартибга солиш коидалари мажмуни.

ПАССИВ [лат. passivus – ҳаракатсиз] бухг. 1 Корхона ва ташкилотнинг барча қарзлари ва мажбуриятлари.

2 Бухгалтерия балансининг ўнг томони: корхона ва ташкилотларнинг мансублиги ва максадига кўра гурӯҳланган маблағларининг (ўз шхиралари, бошқа муассасалардан олинган карзлар) хосил бўлиш минбаларини ифодалайди; *зид. актив.*

ПАССИВ БАЛАНС Кирим (даромад) чикимдан, буромаддан кам бўлған баланс; нофаол баланс.

ПАТЕНТ [лат. patens, patentis – аник, очик] 1 Ихтирочига Давлат патент идораси томонидан бериладиган, унинг ўз ихтиросига муаллифлиги ва мутлак ҳукукини тасдиқловчи хужжат.

2 Савдо-сотиқ ёки бирор касб-хунар билан шуғулланиш учун рухсат берилганлиги ҳақидаги хужжат.

ПАТТА [ф. “патта” – талон; рухсат, рухсатнома; чек] с.т. Билет; чек; талон. *Поезд паттаси. Бозор паттаси.*

ПЕНАЛ [нем. Pennal < лат. penne – перо; пат] Ручка, қалам, резина опиб кўйиладиган чўзинчоқ кутича, гилоф.

ПЕНСИОНЕР [фр. pensionnaire < лат. pensio, pensionis – тўлов] Пенсия олувчи киши.

ПЕНСИЯ [лат. *pensio* – тұлов; тұлов муддати] Қариган, мекнат қобилиятынің йүкотган, узоқ үйлі хизмат қылған, бокувчисидан жудо бүлған кишиларни моддий жиҳатдан таъминлаш мақсадида уларга давлат томонидан доимий беріб бориладиган пул; нафақа. *Пенсия олмоқ.* *Пенсияга чиқмоқ.*

ПЕНЯ [лат. *poena* – жазо] эск. Пул-тұлов мажбуриятларини үз вактида бажармаганлик учун тұланадиган жарима.

ПЕШЛАВХА [ф. + а. “пеш + лавх” – олд томонға осиладиган лавх(а)] Корхона, идора, муассаса, үкүв юрти кабилар ҳақида қиска, ихчам, аниқ маълумот ёзилған ва шуларнинг кираверишида кўринарли жойга ўрнатиладиган маҳсус таҳтача.

ПЛАГИАТ [лат. *plagiatus* – ўғирланған] Бирорнинг асарини ёки ундаги фикрларни ўзиники қилиб кўрсатиш, адабий, ижодий ва илмий ишдаги ўғирлик.

ПЛАГИАТОР [лат. *plagiator* – ўғри] Бирорнинг асарини ёки ундаги фикрларни ўзиники қилиб кўрсатувчи муаллиф; плагиат билан шуғулланувчи шахс.

ПЛАСТИК КАРТОЧКА Банк ёки кредит муассасаси томонидан үз мижозларига бериладиган шахсий (эгасининг номи ёзилған) тұлов ҳисоб-китоб ҳужжати; кредит карточкаси.

ПОВЕСТКА [р. повесть – “хабар бермоқ, огоҳ қилмоқ, билдиримоқ” феълидан ясалған от] эск. Чакирилганлик ҳақида қисқача ёзма хабар; чакириқ қофози.

ПОЛИС [фр. *police* < итал. *polizza* – тилхат, патта] Суғурта жамияти томонидан суғурта қилинған шахс ёки муассасага бериладиган ва суғурта шартномаси ва унинг шартларини тасдиқладиган гувоҳнома.

ПОРТАЛ [нем. *Portal* < лат. *porta* – эшик, дарвоза] 1 Интернетда: үёки бу мавзу бүйіча доимо тұлдирилиб, янгиланиб борувчи тұлық маълумотларни қамрағ олувчи универсал түсдеги ахборот сахифаси.

2 айн. ҳалқ қабулхонаси.

ПОЧТА [пол. *poczta*, итал. *posta* < лат. *positus* – хат, хабар етказувчи отглик чопар; бекет, станция] 1 Хат, хабар, жұнатма, газета-журнал, ҳужжат, пул ва ш.к. ни қабул қилиб, тайинланған кишига ёки жойға

етказиб берадиган давлат алока муассасаси ва шу муассаса жойлашган бино. *Шаҳар почтаси. Дала почтаси.*

2 Шундай муассаса томонидан етказиб берилган ёки олинган нарсалар (хат, жұнатма ва ш.к.).

ПОЧТАМТ [нем. Postamt] Шаҳарнинг марказий почтаси, марказий почта идораси.

ПРЕЗЕНТАЦИЯ [лот. praesentatio – тақдим этиши, кўрсатиш] Бирор янги, яқинда пайдо бўлган, яратилган нарсанинг (мас., китоб, журнал, кинофильм, теледастур, ташкилот ва ш.к. нинг) жамоатчиликка расман тақдим этилиши; тақдимот.

ПРЕЗИДЕНТ [лот. praesidens, praesidentis – олдинда ўтирувчи] 1 Республика бошқаруви шаклидаги кўпчилик мамлакатларда маълум муддатга сайлаб қўйиладиган давлат бошлиғи. *Ўзбекистон Президенти.*

2 Баъзи илмий муассаса ёки жамиятларнинг маълум муддатта сайлаб қўйилган бошлиғи, раҳбари. *Фанлар академиясининг президенти.*

3 Фирма, банк, компания ва ш.к. даги юкори мансабдор шахс. *Банк президенти. Компания президенти.*

ПРЕЗИДЕНТЛИК 1 Президент лавозими, мансаби.

2 Республика тузумидаги мамлакатларнинг маълум муддатта сайлаб қўйиладиган раҳбарлиги.

ПРЕЗИДЕНТЛИК БОШҚАРУВИ Фавқулодда холатлар жорий тилганда давлат бошқаруvida қўлланадиган вактинчалик бошқарув шакли. (Ўзбекистонда президентлик республикаси бошқарув шакли ямал киласи).

ПРЕЗИДЕНТЛИК РЕСПУБЛИКАСИ Умумхалқ сайловида сайланадиган президент давлат бошлиғи хисобланадиган давлат бошқарув шакли (Ўзбекистонда президентлик республикаси бошқарув шакли ямал киласи).

ПРЕЗИДИУМ [лот. praesidere – олдинда ўтирмоқ, раислик қилмоқ] 1 Мажлис, кенгаш ва ш.к. катта йиғилишларни бошқариб бориш учун сайланган кишилар гурухи; ҳайъат. *Олий Мажлис президиуми. Президиум сайламоқ.*

2 Баъзи ташкилот, жамият ёки илмий муассасанинг сайлаб кўйиладиган раҳбарлик органи. *Фанлар академиясининг президиуми.*

ПРОГУЛ [р. прогулять – “уйнаб юриб кечикиб колмоқ, ишга бормай (келмай) қолмок” феълидан] эск. Ишга ёки ўқишга сабабсиз келмай қолиши.

ПРОГУЛЧИ эск. Ишга ёки ўқишга сабабсиз келмай қолган, прогулган киши.

ПРОПИСКА [р. прописать – “қайд қилмок, рўйхатдан ўтказмок” феълидан ясалган от] Кимсанинг маълум манзилда яшаб турганлиги ни уй дафтарига расмий суратда қайд қилиш ва шу ҳақда паспортга кўйилган белги. *Тошкентда прописка билан яшамоқ. Прописка қилмоқ.*

ПРОЦЕНТ [нем. Prozent < лат. pro centum – юз ҳисобидан, юз ҳисобига; юз(та)ликка] 1 Бирор сон ёки миқдорнинг юздан бир ҳиссаси, улуши; % белгиси билан ифодаланади (яна қ. фоиз). *Планнинг бир проценти.*

2 Қарзга олинган пулдан фойдаланганлик учун қарздор томонидан пул эгасига тўлаб туриладиган ҳак, фойда.

ПУДРАТ [р. подрядить – «вақтинчалик ишга юбормоқ, бирор нарсанни олмоқ, топмок» феълидан] Бир томон иккинчи томон буюртмаси асосида маълум бир ишни тўлигича (батамом) бажариб бериш мажбуриятини олганлиги ҳакидаги шартнома ва шу асосда бажариладиган ишнинг ўзи. *Пудратни ўз вақтида бажармоқ. Бинони пудратга олган қурилиши ташкилотчи.*

ПУДРАТЧИ [р. подрядчик] Пудрат асосида ишлайдиган киши ёки ташкилот. *Асосий пудратчи. Пудратчи ташкилотлар.*

ПУЛ [ф. “пул” – пул, акча; балик тангаси] Олди-сотди ёки тўлов муомалаларида нарх, баҳо, қиймат ўлчови бўлган металл ёки қоғоз белги; акча. *Қоғоз пул. Танга пул. Нақд пул. Пул майдаламоқ.*

ПУЛ БИРЛИГИ Мамлакатда қонун йўли билан жорий этилган пул белгиси, мамлакат пул тизимишининг асосий унсурлари бўлган пул ҳисоб-китоб бирлиги.

ПУЛ ИСЛОХОТИ Миллий валютани мустаҳкамлаш, пул бирлиги ни барқарорлаштириш ва пул муомаласини тартибга солиш мақсадида

давлат томонидан мамлакат пул тизимини түлиқ ёки қисман қайта ташкил этиш.

ПУЛЛИК ХИЗМАТ Эвазига ҳак тұланадиган иш ёки хизмат.

ПУЛНИНГ ҚАДРСИЗЛАНИШИ Товар-пул мувозанатининг бузилиши натижасида муомалада хұжалик айланмаси эхтиёжларидан ортиқ даражада коғоз пуллар мікдорининг күпайиб кетиши, пул масасининг товарлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлиши.

P

РАДДИЯ [а. “раддия” – инкор қилиш, рад жавоби] 1 Бирор хабар, маълумотни рад этувчи, уларнинг нотуғрилигини ёки асоссизлигини исботловчи расмий баёнот.

2 Рад жавоби.

РАДИОГРАММА [лат. radiare — нур чиқармоқ, тарқагмоқ + юн. gramma – ёзув] Радио орқали олинган ёки берилган хабар.

РАИС [а. “раис” – раҳбар, бошлиқ, сардор, бошқарувчи] 1 Баъзи орган, ташкилот, идора, жамият ва ш.к. нинг бошлиғи, раҳбари.

2 Мажлисни бошқарувчи шахс. *Мажлис раиси.*

РАПОРТ [фр. rapport – олиб келиш; олиб бориш; қайтариб олиб келиш] Идора ёки муассаса бошлиғига ёки ўз раҳбарига бирор воқеа-ходиса, бажарилган иш, режа, мажбурият ҳакида тақдим этилган харб, ахборот; билдириги.

РАСМИЙ АХБОРОТ Ҳукумат, давлат органлари ёки бирор ташкилот томонидан эълон қилинган, чиқарилган, тарқатилган ахборот.

РАСМИЙ ИШОНЧНОМА Давлат муассасалари, касаба уюшмани, жамоа хўжалиги, жамоат ташкилотлари томонидан муайян лавонимли шахсга унинг муайян ташкилот номидан иш юритишига вакил қилинганини билдириш учун берилган ишончнома.

РАСМИЙ МАЪЛУМОТ айн. расмий ахборот.

РАСМИЙ УСЛУБ Давлат йўли билан олиб бориладиган муомала, шинша ва хужжат тилига хос бўлган услуб.

РАСМИЙ ҚОҒОЗЛАР Ҳукумат, давлат органлари ёки бирор ташкилот томонидан эълон қилинган, чиқарилган, тарқатилган хужжатлар.

РАСМИЙ ҲУЖЖАТ Қонуний равишда тасдиқланган, расмийлаштирилган хужжат.

РАСМИЙЛАШТИРИШ Расмий йўл билан тасдиқлаш, расмий тус бериш.

РАСМИЯТ [а. “расмият” – расмийлик; расмий ҳужжатлар] Бирор ишни, вазифани бажариш учун ўрнатилган тартиб-қоида, ишнинг расмий томони; расмийлик.

РАСМИЯТЧИ Куруқ расмиятга ёки такаллуфга риоя килувчи; бирократ.

РАСМИЯТЧИЛИК Куруқ расмиятга ёки такаллуфга берилиб кетишлик; юзакилик, тўрачилик. *Расмиятчиликка чек қўймоқ.*

РАТИФИКАЦИЯ [*лат.ratificatio < ratus – ҳал қилинган, тасдиқланган + facere – қилмоқ, бажармоқ*] Халқаро шартнома ёки конвенциянинг олий давлат ҳокимияти органи томонидан тасдиқланиши (айни мамлакатларда қонуний кучга киритилиши).

РАТИФИКАЦИЯ ЁРЛИГИ Халқаро шартномалар ва конвенцияларни тасдиқлашда расмийлаштириладиган ва олий мартабали раҳбарлар томонидан имзоланадиган расмий хужжат.

РАУНД [ингл.round – тўғарак, давра, доира] Халқаро муносабатларда музокаралар жараёнидаги алоҳида, мустақил босқич.

РАҚАМ [а. “рақам” – сон, миқдор; сана; номер] Бирор сон билан ифодаланган миқдор, кўрсаткич.

РАҚАМЛИ ҲИСОБОТ Сонлар, ракамлар билан ифодаланган ҳисобот.

РАҚИБ [а. “рақиб” – соқчиликда турувчи; назоратчи, кузатувчи; айғоқчи; нозир] Бирор нарса, кимса учун талашувчилар, курашувчилар, рақобат қилувчилар (бир-бирига нисбатан).

РАҚОБАТ [а. “рақобат” – кузатиш, назорат] Мустақил товар ишлаб чиқарувчи (корхона)лар ўргасида товарларни құтай шароитда ишлаб чикариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман, иктисодиётда ўз мавқени мустаҳкамлаш учун кураш.

РАҚОБАТБАРДОШ [ракобат + бардош] иқт. Рақобатлаша оладиган, ракобатта чидайдиган. *Рақобатбардош кадрлар*.

РАҒБАТЛАНТИРИШ Тақдирлаш орқали бирор иш, фаолиятга кириклиши, рағбатини ошириш.

РАҲБАР [ф. “раҳбар” – йўлбошчи, йўл бошловчи (кўрсатувчи), бошлиқ] 1 Бирор давлат, ташкилот, гурӯҳ, жамоа ва ш.к. га йўл кўрсатиб, бошчилик қилиб борувчи, раҳбарлик қилувчи; йўлбошчи, раҳнамо. *Раҳбар ходим*.

2 Таълим-тарбия берувчи, йўл-йўрик кўрсатувчи; устоз. *Мусиқа раҳбари. Илмий раҳбар*.

РАҲБАРИЯТ [ф. + а. “раҳбарият”] Раҳбарлик қилувчи гурӯҳ, доира.

РЕАЛ ИШ ҲАҚИ Моддий неъмат ва майший хизматларда ифоданинг, иш ҳакига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори; истеъмолчилар ўзларининг ҳақиқий иш ҳакларига амалда киңдай миқдорда истеъмол неъматлари сотиб олишлари ва хизматларни фойдаланишлари мумкинлигини кўрсатади.

РЕВИЗИЯ [лат. revisio – кайта кўриш] Муайян корхона, ташкилот, муассаса ёки мансабдор шахснинг маълум бир даврдаги иш-фаолиятига көир хисоботларни текшириш, тафтиш қилиш; тафтиш. *Ревизия далатномаси. Ревизия қўймоқ*.

РЕВИЗОР [“ревизия” сўзидан] эск. Муайян бир муассаса ёки мансабдор шахс фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш)га ваколати бўлган шахс; яна қ. **тафтишчи**.

РЕГИСТР [нем. Register < лат. registrum – рўйхат] Муайян ҳукуқий оламиятта эга бўлган рўйхат, хисобга олиш хужжати; қайднома. *Регистротиб қўймоқ*.

РЕГИСТРАТОР [нем. Registrator < лат. registrum – қайд этилган, ёзib күйилган] 1 Регистрация ишларини олиб борувчи, рўйхатга олувчи киши.

2 Идораларда хат-хужжатлар, қофозлар солиб кўйиладиган картон папка; жилд.

РЕГИСТРАТУРА [нем. Registratur < лат. registrum – қайд этилган, ёзib кўйилган] Муассаса, идора, поликлиника ва ш. к. нинг рўйхатдан ўтказиш, қайд этиш бўлими.

РЕГИСТРАЦИЯ [ингл. registration < лат. registrum – қайд этилган, ёзib кўйилган] Рўйхат қилиш, рўйхатта олиш, қайд этиш; рўйхатдан ўтказиш. *Регистрация дафтари. Регистрациядан ўтмоқ.*

РЕГЛАМЕНТ [фр. reglement < лат. regula – тартиб, қоида] 1 Йиғилиш, мажлис, кенгаш ва ш.к. ни олиб бориш, ўтказиш тартиби. *Мажлис регламенти. Регламент белгиламоқ.*

2 Бирор давлат органи, муассаса, ташкилот ва ш.к. нинг фаолият тартибини белгиловчи низом ва қоидалар мажмуи.

РЕЖА [ф. “режа” – кир ёйиладиган ип, арқон; саф, катор] Бирор ишни тартиби билан ва ўз вактида бажариш учун олдиндан белгилаб олинган аниқ ёки тахминий мўлжал.

РЕЖАЛАШ, РЕЖАЛАШТИРИШ Миллий иқтисодиётнинг турли даражаларида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солиш ва бошқариш шакллари мажмуи.

РЕЗОЛЮЦИЯ [лат. resolutio – қарор] 1 Йиғилиш, мажлис, конференция ва ш.к. да бирор масала муҳокамасидан кейин қабул қилинган қарор. *Мажлис резолюцияси.*

2 Раҳбар ходимнинг расмий ҳужжатдаги фармойиши, якуний хуласаси. *Аризага резолюция кўймоқ.*

РЕЗЮМЕ [фр. resume < resumer – қисқача баён қилмоқ] Ёзилган, айтилган ёки ўқилган матн мазмунининг қисқача баёни. *Автореферат резюмеси. Мақола резюмеси.*

РЕЙТИНГ [ингл. rating – баҳо, даража] 1 Ўкувчилар ва талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш усули ва тизими.

2 Сиёсат, маданият ва бошқа соҳалардаги таникли арбобларнинг жамоатчилик фикрини ўрганиш йўли билан аниқланадиган машҳурлик даражаси.

РЕКВИЗИТЛАР [лат. *requisitum* – керакли, зарур] ҳук. Муайян хужжатнинг юридик жиҳатдан кучга эга эканлигини кўрсатувчи, конун-коидалар билан белгиланган зарурий маълумотлар; хужжатнинг зарурий қисмлари.

РЕКЛАМА [фр. *reclame* < лат. *reclamare* – қаттиқ кичқирмок] **1** икм. Муайян товар ёки кўрсатиладиган хизмат турлари ҳақида харидорларни хабардор қилиш, уларга нисбатан талаб, эҳтиёжни юзага келтириш ёки кучайтириш максадида ана шу товар ва хизматлар тўғрисида берилган маълумот. *Савдо рекламаси*.

2 Бирон шахс, ташкилот, нарсани оммалаштириш максадида улар ҳақида маълумотлар тарқатиш. *Газетанинг реклама ва эълонлар бўлими*.

РЕПЕТИТОР [лат. *repetitor* – орқага қайтариши талаб қилувчи; тақрорловчи] **1** Таълимда ўқувчининг маълум бир фан ёки курсни яхши ўзлаштириши учун пули кўшимча машғулотлар ўтказувчи шахс (ўқитувчи).

2 Олий ўқув юртига кирадиган ўқувчига мактаб дастурини ўзлаштиришига ёрдам берувчи шахс; уй ўқитувчиси.

РЕПОРТАЖ [фр. *reportage* < ингл. *report* – хабар бермок, хабардор килмоқ] Воеа содир бўлган жойнинг ўзидан матбуот, радио, телевидение орқали зудлик билан хабар етказиш; шундай хабарнинг ўзи. *Шошинч репортаж*.

РЕСПОНДЕНТ [ингл. *respond* – жавоб бермок] Ижтимоий сўровда қўнгашувчи шахс; анкета саволларига жавоб берувчи киши.

РЕСПУБЛИКА [лат. *res publica* – умумхалқ, жамоатчилик иши < *res* – иш + *publica* – ижтимоий, умумхалқ] Олий давлат ҳокимияти миълум муддатга сайланадиган ҳокимият органи (президент ёки парламент)га тегишли бўлган бошқарув шакли; шундай бошқарув шаклига иа бўлган давлат.

РЕФЕРАТ [lot. referere – билдирмоқ, хабар қилмоқ] 1 Муайян мавзуга бағищланган, тегишли бадий, илмий ва бошқа манбалар шархини камраб олувчи маъруза.

2 Бирор илмий асар, китоб, мақола мазмунининг қисқача ёзма баёни.

РЕФЕРЕНДУМ [lot. referendum – хабар берилиши, маълум қилиниши зарур бўлган нарса] Давлат аҳамиятига эга бўлган мухим масалалар бўйича ўтказиладиган ва батъзан қонунлар қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган умумхалқ сўрови, овоз бериш йўли билан халқ фикрини аниқлаш. Умумхалқ референдуми.

РЕФЕРЕНТ [lot. referens, referentis – хабар берувчи, маълумот берувчи] Раҳбар ходим топшириқларини бажарувчи, унга маълум масалалар бўйича маслаҳат берувчи, тегишли маълумотлар асосида маърузалар тайёрловчи лавозимли шахс.

РОЗИЛИК БЕЛГИСИ Хужжатни тайёрлаган шахснинг шу хужжатта масъуллигини тасдиқловчи имзосини, шунингдек, мансабдор шахснинг муайян хужжатдаги фикрга (илтимос ёки талабга) розилигини англатадиган хужжат реквизити.

РУХСАТ Бирор ишни бажариш, қилиш, амалга ошириш учун шу ишга тааллукли ёки жавобгар киши, орган, ташкилот ва ш. к. томонидан берилган ижозат, розилик жавоби.

РУХСАТНОМА [рухсат + нома] 1 Ёзма равишда берилган ижозат, рухсат.

2 айн. лицензия.

РЎЙХАТ [ф. + а. “рўйи + хат” – хат, ёзув бўйича] Нарсаларни, кимсаларни маълум тартиб билан ҳисобга олиб, ёзib чиқиш; шу жараённинг натижаси бўлган хужжат.

C

САВДО [ф. “савдо” – олди-сотди, савдо-сотик; олди-сотди битими] Товарни сотиш, айирбошлаш билан боғлик бўлган икки томонлама мусносабатга доир мумомала; олди-сотди, савдо-сотик. Савдо ходими. Савдо корхонаси. Ташиқи савдо.

САВОДЛИЛИК 1 Ахоли маданий савияси кўрсаткичларидан бири: оддий матнларни ўқий олиш ёки уларни ўқиш ва ёза олиш кўниумасига эгалик.

2 Муайян соҳа бўйича етарли билимга эгалик.

САВОДСИЗЛИК Саводга эга эмаслик, саводи йўқлик.

САЙЁР МАЖЛИС Доимий жойидан бошқа ерга бориб ўтказиладиган, уюштириладиган мажлис. *Суднинг сайёр мажлиси.*

САЙЁР ИЛМИЙ СЕССИЯ Доимий жойидан бошқа ерга бориб ўтказиладиган илмий сессия.

САЙЛАШ Яширин ёки ошкора усулда овоз бериш йўли билан давлат ёки ўзини ўзи бошқариш органлари аъзолигига ўтказиш, тайинлаш. *Депутатликка сайлаш.*

САЙЛОВ Овоз бериш орқали давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа тузилмаларни ташкил этиш воситаси. *Сайлов комиссияси. Сайлов участкаси.*

САЙЛОВ ТИЗИМИ Сайлов ўтказиш тартиблари ҳамда уларни белгиловчи хукукий нормалар мажмуи.

САЙЛОВ ХУКУКИ Давлат бошлиғи, вакиллик органлари ва бошқаларни сайлаш тартибини белгилаб берувчи хукукий нормалар юнгидиси.

САЙЛОВЧИ Сайловда қатнашувчи (овоз берувчи) киши, сайлов мажлисининг, тадбир-маросимиининг иштирокчиси. *Сайловчилар билим учрашув.*

САМАРА [а. “самара” – мева, ҳосил] Натижа, ҳосила, фойда.

САМАРАДОРЛИК Самарали, фойдали бўлишлик; фойдалилик. *Иқтиносий самарадорлик.*

САММИТ [ингл. summit – тепа, юкори, чўкки; юксак даражা (да), ишқ] сиёс. Икки ёки бир неча давлат бошликларининг муҳим халқаро масалалар бўйича учрашуви; олий даражадаги кенгаш.

САНА [а. “сана” – йил] Бирор вөкөа содир бүлгән йил, ой, кун ва шу ҳақдаги маълумот (ёзув). *Санасини аниқламоқ.*

САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ Умуман, ахолини, атроф-муҳитни соғломлаштиришга, тозаликка, гигиеник талаб ва меъёрларга риоя қилишни текшириш.

САНКЦИЯ [лат. sanctio – катъий, ўта жиддий қарор] ҳуқ. 1 Ҳужжат, қарор ва ш. к. нинг олий орган томонидан тасдиқланиши, шундай тасдиқ натижасида ҳужжат, қарорнинг қонуний кучга эга бўлиши.

2 Халқаро ҳуқуқда: халқаро мажбуриятларга ёки халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилмаган, уларни бузган давлатларга нисбатан кўлланадиган (иктисодий, молиявий ёки ҳарбий) таъсир чораси.

3 Жиноят содир этишда гумон қилинган шахсга нисбатан мажбурий чора (қамок, тинтуб ва ш.к.) кўриш учун прокурор томонидан бериладиган рухсат.

САНОАТ [а. “саноат” – санъат, маҳорат; касб-хунар; ишлабчиқариш, индустрія] Халқ ҳўжалигининг хомашёни қайта ишлаш, еrostи бойликларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш воситаларини ва кенг истемол молларини яратиш ва ш.к. ни қамраб олувчи тармоғи; индустрія. *Оғир саноат. Енгил саноат. Саноат маҳсулоти.*

САНОҚ КОМИССИЯСИ Турли даражадаги сайловларда у ёки бу шахсга берилган асосан яширин овозларни ҳисоблаш учун белгилangan ҳакамлар гурухи.

САНСАЛОРЛИК Бирор иш, юмушни бажаришдан ўзини тортишлик; бир-бирига солиб, муаммони ўз вактида ҳал қиласлик; пайсалга солиб чузишлик.

САРКОР [ф. “саркор” – ишбоши; бошқарувчи; назоратчи] 1 тар. Маълум иш ёки соҳани бошқарган лавозимли киши; йўлбошчи.

2 Умуман, раҳбар, ишбоши, бошлиқ.

САРКОТИБ [ф. + а. “саркотиб” – бош, асосий котиб, мирза] эск. 1 Котиблар бошлиғи; бош котиб.

2 Умуман, котиб.

САРЛАВХА [ф. + а. “сарлавх” – китобда лавҳа безак; титул инигри; эпиграф] Китоб, асар, макола ва ш. к. нинг ёки уларнинг айрим кисмларининг номини ифодаловчи сўз ёки жумла.

САРМОЯ [ф. “сармоя” – капитал, пул; бойлик; асос, манба, сабаб] Умуман, маблаг, пул.

САРМОЯДОР [ф. “сармоядор” – сармояэгаси] Катта сармоя(маблаг) эгаси.

САРМУНШИЙ [ф. + а. “сармунший” – муншийлар бошлиғи; деонхона бошлиғи] тар. Амир, хон саройида бош мунший, бош котиб.

САРФ [а. “саф” – пулни майдалаш; ишдан озод қилиш; харж, харжат; чиким] Бирор максад учун харж бўлган пул, маблаг; чиким, харжат.

САФОРАТ [а. “сафорат” – воситачилик; элчилик, элчихона] эск. кт. Муайян давлатнинг чет элдаги ваколатхонаси, дипломатик вакиллик.

САФОРАТХОНА [сафорат + хона] эск. кт. Муайян давлатнинг чет элдаги ваколатхонаси биноси.

СЕКТОР [лот. sector – кирқувчи, киркиб ажратувчи] 1 Баъзи идора иа муассасаларнинг муайян фаолиятта ихтисослашган бўлими. *Кадртар сектори. Лугатшунослик сектори.*

2 Халқ хўжалигининг муайян иқтисодий ва ижтимоий белгилар бинан ажралиб турадиган қисми, соҳаси. *Давлат сектори. Ҳусусий сектор.*

СЕЛЕКТОР [лот. selector – саралагич, танлаб олувчи] тех. 1 Бир кинча маскан (нукта)ларнинг марказ билан тезкор телефон алоқасини ўмалга ошириш максадида бошқа аппаратлар тармоғига уланган электромеханик курилма, аппарат.

2 Турли худудларда бўлиб, ўзаро онлайн алоқада ўтказиладиган ўнгилиш тури.

СЕМЕСТР [фр. semestre < лот.semestris – олти ойлик; ярим йиллик < sex – олти + mensis – ой] Олий ва ўрта маҳсус ўкув юргларида ўкув йилининг ярми. *Биринчи семестр. Семестр имтиҳонлари.*

СЕМИНАР [фр. *seminaire* < лат. *seminarium* – кўчатхона; мактаб < *semen* – уруғ] 1 Олий ёки ўрта маҳсус ўқув юртларида талабаларнинг ўқув режасида белгиланган мавзуларни қанчалик ўзлаштирганликларини аниқлаш, уларнинг мустакиллигини ошириш максадида ўқитувчи раҳбарлигига ўтказиладиган машгулот.

2 Бирор илмий муассасада, ташкилотда ходимлар малакасини ошириш, илмий ютуклар ва тажрибани ўрганиш, айирбошлиш ва таркагиши учун ўтказиладиган йиғилиш. *Врачлар семинари.*

СЕРВИС [ингл. *service* – хизмат] Кундалик турмушнинг хилма-хил соҳаларида – магазин, меҳмонхона, сартарошхона, ёнилғи қўйиш шоҳбачалари ва ш.к. да аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва шундай хизматнинг ўзи.

СЕРТИФИКАТ [фр. *certificat* < лат. *seratum* – аник, тұғри, рост + *facere* – күлмок] 1 Давлат органларининг молиявий қарз (заём) мажбурияти; шунингдек, кўрсатувчига бериладиган давлат заёmlари облигациялари ва қимматдор банк қоғозлари.

2 Омонатчининг, белгиланган муддат ўтгач, банкка кўйилган омонат суммасини ҳамда унинг фоизларини олиш ҳуқуки ҳақидаги ёзма хужжат.

3 Ташки савдо амалиётида: тегишли ваколатли органлар томонидан бериладиган ва товарнинг сифати, оғирлиги, ишлаб чиқарилган жойи ва б. хусусиятларини тасдиқладиган хужжат. *Маҳсулот сертификати.*

4 Бирор нарса, воқеа ҳақидаги расмий ёзма гувоҳнома; диплом.

СЕССИЯ [лат. *sessio* – мажлис, йиғилиш] 1 Иш, машғулоти даврий равища амалга ошириладиган ваколатли органларнинг, суд ёки жамиятларнинг иш, йиғилиш ўтказадиган даври. *Қонунчилик палатасининг навбатдаги сессияси. Суднинг сайёр сессияси.*

2 Биржалар фаолиятининг ташкилий шакли: кун давомида савдо килиш учун белгиланган қатъий вакт.

3 Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида: белгиланган вактларда ўқув режасида кўзда тутилган имтиҳонларни топшириш даври. *Қишик сессия.*

СИГНАЛИЗАЦИЯ [фр. *signalisation* – белгиларни масофага узатиш < *signum* – белги] Сигналлар системаси ва сигнал берувчи асбоблар, курилмалар мажмуи.

СИЁСАТ [а. “сиёсат” – бошқариш; рахбарлик қилиш, бошлаб бориш] Давлат ҳокимияти шаклларини амалга ошириш ва бошқариш; давлат ҳокимиятининг мамлакатни бошқарувда ва халқаро муносабатларда тутган йўли; давлатни бошқариш санъати. *Ички сиёсат. Таиқи сиёсат.*

СИЁСАТБОЗЛИК Куруқ сиёсат билан иш тутиш, сиёсат сўкиш, сафсатбозлик. *Сиёсатбозлик қилиши.*

СИЁСАТЧИ Сиёсат билан шуғулланувчи, сиёсатдон, сиёсат арбоби.

СИЁСИЙ ТУЗУМ Жамиятда сиёсий ҳокимиятни амалга оширувчи ижтимоий муассасалар мажмуси.

СИЁСИЙ ҲУҚУҚ Фуқароларнинг асосий конституциявий ҳукуклари.

СИМПОЗИУМ [лот. symposium < юн. symposion – мусиқа, шеър ўқиши билан ўтадиган йифин, зиёфат] Бирор илмий масала бўйича утказиладиган халқаро илмий кенгаш; илмий анжуман. *Геологларнинг гапқаро симпозиуми.*

СИНИШГА УЧРАШ (банкрот бўлиш) қ. **банкротлик.**

СИНОВ 1 Сифатини, чидамли-чидамсизлигини аниклаш учун утказиладиган текшириш. *Синовдан утказмоқ. Синов муддати.*

2 Олий ва ўрта маҳсус ўкув юрлари талаба ва ўқувчиларининг ҳамда абитетуринентларнинг ўкув режасидаги фанлардан олган билими ва малакаларини аниклаш ва баҳолаш усули. *Институтда синовлар бошланди.*

СИНОВ ДАФТАРЧАСИ Олий ва ўрта маҳсус ўкув юрлари талаба ва ўқувчиларининг муайян таълим муассасасида ўқишини тасдиқловчи, унитарнинг баҳолари кайд этилувчи академик хужжат.

СИРТҚИ ЎҚИШ(таълим) Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўкув юргига қатнамай олий ва ўрта маҳсус маълумот олиш шакли; сиртқи таълим, сиртдан ўкиш.

СИСТЕМА [юн. *systema* – яхлит; қисмлардан таркиб топган] 1 Иш-харакат, турли жараён ва ш. к. ларда қисмларнинг ўзаро жойлашиши ва боғлиқлигидаги тартибот, тизим.

2 Конуний тартибда жойлашган ва ўзаро узвий боғланган қисмлардан, элементлардан таркиб топган бутунлик. *Терминологик система. Кон томирлар системаси.*

3 Вазифаларига кўра бир хил ёки ташкилий жиҳатдан бир бутун бўлиб бирлашган ташкилотлар ёки муассасалар мажмуи. *Фанлар ака-демияси системаси. Халқ маорифи системаси.*

СИФАТ БЕЛГИСИ Молнинг, маҳсулотнинг ёки ишнинг яроклилик даражаси, қўйилган талабларга қанчалик жавоб берадиган, сифати яхши. *Сифатли мол. Сифатли иши.*

СИФАТСИЗ Сифат жиҳатидан талабга тўла жавоб берадиган, сифати яхши. *Сифатсиз маҳсулот. Сифатсиз иши.*

СКОТЧ [ингл. scotch (tape)] Идора, девонхоналарда ишлатиладиган юпқа, энсиз ёпишқоқ лента, тасма.

СКРЕПКА [р. скрепить – “бириктиромок, маҳкамламок, қадаб қўймоқ” феълидан ясалган от] Кофозларни, ҳужжатларни бир-бирига тиркаш, варакларни устма-уст қилиб бириктириб маҳкамлаш учун ишлатиладиган сим қисқич.

СОДДА ҲУЖЖАТЛАР Муайян бир масаланигина ўз ичига олувчи хужжатлар. *Киёс. мураккаб хужжатлар.*

СОЛИК Давлат томонидан амалдаги қонунлар асосида юридик ва жисмоний шахсларнинг даромади ёки мол-мулкидан ундириладиган ва бюджетга ўтказиладиган мажбурий тўлов. *Даромад солиги. Солик ишемоқ. Солик тұламоқ.*

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ Давлат томонидан солик тұловчиларга берилган енгилликлар; соликлар миқдорини камайтириш, солик тұлаш шартини енгиллаштириш ёки солик тұлашдан тўла озод қилишдан иборат.

СОЛИҚ СТАВКАСИ Пул суммаси хисобида солиқ объектиning муайян бирлигига нисбатан ундириладиган солиқ микдори.

СОЛИҚ ТҮЛОВЧИ Амалдаги қонунлар асосида даромади ёки мол-мүлкидан давлат ҳисобига мажбурий түлов ундириладиган юридик ёки жисмоний шахс.

СОЛИҚ ТҮЛОВЧИННИНГ ИДЕНТИФИКАЦИЯ РАҚАМИ (СТИР ёки ИИН) Юридик ёки жисмоний шахсга унинг мол-мүлки ҳақидаги маълумотлар рўйхатдан ўтказилиб, давлат статистика органлари – рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан берилган статистик рақамлар.

СОЛИҚЧИ Солиқ олувчи, йигувчи, тўпловчи.

СОЛНОМА [ф. “солнома” – йилнома; таквим] 1 айн. йилнома. *Tarix solnomasi.*

2 эск. айн. календарь, таквим.

СОТИШ Пулга айирбош килиш, белгили келишилган пул эвазига бериш. *Қиммат сотиш. Ўз нархига сотиш.*

СОХТАЛАШТИРИШ Ҳакиқатдан йироқлаштириш, ҳакиқатни бузуб кўрсатиш. *Tarixni soxmalashтириши.*

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ Аҳоли соғлигини муҳофаза килишга йўналтирилган ижтимоий, иқтисодий ва тиббий тадбирлар тизими.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИ Фаолияти аҳоли соғлигини саклашга йўналтирилган муассасалар.

ССУДА [р. ссудить – қарзга бермок (бериб турмок)] Моддий бойликлар гарови хисобига фоиз тўлаш ва кайтариб бериш шарти билан муайян муддаттга қарзга бериладиган пул ёки моддий бойлик; узоқ муддатли карз.

СТАВКА [р. ставить – “баҳоламоқ, санамоқ, бирор киши ёки кимсанга қандайдир тарзда муомалада бўлмоқ” феълидан ясалган от] 1 Солик, иш ҳаки ва бошқа турли хил тўловлар микдори, меъёри. *Ойлик ставка. Солик ставкаси.*

2 с.т. Бир ойлик иш соати ёки куни. *Ярим ставка ишламоқ.*

СТАЖ [фр. stage] 1 Бирор соҳадаги иш-фаолиятнинг давомийлиги, умумий муддати, вақти. *Меҳнат стажи.*

2 Янги ишга кирган кишининг бирор ишда, соҳада амалий тажриба орттириши, раҳбарият томонидан унинг кобилиятига баҳо берилиши учун белгиланган вақт.

СТАЖЁР [фр. stagiaire] Кейинчалик муайян лавозимда ишлаш учун синов муддатини ўтаётган ва таълим олаётган киши.

СТАЖИРОВКА [“стажёр” сўзидан] Тажриба орттириш учун белгиланган синов муддати ва шу муддат давомидаги амалий иш тажрибаси; стажёр бўлиб ишлаш, синов муддатини ўташ.

СТАНДАРТ [ингл. standard – меъёр, намуна, ўлчам] 1 Ўзига ўхшаш бошқа обьектларни таққослаш учун асос қилиб олинган намуна, андоза, эталон.

2 Стандартлаштирилаётган обьектга нисбатан қўлланадиган меъёrlар, коидалар, талаблар мажмунини белгиловчи расмий меъёрий-техник хужжат. *Давлат стандартлари.*

СТАНДАРТЛАШ Фан, техника ва амалий тажрибаларнинг умумлаштирилган ютукларига таянган ҳолда стандартлар белгилаш ва уларни тармоқларда қўллаш жараёни.

СТАНЦИЯ [лот. statio – тўхташ жойи; бекат] 1 Темир йўл поездлари ёки куруқликдаги бошқа транспорт воситалари тўхтайдиган жой; шу жойга тегишли иншоот ва хизматлар мажмуи. *Темир йўл станцияси. Метро станцияси.*

2 Махсус вазифа бажарувчи айрим муассасалар, корхоналар ёки илмий-текширичи иши олиб борувчи муассасалар номи. *Телефон станцияси. Метеорология станцияси.*

СТАТИСТИКА [нем. Statistik < итал. stato – давлат < лот. status – бойлик, мол-мулк] 1 Турли хил ялпи микдорий маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш методларини ишлаб чиқадиган, шу йўл билан ижтимоий ҳаётнинг умумий конунларини ўрганадиган ижтимоий фанлар тармоғи.

2 Жамият ҳаётидаги ҳодисалар ва жараёнларга доир ахборотларни ўтиши, қайта ишлаш, таҳлил ва эълон қилиш билан боғлиқ амалий фаолият соҳаси.

3 Ижтимоий ҳаётнинг бирор соҳасини тавсифловчи якуний кўрсаткичлар йиғиндиси.

СТЕНОГРАММА [юн. stenos – тор, сиқик, қисқа + gramma – ёзув, ёзув белгиси] Оғзаки нуткни коғозга сўзма-сўз ёзиб олиш; стенографик усул билан ёзиб олинган матн. *Маъруза стенограммаси.*

СТЕНОГРАФИЯ [юн. stenos – тор, сиқик, қисқа + grapho – ёзаман] Оғзаки нуткни турли шартли белгилар ва қисқартмалар билан тез ёзиб олиш усули ва шундай ёзувнинг ўзи. *Стенография курси. Маърузаларни стенография усулida ёзиб бормоқ.*

СТИПЕНДИЯ [лот. stipendium – тўлов] Олий ва ўрга маҳсус ўқув юртларининг кундузги бўлимлари талаба ва ўқувчиларига, аспирант ва докторантларга, маҳсус курсларнинг тингловчиларига ҳар ойда бериб туриладиган нафака, пул.

СУБСИДИЯ [лот. subsidium – ёрдам, нафака, қўллаб-кувватлаш] Ҷавлат бюджети, маҳаллий бюджетлар маблағлари ёки маҳсус фондлардан жисмоний ва юридик шахсларга, маҳаллий органларга, бошқа давлатларга бериладиган пул маблағи ёки натура шаклидаги ёрдам.

СУД [қад. р. судь – иш; хукм] 1 Муайян фуқаровий (айрим шахслар ёки муассаса ва ташкилотлар ўртасидаги, шахслар билан муассаса ва ташкилотлар ўртасидаги) низоларни ҳал қилувчи ҳамда жиноий ишларни кўриб чиқувчи – одил судловни амалга оширувчи давлат органи. *Халқ суди. Суд ҳукми. Суд тизими.*

2 Шундай орган жойлашган бино, хона, жой.

3 Шундай орган ходимлари ёки судьялар ҳайъати. *Суд мажлиси.*

4 Фуқаровий ёки жиноий ишнинг шундай органда кўрилиши. *Судда ютиб чиқмоқ.*

СУДЛАНГАНЛИК ҳуқ. Шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм тилиланлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолат: суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилганлик.

СУДЛАНУВЧИ ҳуқ. Судга берилган айбланувчи; судда иши кўрилаётган шахс.

СУДХҮР [ф. “сүдхүр” – фойдахүр, фойда олувчи] Пул карз бериб, фоизи, фойдаси хисобига бойлик орттирувчи шахс.

СУДХҮРЛИК Оғир шартлар билан карз бериб, фойда олинадиган фаолият. *Судхүрлик қылмок.*

СУДЬЯ [“суд” сўзидан] 1 Суд органларида судга тушган ишларни кўрувчи ва шу ишлар бўйича ҳукм чикарувчи лавозимли шахс.

2 Спорт ўйинларида, мусобақаларида: ўйин қоидаларига риоя қилинишини кузатиб борувчи ва юзага келган низоларни ҳал қилувчи шахс; ҳакам, арбитр.

СУГУРТА Табиий оғатлар, турли баҳтсиз ҳодисалар рўй бериши на-тижасида кўрилган зарарни қоплаш учун максадли пул жамғармаларини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ иктисадий муноса-батлар тизими. *Сугурта компанияси. Сугурта қопламаси.*

СУГУРТА ПОЛИСИ Сугурта шартномаси юридик кучга киргани-ни тасдиқлайдиган ҳужжат.

СУГУРТА ШАРТНОМАСИ Сугурта тузиш бўйича мажбурият-ларни расмийлаштириш орқали вужудга келадиган, фуқаро ёки юридик шахс (сугурта қилдирувчи) билан сугурта ташкилоти (сугурталовчи) ўртасида тузиладиган ёзма ҳужжат.

СЎЗБОШИ Кириш, дебоча, муқаддима.

СЎЗМА-СЎЗ ТАРЖИМА Гапнинг бутун маъносига қараб эмас, балки ундаги сўзларнинг лугавий маъноларига қараб қилинган таржи-ма; лугавий таржима.

СЎРОВ 1 Бирор маълумот ёки тушунтириш берилиши ҳакидаги расмий талаб; талабнома.

2 Социологик тадқиқотларда кўлланадиган дастлабки ахборот инигиш усули.

СЎРОВ ХАТИ Маълумотлар, ҳужжатлар ёки бошқа зарур нарса-лар сўраладиган ва жавоб талаб қиласидиган ҳужжат тури.

СҮРОВНОМА 1 Ишга қабул қилишда тұлдириладиган расмий ҳужжат.

2 Тұлдираёттан одам ҳакида бирон-бир маълумот олиш ёки муайян дастур бүйічә тузилған саволларға жавоб олиш учун бериладиган сұров варақаси, анкета.

СҮРОҚ ҳук. Шахсдан күрсатув ва тушунтирув олиш воситаси. *Сүроқ бермоқ. Сүроқ қылмоқ.*

Т

ТАБАҚА [а. “табақа” – қатlam, қават; даража] Халқ ичидаги муайян ижтимоий қатlam, гурух, тоифа. *Савдоғарлар табақаси.*

ТАБАҚАЛАШТИРИШ Маълум белгиларға қараб фарқлаш, дифференциация қилиш.

ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ТАРИФ Ишчи ва ходимларнинг қобилияти, малакасини ҳисобға олған ҳолда фарқли тұланадиган тұлов ставкалари тизими.

ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ Умумий үрта таълим мактаблари юқори синф үкувчиларининг қобилиятларини ҳисобға олған ҳолда алохида үқув режаси ва дастурлар асосида олиб бориладиган таълим тури.

ТАБАҚАЧИЛИК Жамият табақаларининг үзига хос белгилари, тартиб-қоидалари ва уларға асосланған ижтимоий муносабатлар.

ТАБЕЛЧИ Корхона ва муассасаларда ишга келиш-кетишни ҳисобға олиб борувчи, табель юритувчи ходим.

ТАБЕЛЬ [нем. Tabelle – жадвал < лат. *tabella* – кичкина юпқа тахта] 1 Ишчи ва хизматчиларнинг ишга келиш ва кетиш вақты қайд қилинадиган махсус дафттар ёки тахта.

2 Мактаб үкувчиларининг дарсдан улгuriшлари (баҳолари) қайд қилиб бориладиган варал.

ТАБРИК [а. “табрик” – баҳт, омад, эзгулик тилаш; кутлаш] Бирор ихши (куттуғ) күн, сана ёки эришилған ютук, яхшилик муносабати билдириледиган күтлов сұzlари; муборакбод.

ТАБРИКЛАМОҚ Табрик айтмоқ; муборакбод қилмоқ, кутлов сүзларини айтмоқ.

ТАБРИКНОМА [а. “табрик” – баҳт, омад, эзгулик тилаш; кутлаш + нома] Табрик сүзлари ёзилган мактуб, табрик хати. *Табрикнома йүлламоқ*. *Табрикномани ўқиб бермоқ*.

ТАВСИФИЙ ТАВСИЯНОМА Бирор кишига оид маълумотлар, унинг сифатлари қайд этилиб, бирор иш, лавозим, ўқиш ва ш.к. га лойик кўриб тақдим этиш мазмунидаги расмий ҳужжат.

ТАВСИФНОМА [а. “тавсиф” – муфассал таъриф, баҳо, сифатлаш, мақташ + нома] Маълум бир шахснинг меҳнаг ва ижтимоий фаолияти, ўзига хос хислат ва фазилатларини акс эттирувчи расмий ҳужжат.

ТАВСИЯНОМА [а. “тавсия” – тавсия, маслаҳат бериш, таништириш + нома] Бирор шахсни маълум лавозимга ёки турли ташкилотларга аъзо бўлиш учун тавсия этиш мақсадида тузиладиган расмий ҳужжат.

ТАВСИЯ ҚИЛМОҚ Маъкул (ложик) билиб тақдим қилмоқ, маслаҳат, кўрсатма бермоқ.

ТАДБИР [а. “тадбир” – бошқариш, идора қилиш; тежамкорлик; чора, илож, йўл-йўриқ; харакат тарзи] 1 Амалга ошириш, рўёбга чиқариш учун йўл-йўриқ ва чора. *Ҳосилдорликни ошириши тадбирлари*.

2 Маълум мақсадда ташкилий равишда амалга ошириладиган (бажариладиган) иш, ишлар.

ТАДБИРКОРЛИК Капитал сарфлаб товар ва хизматлар яратиш билан фойда топишига қаратилган иқтисодий фаолият, бизнеснинг асосий тури.

ТАЖРИБА [а. “тажриба” – синов, эксперимент; малака, маҳорат; бирор хислатни, иш-харакатни синаб кўриш] 1 Муайян мақсадда амалга ошириладиган, билиш, аниклаш, синаш ва ш.к. га қаратилган иш, фаолият. *Тажриба ўтказмоқ*. *Тажриба натижалари*. *Тажрибада синаб кўрмоқ*.

2 Амалий ишда, ҳаётда ўзлаштирилган, орттирилган билимлар, малакалар, укувлар мажмуи. *Ҳаётий тажриба*. *Педагогик тажриба*. *Илгорларнинг тажрибасини ўрганмоқ*.

ТАЙЁР МАҲСУЛОТ Ишлатиш, истеъмол ва ш.к. учун хозирлаб кўйилган маҳсулот.

ТАЙИНЛАШ Мансабга, вазифа ёки ишга қўйиш, белгилаш. *Ишга тайинлаш.*

ТАКЛИФ [а. “таклиф” – буйруқ, топшириқ, вазифа; кийнаш; бурч, мажбурият] Мухокама килиш, амалга ошириш ёки кабул килиш учун тақдим этилган фикр, масала, маслаҳат ва ш. к. *Таклиф киритмоқ.*

ТАКЛИФНОМА [таклиф + нома] Бирор-бир тантанали тадбирга (мажлис, тўй, ва ш.к.) таклиф этиб ёзилган хат, хабар; таклиф коғози. *Ииглиши қатнашчиларига таклифнома юбормоқ.*

ТАЛАБ [а. “талаф” – излаш, қидириш; сўраш, исташ; хохиш] 1 Барарилиши, бўлиши шарт ва тақозо этиладиган нарса (нарсалар). *Олий ўқув юртига кириши талаблари. Низом талаби.*

2 иқт. Харидор, истеъмолчининг бозорда муайян товарларни, неъматларни сотиб олиш истаги.

ТАЛАБНОМА [талаф + нома] Бирор нарсани талаф қилиб ёзилган хат, хужжат. *Талабнома ёзмоқ. Талабнома билан мол олмоқ.*

ТАЛОҚ [а. “талоқ” – ажралиш, хотин билан ажралиш, қўйиш] Никохни бузиш, бекор қилиш ҳақидағи эр томонидан айтиладиган сўз; бу сўзнинг айтилиши хотинни барча хотинлик мажбуриятидан тўла озод қиласди.

ТАМГА 1 Нарса, мол, маҳсулот ва ш.к. ни ажратиш, хисобга олиш еки уларнинг кимга тегишлилигини кўрсатиш учун кўйиладиган, босиладиган белги. *Фабрика тамгаси.*

2 Очиш, бузиш ва ш.к. га қарши кўйиладиган белгили нарса, сурғуч.

ТАНАФФУС [а. “танаффус” – нафас олиш; нафас, дам] Дарс, иш, машғулот ва ш. к. орасида бериладиган кисқа дам. *Ўқувчилар танаффусга чиқди.*

ТАНБЕХ [а. “танбех” – уйғониш, жонланиш; огоҳлантириш; эслатма, изоҳ] Иш-хизматдаги тартиб-қоидага биноан бериладиган расмий жазо. *Танбех олмоқ.*

ТАНЛОВ Ходимларни муайян лавозимларга танлаб олишнинг маҳсус тартиби.

ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ Танлов ўтказишида жамоа томонидан сайлаб олинадиган коллегиал орган.

ТАННАРХ [тан + нарх] иқт. Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳамда ишлар бажариш ёки хизмат кўрсатиши учун килинган жами жорий харажатларининг пул шаклидаги ифодаси; маҳсулотнинг иш ҳаки ва ишлаб чиқариш харажатларидан иборат ўз нархи.

ТАНКИД [а. “танкід” – баҳо бериш мақсадида ўрганиш, таҳлил қилиш ва шу асосдаги хуроса] 1 Иш-харакат, фаолият, асар, таълимот ва ш.к. нинг ютуқларини қайд этиш, камчилик ва нуксонларини белгилаш ва бартараф этиш мақсадидаги мухокама, таҳлил.

2 Камчилик, нуксон, хатолик ва ш.к. ни қайд этиш, коралаш, шунингдек, уларни ҳал этиш мақсадида билдириладиган танбехли фикр-мулоҳаза, гап-сўз.

ТАРАФДОР [а. + ф. “тарафдор” – тарафини олевчи, ёқловчи, ҳимоя қилувчи] 1 Бир-бирига қарши бўлган томонлардан бирига ён босувчи, уни кўллаб-кувватловчи, ҳимоя қилувчи шахс.

2 Бирор ғоя ёки ҳаракатни ҳимоя қилувчи, шу ғоя, ҳаракат учун курашувчи шахс, ташкилот ва ш.к. *Тинчлик тарафдорлари*.

ТАРБИЯ [а. “тарбия” – ривожлантириш; парвариш қилиш, ўстириш; ўргатиши; илм бериш] 1 Таълим, ахлоқ-одоб ва ш.к. ни ўргатиб, сингдирib, инсонни вояга етказиши, улғайтириш, ўстириш. Амакининг тарбиясида ўсган бола.

2 Инсонда иш-хунар, одоб-ахлоқ ва ш.к. ни шакллантириш, ривожлантиришга, унинг жамиятда яшashi учун керак бўлган хислатларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган иш-амаллар мажмуйи ва шу йўл билан сингдирилган одоб-ахлоқ, хислат, фазилат кабиларнинг ўзи. *Гоявий тарбия. Мактаб тарбияси.*

ТАРБИЯЧИ Тарбия берувчи шахс, мураббий. *Боғча тарбиячиси.* Тарбиячи аёл.

ТАРЖИМАИ ҲОЛ Маълум бир шахс томонидан ўз шахсий хаёти ва фаолияти акс эттирилган ҳужжат.

ТАРИФ [фр. tarif – аниқлаш; қатъий баҳолар (тұловлар) тизими < а. “таъриф” – аниқлаш, белгилаш; бож тұловлари хакида билдириш] Түрли ишлаб чыкарыш ва ноишлаб чыкарыш хизматлари учун (мас., йұловчы ва юқ, экспорт ва импорт товарлари ташиш ва ш.к.) тұлов ставкалари (хаклари) тизими. *Имтиёзли тариф. Почта тарифи. Тариф жадвали. Тариф бүйіча ҳақ тұламоқ.*

ТАРМОҚ 1 Асосий ташкилот ёки бирлашма шохобчаси. *Алоқа тармоқлари. Маориф тармоқлари.*

2 Фан-техника, кишлоқ хұжалиги ва ш.к. га оид соҳа, соҳалар. *Хұжаликнинг муҳим тармоқлари.*

ТАРТИБ [а. “тартиб” – тайёрлаш, ташкил этиш; интизом; мойиллик, рағбат; режа] Иш-харакат, тадбир-чора ва ш.к. нинг амалга ошувида риоя килинадиган маълум изчилик, режа, конун-қоида ва шу конун-қоидаларга жавоб берадиган ҳолат. *Пенсия белгилаш тартиби. Овоз берииш тартиби.*

ТАРТИБУЗАР Конун-қоида, тартиб-интизом талабларини бузувчи, унга зид иш тутувчи.

ТАРГИБОТ [а. “тарғибот” – “тарғиб” с. құпл.] Бирор ғоя, таълимот ва ш.к. ни ёйишга, кишилар онгига сингдиришга қаратылған ишлар, тарғиб ишлари.

ТАСАРРУФ [а. “тасарруф” – үз ихтиёрига олиш, әгалик қилиш; мустақил ҳаракат қилиш; үзбошимчалиқ] Фойдаланиш, әгалик ҳуқуқи, ихтиёри; әгалик, хұжайинлик. *Тасарруф құлмоқ. Хусусий тасарруф.*

ТАСДИҚ [а. “тасдиқ” – имон, ишонч; мустаҳкамлаш, исботлаш, асослаш] 1 Тұғри, ҳақыкат эканлықни қайд этувчи нарса, факт; исбот.

2 Маъкулланғанлик ҳақидағи расмий қайд, қарор. *Лойиханы тасдиқдан ұтказмоқ.*

ТАСДИҚ ХАТИ Маълум бир муассаса томонидан юборилған илтимос ва сұровларга жавоб тарзидә ёзиладиган хат түри.

ТАСДИҚЛАМОҚ 1 Қарор билан ёки құлқыйиб, муҳр босиб, конуний күчга киритмоқ, тасдиқ килмоқ. *Ҳуқумат лойиханы тасдиқлади. Котиба имзони тасдиқлади.*

2 Бирор иш, ҳаракат, ғоя ва ш.к. ни тұғри деб топмок, маъқулламок, тасдиқ этмок.

ТАСДИҚЛАНГАН ИМЗО Мұхр босиб, қонуний күчга киритилған, тасдиқ килингандык имзо.

ТАСДИҚЛАНГАН НУСХА Тұғрилигига далолат берилған, расмий маъқулланған нусха.

ТАСНИФ [а. “тасниф” – танлаб олиш; турларга ажратиш] Нарса ва ҳодисаларни уларнинг үзиге хос белги, хусусиятларига қараб тур, туркум ва ш.к. га ажратиш.

ТАФТИШ [а. “тафтиш” – излаш, қидириш; текшириш, назорат қилиш] 1 Бұлып үтгандык иш, ҳодиса ва ш.к. юзасидан ёки ҳақиқий ахволни аниклаш мәқсадида үтказылады. 2 Режалийлік тафтиш. *Тафтиш комиссиясы.*

2 Бирор муассаса ёки мансабдор шахснинг молиявий-хұжалик филиалының тұғрилигі, конунийлігінің аниклаш мәқсадидаги текширув; ревизия.

ТАФТИШ ТУРЛАРИ Тафтиш тезкор (мунтазам, даврий үтказылады), ялпи (комплекс, ҳар томонлама), режали каби турларға бүлинади.

ТАФТИШЧИ Тафтиш килувчи, текширувчи; ревизор.

ТАШАББУС [а. “ташаббус” – тиришқоқлик; барқарорлық, қатыйлық; гайрат, ташаббус] Бирор ишга бошловчы, дағват этувчи саяй-ҳаракат, гайрат. *Илгорлар ташаббуси. Ташаббус күрсатыб ишламок.*

ТАШАББУСКОР Бирор ишни, ташаббусни бошлаб берувчи; бошловчы; ташаббус эгаси.

ТАШАККУР [а. “ташаккур” – миннатдорчилік билдириш, раҳмат айтиш] Яхши иш, хизматни тақдирлаб билдирилған миннатдорлик. *Ташаккур билдирмок.*

ТАШАККУРНОМА [ташаккур + нома] Ёзма ташаккур.

ТАШКИЛИЙ ИШЛАР Ташкил этишга, уюштиришга, ташкилотчиликка оид; тузиш, тузилиш билан боғлиқ бўлган ишлар.

ТАШКИЛИЙ ҲУЖЖАТЛАР Ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг хукукий мақоми, таркибий тармоқлари ва ходимлари, бошкарув жараёнида жамоа иштирокининг қайд килиниши, бошқа ташкилотлар билан алоқаларнинг хукукий томонлари каби масалаларни акс эттирувчи ҳужжатлар. *Мас., гувоҳнома, йўриқнома, низом, устав, қоида, шартнома.*

ТАШКИЛОТ [а. “ташкилот” – “ ташкил” с. кўпл.] Аниқ таркиб ваазифасига, иш дастурига эга бўлган ижтимоий, ҳўжалик бирлашмаси ёки давлат муассасаси. *Ижтимоий ташкилот. Савдо ташкилоти.*

ТАШКИЛОТЧИ Бирор ташкилотни тузган ёки тузувчи; бирор ишҳаракатни бошлаб берган, ташкил этган, уюштирган ёки уюштирувчи ва унга бошчилик килувчи шахс ёки ижтимоий гурӯҳ. *Моҳир ташкилотчи. Мусобақа ташкилотчилари.*

ТАШРИФ [а. “ташриф” – хурмат, эҳтиром; улуғлаш, шарафлаш; маросим; марҳамат қилиб келиш] Бирор ерга, элга, хонадонга ёки бирор кимса ҳузурига қисқа муддатга бориш, келиш; яна қ. **визит**.

ТАШРИФ ҚОҒОЗИ қ. **визитка**.

ТАШҚИ БИЛДИРИШНОМА Раҳбар томонидан юқори идора ёки мансабдор шахсга ёзиладиган билдиришнома.

ТАШҚИ САВДО Бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан олиб борадиган савдоси.

ТАШҚИ ҲУЖЖАТЛАР Муайян муассасага бошқа ташкилот ёки айрим шахслардан келадиган ҳужжатлар. *Қиёс. ички ҳужжатлар.*

ТАЪЗИЯНОМА [таъзия + нома] Кимсанинг вафоти муносабати билан берилган, эълон қилинган, билдирилган ёзма таъзия.

ТАЪЛИМ [а. “таълим” – ўргатиш, ўқитиш, илм бериш; маълумот] 1 Билим бериш, малака ва кўнукмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётта ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси.

2 Илм-фан ёки касб-хунар соҳалари бўйича эгалланадиган, олинадиган маълумот ва қўнималар мажмуи; билим. *Бошлангич таълим. Олий таълим.*

ТАЪЛИМОТ [а. “таълимот” – “таълим” с. кўпл.: кўрсатмалар, йўл-йўриклар, фармойишлар] Фан соҳалари, ижтимоий ҳаёт, жамият ва ш.к. хакидаги илмий қарашлар, назарий ҳуросалар мажмуи; назария. *Фалсафий таълимотлар. Форобий таълимоти.*

ТАЪРИФ [а. “таъриф” – таништириш; тушунтириш; аниклаш; мақташ, васф этиш] Нарса, воеа-ҳодиса, тушунча ва ш.к. нинг қиска ва аниқ ифодаси. *Терминнинг таърифи. Тушунчанинг таърифи.*

ТАЪСИР [а. “таъсир” – (хотирида) из, асар колдириш, таъсир килиш] Таъки омилларнинг киши ёки нарса ҳолатини ўзгартириш, қўзғаш хусусияти ва унинг натижаси. *Ижобий таъсир. Ўзаро таъсир. Дорининг таъсири. Таъсир қўлмоқ.*

ТАЪСИС ЭТИШ [а. “таъсис” – гузиш, ташкил этиш; жорий килиш] 1 Жорий килиш, белгилаш. *Мукофот таъсис этиши.*

2 Ташкил этиш, вужудга келтириш. *Илмий жамият таъсис этиши.*

ТАЪТИЛ [а. “таътил” – тўхташ, тўхтатиш; беркитиш, ёпиб кўйиш; тарқатиш] 1 Мактаб ва бошқа ўкув юртларида дарс-машғулотлар тўхтатилиб, ўкувчи ва талабалар дам олишга чиқадиган вақт, танаф-фус. *Ёзги таътил.*

2 Дам олиш, даволаниш ва ш.к. учун ишдан озод қилиб бериладиган маълум кунлар, ишдан озод қилинадиган муддат. *Таътил оий.*

ТАЪТИЛЛАР ГРАФИГИ (жадвали) Бўлинмалар тавсия килган рўйхат асосида тузилган, ташкилот ходимларининг дам олиш, даволаниш ва ш.к. учун ишдан озод қилиб бериладиган маълум кунлар муддати акс этган ҳужжат.

ТАҚВИМ [а. “тақвим” – тўғрилаш, тузатиш; баҳолаш; календарь] айн. *календарь 1. Стол тақвими. Йиртма тақвим.*

ТАҚДИМ [а. “тақдим” – олға силжитиш; юқори лавозимга кўрсатиш, тавсия этиш; бир нарсани бирор кимсага бериш; бир кишини бошқа киши билан таништириш] Тавсия, таклиф. *Юқори идораларнинг тақдимига кўра шига тайин этиши.*

ТАҚДИМНОМА [тақдим + нома] Ёзма тақдим.

ТАҚДИМОТ [а. “тақдимот” – “тақдим” с. күпл.] Бирор нарсани тантанали суратда күпчиликка таништириш; презентация. *Янги китоб (фильм, спектакль) тақдимоти.*

ТАҚДИРНОМА [такдир + нома] Тақдирлаш хакидаги ҳужжат, тақдирлаш қоғози. *Тақдирномага сазовор бўлмоқ.*

ТАҚРИЗ [а. “такриз” – рецензия ёзиш; бирор китоб (асар)ни мақтаб ёзиш] Илмий, бадиий ва бошқа турдаги асарга танқидий нуқтаи назардан берилган ёзма баҳо, таҳлил.

ТАҚСИМОТ [а. “тақсимот” – “тақсим” с. күпл.] Бўлак ва улушларга ажратиш, тақсим иши; тақсимлаш, бўлиш. *Даромад тақсимоти. Мехнат тақсимоти.*

ТАҚЧИЛ Кам бўладиган, кам топиладиган, етишмайдиган; камёб, камчил. *Тақчил мол. Тақчил хомашё.*

ТАҚЧИЛЛИК иқт. Илгари белгиланган, режалаштирилган ёки зарурдаражадаги маблағ, ресурс, товарларнинг етишмаслиги, танқислиги; дефицит. *Товарлар тақчиллиги. Бюджет тақчиллиги.*

ТАҲЛИЛ [а. “таҳлил” – тарқалиш, (куртак) ёзиш; текшириш, суриштириш; ҳал қилиш, очиш] Нарса, ҳодиса ва ш.к. ларни моҳият, қонуният ва бошқа жиҳатлардан текшириш, ўрганиш иши. *Илмий таҳлил. Эстетик таҳлил.*

ТАҲРИРИЯТ [а. “таҳририят”] Нашриёт органларининг нашр ишларини олиб бориш, кўлёзма матнларини ишлаб, нашрга тайёрлаб бериш ва нашр жараёнида терилган матнларнинг тўғри-нотўғрилигини текшириш ишларини амалга оширадиган бўлимни ва шундай бўлим ходимлари.

ТЕЖАМКОРЛИК Тежам билан иш тутиш, шу тарздаги иқтисодий тартиб.

ТЕКШИРИШ Назорат учун кўздан кечириш, тафтиш, ревизия килиш. *Қарорнинг ижросини текшириши. Кассани текшириши. Ферма ҳужалигини текшириши.*

ТЕЛЕГРАММА [юн. tele – узок, олис; узокка, олисга + gramma – ёзув] Телеграф орқали узатилган ёки қабул килиб олинган шошилинч хабар, хужжат ва шундай хабар ёзилган коғоз. *Қутлов телеграммаси. Телеграмма юбормоқ.*

ТЕЛЕФОНограмма [телефон + юн. gramma – ёзув, хат] Телефон орқали берил(ади)ган ва қабул килиб олин(ади)ган шошилинч расмий хабар ва шундай хабарли бланк. *Телефонограмма юбормоқ.*

ТЕНГХУҚУҚЛИЛИК Муайян давлат фуқаролари жинси, ирки, миллости, тили, ижтимоий келиб чикиши, яшаш жойи, динга муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига тааллуқлилиги, шунингдек, бошқа ҳолатларидан қатъи назар, тенг хуқук, эркинлик ва мажбуриятга эга бўлиши; уларнинг давлат, конун, суд олдидаги тенглигини расман эътироф этиш.

ТЕНДЕР [ингл. tender < tend – хизмат кўрсатмок] иқт. 1 У ёки бу иш ва хизматлар мажмунини бажарадиган, маълум бир лойиха учун ускуна жиҳоз ва материаллар етказиб берадиган фирма ёки компанияни – пудратчини аниклаш мақсадида эълон килинган танлов.

2 Очик турдаги ёки чекланган сонли иштирокчилар учун ёпик турдаги ракобатли савдо-сотик; буюртмани жойлаштиришининг танлов шакли. *Очиқ тендер. Ёпик тендер.*

ТЕСТЛАШТИРИШ Тестлар ёрдамида муайян бир шахснинг кобилияти, билим ва кўнимкамларини аниклаш усули.

ТИББИЁТ [а. “тиббиёт” – табобат, даволаш; медицина] Кишилар соғлигини саклаш ва мустаҳкамлаш, умрни узайтириш, касалликларнинг олдини олиш, даволаш ҳақидаги билимлар ва шу соҳадаги амалий тадбирлар мажмуи.

ТИЖОРАТ [а. “тижорат” – савдогарлик, олди-сотди иши] Савдо- сотик, савдо (савдогарлик) ишлари. *Тижорат ишлари.*

ТИЗИМ 1 Бир соҳа, муассаса ва ш.к. га оид йўналиш, иш-фаолият кабиллар мажмуи. *Банк тизими. Халқ таълими тизими. Ҳавфсизлик тизими.*

2 Ўзаро боғлик қисмлардан ташкил топган тузилма, ижтимоий, сиёсий ва бошқа жиҳатдан тузилиш шакли. *Ижтимоий-сиёсий тизимлар.*

ТИКЛАШ 1 Йўқ бўлган, ишдан чиқсан, хароб бўлган ва ш.к. нарсаларни бор килиш, асл холига келтириш. *Архитектура ёдгорликлари ни тиклаши. Хўжасаликни тиклаш.*

2 Қайта ўз ўрнига, ишига қўйиш. *Вазифасига тиклаш.*

ТИЛХАТ Пул, хужжат, кимматбаҳо буюмлар ёхуд бошқа бирор нарса олганликни тасдиковчи расмий ёзма хужжат.

ТИНТУВ 1 Ман этилган ёки яшириб қўйилган нарсани топиш учун тегишли органларнинг вакиллари томонидан ўtkазиладиган расмий ахтарув. *Тинтув ўтказии.*

2 ҳуқ. Жиноий иш бўйича далилларни олишга қаратилган тергов харакати.

ТИРАЖ [фр. *triage* < *tirer* – тортмоқ, чўзмоқ; судрамоқ] Китоб, журнал, газета ва ш.к. нинг босилиб чиқсан нусхаларининг умумий сони, адади. *Газетанинг тиражи. Китобнинг тиражи.*

ТОВАР БИРЖАСИ Ҳар хил оммавий товарлар (дон, пахта, металл) билан савдо-сотик киладиган йирик савдо муассасаси.

ТОВОН [ф. “товор” – жарима, пеня, ҳақ тўлаш] Келтирилган зарарни қоплаш учун тўланадиган ёки олинадиган ҳақ, бадал. *Тован тўламоқ.*

ТОВОН ТЎЛАШ ҳуқ. Фукаронинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган моддий зиённи ёхуд унинг ўзига етказилган маънавий зарарнинг ўринини қоплаш.

ТОИФА [а. “тоифа” – синф, гурух; қатор; муайян миқдор] 1 Ахоли табакаси, гурухи. *Савдогарлар тоифаси. Бадавийлар тоифаси.*

2 Хил, тур.

ТРАНЗИТ [лат. *transitus* – ўтиш жойи, юриб ўтиш] Юкни жўнатилган жойдан то мўлжалланган жойгача оралик пунктларда туширмасдан, бошқа транспорт воситаларига ортмасдан тўпла-тўғри олиб бориш, ўтказиш. *Юкларни транзит қилиб жўнатмоқ.*

ТРАНСПОРТ [лат. *transportare* – олиб бормоқ, ташимоқ, ўтказмоқ] Ҳалқ хўжалигининг юк ва пассажирлар ташиш билан шуғулланувчи

тармоғи ва унинг воситалари. Автомобиль транспорти. Шаҳар транспорти. Темир йўл транспорти.

ТРИБУНА [фр. tribune < лат. tribunal] 1 Нотик чиқиб сўзлайдиган, раҳбарлар ўз ходимлари билан турадиган (ўтирадиган) баланд жой; минбар. Трибунага чиқиб сўзламоқ.

2 кўчма Ижтимоий фаолият олиб бориш учун восита бўлган соҳа, жой.

ТРИБУНАЛ [лат. tribunal – суд қиладиган жой] Суд хайъати; фавкулодда ёки ихтисослашган суд, унда асосан ҳарбий хизматчилар, ҳарбийни ўтовчилик жинояти бўйича ишлар кўрилади (Мустакил Давлатлар Ҳамдустлиги мамлакатларида, жумладан Ўзбекистонда).

ТУЗУК тар. ҳуқ. Конун-қоидалар тўплами; низом. Амир Темур тузуклари.

ТУМАН Вилоят, шахар ҳудудида уларнинг таркибий кисми бўлган маъмурӣ-худудий бўлинма. Фаргона вилоятининг Олтиариқ тумани. Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани.

ТУР Белгилари, хоссалари, вазифаси ва ш.к. жиҳатдан умумий бўлган, бир гурух ёки бутунлик ташкил этган нарсалар, ҳодисаларнинг хили, нави, кўриниши. Пойабзал турлари. Газлама турлари. Спорт турлари.

ТУРАРЖОЙ Яшаш маскани, бошпана жой, уй-жой бинолари.

ТУШУНТИРИШ ХАТИ Хизмат соҳасидаги, хизматга алокадор масалани, унинг гайрим жиҳатларини ёзма изоҳловчи ва муассаса раҳбарига (ички) ёки юқори ташкилотга (ташки) йўлланувчи хужжатdir.

ТУГИЛГАНЛИК ҲАҚИДА ГУВОҲНОМА Боланинг тугилганлиги, унинг ота-онаси ким эканлигини тасдиқловчи хужжат; метрика.

ТЎЛАМОҚ 1 Олинган, харид килинган, фойдаланилган ва ш.к. нарсалар эвазига тегишли миқдорда пул, ҳақ бермоқ Кира ҳақи тўламоқ. Арzon тўламоқ.

2 Олинган пулни, қарзни қайтартмок, узмок; зиммасидаги пул, тұлов мажбуриятини адо этмоқ. *Солиқ тұламоқ. Бадал тұламоқ. Жарима тұламоқ.*

3 Етказилган заарнинг ўрнини тұлдирмоқ, копламоқ. *Төвөн тұламоқ. Хүн тұламоқ.*

ТҰЛДИРИЛМАГАН ОВОЗ БЕРИШ ВАРАҚАСИ Тұлдирилиши зарур бўлган бўш ўринларига тегишли маълумот ёзилмаган варақа.

ТҰЛИҚ ЖАВОБ Суралган саволга берилган бекам-кўст, мукам-мал жавоб.

ТҰЛИҚ МАЖЛИС БАЁННОМАСИ Кун тартиби, маърузачи ва музокарада катнашувчилар фамилияси, йигилишда сўзга чиқкан барча катнашчиларнинг баён килган фикр ва мулоҳазаларини қамраб олган ва қабул килинган қарорлар кўрсатиладиган баённома шакли.

ТҰЛИҚ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК ҲАҚИДА ШАРТНОМА Моддий жавобгар шахснинг ўзи қабул килиб олган моддий бойликлар учун тұлиқ моддий жавобгарликни олиши, уларни қабул қилиши, саклаши, тарқатиши ва ҳисобга ўтказиши юзасидан белгиланган қоидаларга риоя килиш мажбуриятини расмийлаштирувчи хужожат.

ТҰЛОВ Бирор мажбурият юзасидан ёки қарор, қонун ва ш.к. га мувофик тұланадиган пул, маблағ ёки нарса. *Биринчи тұлов. Иккинчи тұлов. Тұлов қогози.*

ТҮРТБУРЧАК МУХР Тұрт томони тенг бўлган, чорси, квадрат мухр.

У

УЗЛУКСИЗ СТАЖ Изчил равишда давом этган меҳнат фаолияти, муддати, даври.

УЗОҚ МУДДАТЛИ Вақт эътибори билан давомли. *Узок муддатли кредит.*

УЙ-ЖОЙ ХУҚУҚИ Фукароларнинг тураржой бинолариға эга бўлиш, улардан фойдаланиш қоидалари ва ш.к.ни тартибга солувчи хукукий нормалар мажмуси.

УМУМДАВЛАТ [умум + давлат] Давлат миқёсидаги, давлат учун умумий. Умумдавлат манфаатларини қўзламоқ.

УМУМИЙ ИШОНЧНОМАЛАР Мулкни бошқариш билан алоқадор турли-туман ишларни амалга ошириш хукукини берувчи ишончнома.

УМУМИЙ МАЖЛИС Мехнат жамоасининг барча аъзолари қатнашадиган, ҳаммага тегишли йиғилиш.

УМУМХАЛҚ [умум + халқ] Бутун халққа тааллукли, бутун халқ учун умумий. Умумхалқ müлки. Умумхалқ намойиши. Умумхалқ байрами.

УНВОН [а. “унвон” – адрес; сарлавҳа, ном; белги, рамз] Бирор иш-фаолият соҳасидаги алоҳида хизматни ёки мутахассислик даражасини расман эътироф этадиган, ваколатли органлар томонидан белгиланадиган ва бериладиган ном. Профессорлик унвони. Халқ артисти унвони.

УНИВЕРСИТЕТ [нем. Universitat < лот. universitas, universitatus – жами, барчаси; йиғинди, мажмуя] Таркибида бир қанча табиий-математик ва ижтимоий-гуманитар йўналишдаги факультетлари бўлган, айни йўналишларда юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган кўп тармокли олий ўқув-илмий муассаса. Ўзбекистон миллий университети. Университетга кирмоқ.

УНИТАР ДАВЛАТ [фр. unitaire – ягона, яхлит < лот. unitas – бирлик; бирлашиш + давлат] Давлат тузилиши шакли; бунда бутун давлат худуди, федерациядан фарқли равишда, ўз таркибида федератив бирликлар (республикалар, штатлар ва ш.к.) га эга бўлмайди, балки давлат суворенитети аломатлари бўлмаган маъмурий-худудий бирликлар (департаментлар, вилоятлар, туманлар ва б.) га бўлинади.

УНСУР [а. “унсур” – элемент, модда; таркибий қисм; келиб чиқиш, ирқ] Маълум бир ижтимоий групҳо вакили. Бузгунчи унсур. Реакцион унсур. Ёт унсур.

УСТАВ қ. низом.

УСТАМА 1 Пул ҳисобида тайинли (белгиланган) миқдорга қўшиб бериладиган; устига кўшимча. *Устама ҳақ.*

2 Маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши билан боғлик бўлмаган, таннархдан ташқари, танинхарх устига қўйиладиган. *Устама нарх.*

УЧБУРЧАК МУХР Учта бурчакли, туморча шаклидаги муҳр.

УЮШМА Бир максад йўлида биргаликда ҳаракат килиш учун бирлашган кишилар ёки ташкилотлар бирлашмаси; иттифоқ, ташкилот. *Ёзувчилар уюшмаси.*

Ф

ФАКС, телефонкс [ингл. telefacs < юн. tele – узок, олис; узокқа + лот. fac simile – айнан бажар] 1 Босма ахборотларни – жадвал, расм ва бошқаларнинг тасвирларини узатишга мўлжалланган халқаро факсимил телефон алоқаси.

2 Шундай алоқани амалга оширишга мўлжалланган, ҳарф босиш мосламаси бўлган аппарат; факсимил аппарат.

ФАКСИМИЛЕ [лот. fac simile – айнан шундай қил, бажар] 1 Фотонусха воситасида аслидек қилиб босилган қўлёзма, хужжат ва бошқа хил босма маҳсулотлар.

2 Шахснинг ўз кўли билан қўйилган имзони айнан акс эттирувчи босма шакл; клише-муҳр.

ФАКТУРА [лот. factura – қайта ишлаш, тузатиш] Харидорларга сотиш учун жўнатилган молларнинг рўйхати, миқдори ва нархи кўрсатилган хужжат.

ФАКУЛЬТАТИВ [фр. facultative < лот. facultas, facultatis – имконият, мумкинлик] Мажбурий бўлмаган, ихтиёрий; ихтиёрий равишда танлаб олинадиган. *Факультатив курс. Факультатив машгуломлар.*

ФАКУЛЬТЕТ [нем. Fakultät < лот. facultatis – қобилият, имконият] Олий ўкув юртининг маълум ихтисослик бўйича тегишли фанлар ўқитиладиган бўлими. *Филология факультети. Факультет ийгилиши.*

ФАМИЛИЯ [лот. familia – қуллар, тобелар; хонадон; меросий ном; авлод, оила] Ота-она ёки бобо исмидан ясилиб, шахс исмига қўшиб айтиладиган, наслдан наслга ўтадиган оиласий ном.

ФАОЛ [а. “фаъол” – ҳаракат килувчи; таъсирчан] Бирор ғоявий ҳаракат ёки ишга гайрат билан, астойдил киришадиган, ишчан.

ФАОЛ БАЛАНС айн. актив баланс.

ФАОЛИЯТСИЗЛИК Иш-ҳаракатда сустлик, берилиб ишламаслик, ҳаракатсизлик. *Фаолиятсизлиги учун танқид қилмоқ.*

ФАОЛЛИК Мехнатда ёки бирор ҳаракатда, жараёнда жадаллик, жонбозлик кўрсатиш, ишчанлик; таъсирчанлик. *Фаолликни оширмоқ.*

ФАРМОЙИШ [ф. “фармойиш” – буйрук, буйрук бериш; буортма] Муассаса маъмурияти, шунингдек, бўлимларнинг раҳбарлари томонидан амалий масалалар юзасидан қабул қилинадиган хужжат. *Фармойиши бермоқ.*

ФАРМОЙИШ ХАТ Бир тармокқа тегишли қуий муассасаларнинг барчасига йўлланадиган ва айнан бир хил мазмундаги хабарни бир неча манзилга етказувчи расмий хужжат.

ФАРМОН [ф. “фармон” – амр, хукм; кўрсатма; катъий қарор] Ҳокимият олий органи ёки давлат бошлигининг қонун кучига эга бўлган буйруғи, фармойиши. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фармони.*

ФАТВО [а. “фатво” – муфтининг хукми, қарори; тушунтириш, изоҳ] Шариат, дин конун-коидалари асосида руҳонийлар (муфти, шайхулислом, қози) томонидан бирор диний, хукукий, сиёсий ҳамда ижтимоий масала юзасидан чиқариладиган хукм, қарор, изоҳ ёки бирор ишнинг шариат нуктаи назаридан амалга ошириш мумкинлиги ҳакидаги кўрсатма, буйрук. *Фатво бермоқ.*

ФАХРИЙ [а. “фаҳрий” – хурматли, шарафли, муҳтарам] Ижтимоий-сиёсий хаётнинг, касб-корнинг, Ватан мудофаасининг бирор соҳасида узок муддат фаолият кўрсатган шахс. *“Нуроний” фаҳрийлар жамғармаси.*

ФАХРИЙ ЁРЛИҚ Алоҳида хизматлари учун хурмат юзасидан бериладиган, тақдирланадиган мактоб қоғози. *Фаҳрий ёрлиқ олмоқ.*

ФАХРИЙ УНВОН Алоҳида хизматлари учун хурмат юзасидан бериладиган, тақдирланадиган унвон, ном; фукароларнинг алоҳида хизматларини юксак эътироф этиш шаклларидан бири.

ФЕДЕРАЦИЯ [лат. foederatio – иттифоқ, бирлик] 1 сиёс. Алоҳида мустакил давлатлар ёки республикаларнинг бирлашуви асосида тузилган яхлит давлат, давлат ёки республикалар бирлашмаси. *Россия Федерацияси*.

2 Айрим жамиятлар ёки ташкилотлар уюшмаси; иттифоқи. *Жаҳон демократик ёшлар федерацияси*.

ФИКР [а. “фикр” – тафаккур,ғоя; ақл, ўйлаш, ўй, хаёл, мулоҳаза] Нарса ва ҳодисаларни таккослаб ўрганиш, мулоҳаза юритиш натижаси; тұхтам, қарор.

ФОИЗ [а. “фоиз” – мүл-күл, лаболаб, ортиқча, тұла; мүллик; процент] 1 Бирор сон ёки миқдорнинг юздан бир хиссаси, улушি (%) белгиси билан ифодаланади). *Корхонамиздаги хизматчиларнинг эллик фоизи – хотин-қызлар*.

2 Қарзга олган пулдан фойдаланғанлик учун пул әгасига тұлаб туриладиган ҳақ, фойда.

3 Даромадға қараб тұланадиган ёки олинадиган ҳисса.

ФОЙДА [а. “фойда” – афзаллик, имтиёз; наф, баҳра] 1 Килинган харж билан олинган даромад ўртасидаги фарқдан ташкил топған сума, маблаг; даромад.

2 Қарзга берилған пулдан фойдаланғанлиги учун қарздордан кредитор оладиган құшимча пул, ҳақ; фоиз.

ФОЙДАЛИ ИШ КОЭФФИЦИЕНТИ Бирор-бир тизим сарфлаган энергиянинг самарадорлигини ифодаловчи тушунча.

ФОЙДАСИЗ Бирор моддий фойда ёки даромад келтирмайдыган, бефойда. *Фойдасыз меңнат. Фойдасыз ҳаракат*.

ФОНД БИРЖАСИ Қимматбаҳо қоғозлар билан олди-согди мумаласини олиб борадиган йирик савдо муассасаси.

ФОТОНОУСХА [фото.. + нусха] Бирор асар, хужжат ва ш.к. нинг фотографик нусхаси, айнан күчирмаси.

ФОТОТЕЛЕГРАММА [фото.. + телеграмма] Фототелеграф оркали юборилган ёки олинган телеграмма, матн, хат, хужжат, чизма ва ш.к.

ФОТОХУЖЖАТ [фото.. + хужжат] Бирор масала юзасидан тўп-ланган фоторасмлардан иборат далил, хужжат; фотоматериал.

ФРАКЦИЯ [фр. fraction – қисм, булак; улуш < лат. fractio – си-ниш, парчаланиш, дарз кетиш; синик жой, дарз] сиёс. 1 Бирор-бир сиёсий партиянинг, қонунчилик органининг сиёсатини парламентда, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида, жамоат ташкилотларида ифода этувчи ташкилий гурӯх.

2 Аниқ ғоявий-сиёсий стратегияга ва уни амалга оширишга қаратилган дастур (платформа)га эга бўлган сиёсий партиянинг алоҳида қисми.

ФУҚАРО [а. “фуқаро” – “факир” с. кўпл.] 1 Бирор мамлакатнинг доимий (муайян юридик хуқукларга эга бўлган) аҳолиси, гражданлар. Узбекистон фуқароси. Россия фуқароси. Англия фуқароси.

2 Умуман, оддий халқ, омма.

ФУҚАРОЛИК Фуқаро (граждан) эканлик; фуқароларга оидлик; фуқаронинг хуқуқий ҳолати. Фуқаролик кодекси. Фуқаролик йигини.

ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ҲУЖЖАТЛАРИ Қонунда белгиланган давлат органларида кайд этилиши зарур бўлган, инсон хаётидаги асосий воқеалар билан боғлик хуқуқий далолатномалар.

X

ХАБАРНОМА [хабар + нома] Бирор нарса, воқеа ҳақида хабар берувчи хужжат; чақирув қофози.

ХАЗИНА [а. “хазина” – қимматбаҳо нарса, бойлик, дафина; маблағ; касса] 1 Бирор шахс, ташкилот ёки давлат ихтиёридаги қимматбаҳо буюлар; маблағ; бойлик; давлат.

2 Давлатпули, қимматбаҳо нарсалари, умуман, бойлиги сақланадиган жой. Давлат хазинаси.

ХАЙРИЯ ЖАМИЯТИ Моддий ёрдам уюштирувчи жамият.

ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИСИ ұуқ. Халқ судларида күриладиган иш-ларда қатнашиш учун сайланған жамоат вакили.

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИ Халқ билан доимий мулокот олиб бориш механизми.

ХАЛҚАРО ҲҰҚЫҚ Халқаро мулокотдаги давлатлараро ва бошқа қатнашувчилар (субъектлар) үртасидаги муносабатларни тартибга солувчи оммавий юридик принциплар ва нормалар мажмуси.

ХАРАЖАТ [а. “харажат” – чиқиши; дағын (маросими); чиқык жой] Бирор нарса учун қилинадиган сарф; чиқим. *Катта харажат. Ош харажатлари. Харажат қылмоқ.*

ХАТ Муассасалар орасыда хизмат алокаларини амалға оширувчи асосий ҳужжат.

ХАТБОШИ Босма ёки ёзма матнда хатнинг дастлабки категоридан бироз жой ташлаб бошлаш, абзац. *Хатбошидан ёзмоқ.*

ХАТЛОВ 1 Мусодара қилинган мол-мүлкни бирма-бир хисобга олиб, ёзіб чиқиши, рўйхатта олиш.

2 Мол-мүлкни бирор номига қонуний расмийлаштириб бериш.

ХАТТОТ [а. “хаттот” – ҳуснихат ёзувчи; ҳуснихат муаллими] эск. Чиройли ва аник ёзадиган одам; каллиграф. *Машҳур хаттотлар.*

ХАТТОТЛИК эск. Асарларни ҳуснихат билан кўчириб, китоб ҳолига келтириш билан шуғулланиш, хаттот касби.

ХАТЧҮП [хат + чўп] Ўқилаётган бетни осон топиш учун китоб ичига солиб қўйиладиган маҳсус чўп, безакли ип ёки бир парча қофоз, лента ва ш.к.

ХИЗМАТ [а. “хизмат” – хизмат; иш, лавозим; хизмат кўрсатиш; ёрдам] Бирор иш ёки меҳнат билан шуғулланиш; бирор ишни бажариш; иш, меҳнат.

ХИЗМАТ ГУВОҲНОМАСИ Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларига бериладиган, ходимнинг шахси ва лавозимини тасдиқлайдиган ҳужжат.

ХИЗМАТ КЎРСАТГАН Меҳнати эътироф этилган кишиларга бериладиган фаҳрий унвонлар таркибида ишлатилади. *Хизмат кўрсатган ўқитувчи. Хизмат кўрсатган фан арбоби. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист.*

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ Кишилар эҳтиёжини, талабини қондириш билан боғлик бирор иш қилиш. *Маданий хизмат кўрсатиш.*

ХИЗМАТ МАНСАБИНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ Бошқарув тартибига карши жиноятлардан бири; мансабдор шахснинг мансаб ва колати, амалидан ўз манфаати йўлида фойдаланиши.

ХИЗМАТ САФАРИ ГУВОҲНОМАСИ Ходим зиммасига сафар вақтида юқлатилган хизмат вазифасини бажаришга ваколат берувчи ҳужжат.

ХИЗМАТ ҲУЖЖАТЛАРИ Тайёрланишига кўра муассаса ёки мансабдор шахсларга тегишли ҳужжатлар.

ХИТОБНОМА [хитоб + нома] Бирор иш ёки харакат қилишга ундоб ёзилган мақтуб, ёзма чакирик, мурожаатнома. *Тинчлик тарафдорларининг хитобномаси.*

ХОЛДИНГ [ингл. holding – эгалик қилувчи, эга бўлган] 1 иқт. Бошқа фирмаларни назорат қилиш ва бошқариш мақсадида уларнинг акция назорат пакетларини сотиб олиб эгалик қилиш.

2 айн. холдинг компания.

ХОЛДИНГ КОМПАНИЯ [ингл. holding-company] иқт. Асосий фаолияти бошқа корхоналарнинг акцияларини ўз тасарруфига олиш орқали уларнинг ишини назорат қилиш ва бошқаришдан иборат бўлган компания, бош корхона.

ХОНАДОН [ф. “хонадон” – оила, сулола; насл] Оила аъзолари яшаб турган ҳўжалик, уй, ҳовли.

ХОРИЖИЙ [а. “хорижий” – ташки, ташқаридаги; ўзга, бегона; ажнабий] Мамлакатимиздан ташқаридаги, чет элдаги. *Хорижий давлат. Хорижий матбуот.*

ХРОНИКА [юн. chronikos – вактта, даврға оид, алоқадор] Вактли матбуотда кундалик воқеа-ходисаларни ёригишга бағишиланган қисқа ахборот; жанр. *Газетанинг хроника бўлими.*

ХРОНОЛОГИЯ [юн. chronos – вақт + logos – фан, таълимот] Воқеа ёки ҳодисаларнинг даврий изчилликдаги баёни, рўйхати. *Воқеалар хронологияси.*

ХУЛОСА [а. “хулоса” – сараланган нарса; натижа; қисқача баён, мазмун; моҳият] Юритилган фикр ёки мулоҳазазанинг мантикий натијаси, якун.

ХУСУСИЙ ҲУЖЖАТ Мазмун баёни бир кадар эркин, матни ўзига хос, ҳамиша ҳам бир андозада бўлмайдиган ҳужжатлар.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ Фуқароларнинг ва давлатга тааллукли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объекtlарини ёки давлат акциядорлик жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олиши; давлат мулкига эгалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий субъектларга ўтиши жараёни.

ХЎЖАЛИК 1 Жамият ишлаб чиқариш кучларининг тегишли тараққиёт босқичига мувофиқ келувчи ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуи; ижтимоий ишлаб чиқариш усули.

2 Ишлаб чиқаришни ташкил этадиган, уни юзага келтирадиган омиллар; ишлаб чиқариш мажмуи; ишлаб чиқариш. *Мамлакат ҳалқ ҳўжалиги. Қишлоқ ҳўжалиги.*

3 Ишлаб чиқаришнинг бирор соҳаси, тармоги. *Сув ҳўжалиги. Ўрмон ҳўжалиги.*

4 Қишлоқ ҳўжалигидаги ва, умуман, ўз ер-сувига, мулкига, ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган ҳар бир алоҳида ишлаб чиқариш бирлиги, корхона.

5 Алоҳида уй-жойга эга бўлган ҳар бир оила, хонадон.

ХЎЖАЛИК МУДИРИ Бирор ташкилот, муассаса ёки корхона ихтиёридаги мулк-ашёни бошқарувчи киши.

ХҮЖАЛИК ШАРТНОМАСИ Тадбиркорлик фаолияти субъектла-ри ўртасида тузиладиган фуқаролик хукукий шартнома.

ХҮЖАСИЗЛИК Хўжаликнинг ихтиёридаги моддий бойликни, мулк-ашёни аямасдан, тежаб-тергамасдан иш тутиш; истрофгарчилик, ўзибўларчилик.

Ц

ЦЕНЗОР [лат. censor < censeo – рўйхатта оламан] Цензура хизматидаги, матбуот устидан назорат килювчи шахс.

ЦЕНЗУРА [лат. censura – қадимги Римда цензор лавозими] тарз. 1 Матбуот устидан назорат қилиб турувчи давлат муассасаси.

2 Матбуот, саҳна ва ш.к. учун белгиланган асарларнинг, умуман, оммавий ахборот воситаларининг мазкур муассаса томонидан текшириб, назорат қилиб турилиши. *Цензура қилмоқ. Цензурадан ўтказмоқ.*

ЦИРКУЛЯР [нем. Zirkular < лат. circularis – айланма) эск. Юкори раҳбар органлар томонидан ўзига қарашли ташкилотларга ёки барча тебе мансабдор шахсларга юбориладиган ёзма фармойиш, буйрук; кўрсатма. *Циркуляр олмоқ. Циркуляр телеграмма.*

Ч

ЧАҚИРИК Навбатдаги сайловдан кейин ҳамкорликда иш олиб борувчи депутатлар таркиби.

ЧАҚИРУВ ҚОҒОЗИ, чакирик қоғози Идора, муассаса ва ш.к. нинг расмий таклиф қоғози; повестка.

ЧЕГИРМА Бирор миқдордаги пул, маблаг, нарса ва ш.к. дан чегириб олинган кисм, хисса.

ЧЕК [ингл. check < ф. “чек” – пул муомаласига доир хужжат, шартнома; вексель] 1 Маълум юридик шахснинг жорий хисоб ракамидан муайян миқдордаги пулни бериш ёки ўтказиш ҳақидаги ёзма фармойишдан иборат маҳсус хужжат. Чек билан пул олмоқ.

2 Касса томонидан бериладиган, товар учун тұланған сума-
ма күрсатылған талон, шунингдек, тұланиши лозим бұлған сума
күрсатылған ва кассага тақдим этиладиган квитанция.

ЧЕК ДАФТАРЧАСИ Маълум юридик шахснинг жорий хисоб
рақамидан муайян микдордаги пулни бериш ёки үтказиш ҳакидаги
ёзма фармойишдан иборат маҳсус ҳужжат. Чек билан *пул олмоқ*.

ЧИПТА 1 с. т. Поезд, автобус, самолёт каби транспорт воситала-
рида юриш, учиш ҳукуқини берувчи билет.

2 Бирор томошахонага ёки түрли спорт мусобақалари үтказилаёттан
жойга кириш ҳукуқини берадиган расмий қоғоз; билет.

ЧИҚИМ Сарфланған ёки сарфланадиган моддий маблаг; харажат,
буромад. *Чиқим дафтари*.

ЧОРА КҮРМОҚ 1 Бирор максадни, ишни амалга ошириш ёки
унинг олдини олиш учун зарур шароит яратмок.

2 Жазо, танбәх бермоқ.

ЧОРАК [ф. “чорак” – түртдан бир] **1** Түртдан бир улуш; тенг түрт
бўлакнинг ҳар бири. *Чорак аср*.

2 Ўкув йилининг түртдан бир кисми. *Биринчи чорак. Чорак баҳолари*.

Ш

ШАЖАРА [а. “шажара” – дараҳт; дараҳт шаклида тузилған схема]
Маълум бир уруг авлодларининг келиб чикиши ва ӯзаро қариндошлиқ
даражасини изчиллик билан күрсатувчи рўйхат, тарих; силсила. *Сомо-
нийлар шажараси*.

ШАРТ [а. “шарт” – талаб; ҳолат, вазият; тартиб-қоида] **1** Бирор иш
ёки масала юзасидан ёзма ёки оғзаки ӯзаро келишиб олиш, ӯзаро кели-
шув.

2 Ӯзаро шартлашаётган ёки бирор муносабатда булаётган томон-
лардан бирининг бошқа томонга нисбатан қўйган талаби.

ШАРТЛАШМОҚ Бирор масала юзасидан маълум шартлар билан
ӯзаро келишиб олмоқ; аҳдлашмоқ.

ШАРТНОМА [шарт + нома] Томонларнинг бирон-бир муносабатлар ўрнатиш ҳакидаги келишувини қайд этувчи ва бу муносабатларни тартибига солувчи хужжат.

ШАРТНОМА ТУЗИШ Томонлар бажариши лозим бўлган шартлар ва бошқа мажбуриятлар кўрсатилган ҳолда олинган мажбуриятни бажармаслик натижасида келтириладиган зарарни тўлаш тадбирларининг белгиланиши юзасидан бир битимга келиш.

ШАРХ [а. “шарх” – тушунтириш, изох, тавсиф; эслатма] Бирор нарсанинг мазмуни, моҳиятини очиб бериш, тушунтириб бериш; изоҳлаш, изох.

ШАХС Жамиятдаги алоҳида бир киши, одам. *Нотаниш шахс. Тарихий шахс.*

ШАХС ДАХЛСИЗЛИГИ Инсоннинг, у кайси давлат фуқароси бўлишидан катъи назар, туғилишидан тегишли бўлган табиий, тортиб олиб бўлмайдиган асосий ҳуқук ва эркинликлари.

ШАХСАН [а. “шахсан” – шахснинг ўзи] Ҳар бир шахснинг ўзи (ўзим, ўзинг, ўзи ва ш.к.).

ШАХСИЙ [а. “шахсий” – шахсга оид, тегишли; субъектив; хусусий] Шахснинг ўзига тегишли бўлган, шу шахснинг ўзи фойдаланадиган; хусусий, ўз. *Шахсий мулк. Шахсий кутубхона. Шахсий жавобгарлик.*

ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК Шахснинг ўзига тегишли бўлган зими масидаги вазифанинг бажарилиши учун масъулиятли ҳолат; масъулият.

ШАХСИЙ ИШОНЧНОМА Айрим шахс томонидан бошқа бир шахсга муайян ишни бажариш учун ишонч билдириб берилган ёзма хужжат.

ШАХСИЙ МАЪЛУМОТНОМА Муассасалар томонидан фуқароларнинг турмуши ва иш фаолиятидаги аксар воқеа-ҳодисалар ва ҳолатларни тасдиқлаб берадиган ҳамда талаб қилинган жойларга кўрсатиладиган расмий хужжат.

ШАХСИЙ НОТА Лавозим даражалари тенг бүлган давлат бошликлари ёки юкори мансабдор шахслар ўргасидаги дипломатик ёзишма.

ШАХСИЙ ТАРКИБ Корхона, муассаса, ҳарбий қисм ва ш.к. да ишлайдиган, хизмат киладиган кишилар таркиби.

ШАХСИЙ ҲУЖЖАТ Якка шахслар томонидан ёзиладиган, уларнинг хизмат фаолиятларидан ташқаридаги ёки жамоат ишларини бажариш билан боғлиқ масалаларга тегишли ҳужжатлар. *Мас., шахсий ариза.*

ШАХСИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЙИҒМАЖИЛДИ Ходим ҳақида мумкин қадар батафсил маълумот берадиган ҳужжатлар мажмуи.

ШАХСИЯТ [а. “шахсият” – одам, киши; зот, инсон; ўзига хослик] Ўзига хос хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб турувчи муайян шахс; шахснинг ўзлигини белгиловчи томонлари, хусусиятлари мажмуи; ўзлик, ким эканлик. *Шахсияти номаълум одам.*

ШАХОДАТНОМА [шаходат + нома] 1 Бирор ўқув юртини тамомлаганлик ҳақидаги расмий ҳужжат; гувоҳнома.

2 Бирор фактни, бўлиб ўтган воқеа ёки ҳолатни тасдиқлайдиган расмий ҳужжат; гувоҳнома. *Никоҳ шаҳодатномаси.*

ШЕРИК [а. “шерик” – бирга қатнашувчи, иштирокчи] Бирор ишҳаракатни бирга бажарувчи; хамкор.

ШИКОЯТ [а. “шикоят” – арз қилиш, норозилик; айглаш] Норозилик ва маълум талаб билан оғзаки ёки ёзма тарзда билдирилган фикр; арз. *Шикоят қилмоқ.*

ШИКОЯТ ДАФТАРИ Хизмат кўрсатиш муассасаларида мижозлар шикоятлари ёзиладиган дафтар.

ШИКОЯТНОМА [шикоят + нома] Расмий тарздаги ёзма шикоят.

ШИКОЯТЧИ Бирор кимса ёки нарсадан шикоят қилувчи.

ШИРИНКОМА Олди-сотди вактида ўргада турган воситачига, шунинцек, бошқа кишига (ҳатто болаларга) бериладиган ҳақ, пул. *Ширинкома бермоқ*.

ШИРКАТ [а. “ширкат” – шериклик; уюшма] 1 Маълум ишни бирга амалга ошириш максадида бирлашган кишилар ҳамкорлиги, ўртоқлик уюшмаси, ихтиёрий бирлашмаси.

2 Тенг ҳуқуқли иштирокчилардан ташкил топган саноат ёки савдо уюшмаси. *Пайчилик ширкати*.

ШИФР [фр. chiffre – рақам, сон < а. “сифр” – ноль; ҳеч нарса; бүш] 1 Махфий ёзишмалар учун ишлатиладиган шартли алифбо; максус максадлар учун мұлжалланған шартли белгилар мажмуди. *Шифр билан ёзилған телеграмма. Хатни шифр билан ёзмоқ*.

2 Кутубхона китобларига, айрим ҳужжат ва ш.к. га қўйиладиган рўйхат рақами, бошқалардан фарқловчи белги.

ШИФРЛАШ 1 Шифр билан ёзмоқ. *Телеграмма матнини шифрламоқ*.

2 Кутубхона китоблари, ҳужжат ва ш.к. га рўйхат рақами ёки бирор белги қўйиб чиқмоқ. *Китобларни шифрламоқ. Ҳужжатларни шифрламоқ*.

ШРИФТ [нем. Schrift – ёзув, ёзиш; ҳарф < schreiben – ёзмоқ] Ҳарф териш машиналарида матнлар териш учун мұлжалланған босмахона литерлари (ҳарфлари). *Йирик шрифт. Курсив шрифт. Шрифт термоқ*.

ШТАМП [нем. Stampfe < итал. stampa – муҳр] Мухрнинг одатда тұғри бурчакли тури, тұртбурчак муҳр, унда муассаса номи, манзили ва б. күрсатылған бұлади.

ШТАТ [нем. Statt – давлат; бошқарув < лат. status – ҳолат, хосса; бойлик] Иш үринлари сони.

ШТАТ ЖАДВАЛИ Ташкилот, муассаса, корхоналардаги лавозимлар рўйхати, штат бирлиги сони, лавозим маошлари, устамалар, иш ҳақининг ойлик фонди тұғрисида маълумотларни қамраб олувчи ҳужжат.

ШТЕМПЕЛЬ [нем. Stempel – мухр, тамға] Тамға босадиган асбоб, мухр; шундай предметнинг изи. *Почта штемпели. Штемпель босмоқ.*

ШУЬБА [а. “шувъба” – соха, тармок; шохобча; бўлим, филиал] эск. Бирор ташкилот ёки муассасанинг алоҳида бир кисми, бўлим; идора.

Э

ЭКСПЕДИТОР [лат. expediter < expedire – юбормок, жўнатмоқ] Корхона, муассаса ва ш. к. да мол, товар, газета-журнал, хат-хабарларни тегишли жойларга тарқатиш билан шуғулланувчи ходим.

ЭКСПЕДИЦИЯ [лат. expeditio – тартибга солиш; сафар, саёҳат < expedire – юбормок, жўнатмоқ] 1 Мальум гурух кишиларнинг бирор мақсад билан (мас., илмий мақсадда) уюштирилган сафари. *Илмий экспедиция.*

2 Муассасанинг хат-қоғозларни юбориш, тарқатиш билан шуғулланувчи бўлими. *Газета экспедицияси. Экспедиция бошлиги.*

ЭКСПЕРТ [лат. expertus – тажрибали] Суд-тергов органлари, тиббий ёки илмий муассасалар томонидан экспертиза үтказишга чакирилган шахс, муайян соҳа мутахассиси. *Суд эксперталари. Экспертлар комиссияси.*

ЭКСПЕРТИЗА [фр. expertise < лат. expertus – тажрибали; синалан] Кийин ёки чигал масалани ечиш ва ҳал қилиш учун мутахассислар иштирокида уюштирилган текшириш, шундай текшириш үтказувчи мутахассислар хайъати. *Суд-тиббиёт экспертизаси. Экспертиза холосаси.*

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ (Э-ҲУЖЖАТ) Электрон шаклда қайд этилган, электрон ракамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатни идентификация килиш имконини берадиган бошка реквизитларга эга бўлган ахборот электрон ҳужжат.

ЭЛЕКТРОН ХАТ (Э-ХАТ) Ҳимояланган электрон почта.

ЭЛЕКТРОН ИМЗО (Э-ИМЗО) Юридик ёки жисмоний шахсларнинг давлат хизматларидан ортиқча маълумотларсиз фойдаланиш ҳукуқини берувчи шахсий калит.

ЭЛЕКТРОН ХУЖЖАТ ЮРИТИШ Хужжатларнинг электрон шаклидан фойдаланиш.

ЭЛЕКТРОН ХУЖЖАТ АЙЛАНИШИ Электрон хужжатларни ахборот тизими орқали жўнаташ ва қабул қилиб олиш жараёнлари йиғиндиси.

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТНИ ЖЎНАТУВЧИ Электрон хужжат реквизитларида номи кўрсатилган ҳамда электрон хужжатни қабул қилиб олувчига электрон хужжатни жўнатувчи ёки жисмоний шахс.

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТНИ САҚЛАШ МУДДАТИ Шунга ўхшаш мақсадга мўлжалланган қоғоз хужжатлар учун белгиланган муддат билан бир хил муддат.

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОLUVCHI Электрон хужжатни жўнатувчи томонидан электрон хужжат йўлланган юридик ёки жисмоний шахс.

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТНИНГ АСЛ НУСХАСИ Электрон хужжатнинг белгиланган тартибда ҳақиқий деб тасдиқланган ҳар кайси нусхаси.

ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ Давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек, идоралароро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга каратилган ташкилий-хуқукий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими.

ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТИ Ахборот-коммуникация технологиялари кўлланган ҳолда кўрсатиладиган давлат хизмати.

ЭЛЧИ дип. Бир суверен давлатнинг бошқа бир суверен давлатдаги дипломатик вакилларининг энг катта мартабаси, унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Фавқулодда ва муҳтор элчи.*

ЭЛЧИЛИК Элчи иши, вазифа-лавозими.

ЭЛЧИХОНА 1 Элчи ёки бошқа биринчи даражали дипломатик вакил томонидан бошқариладиган дипломатик вакиллик. *Париждаги Ўзбекистон элчихонаси. Элчихона ходимлари.*

2 Шу вакиллик жойлашган бино. *Элчихонага бормоқ.*

ЭЪЛОННОМА [эълон + нома] Ёзма эълон, билдириш; мурожаатнома.

ЭМИССИЯ [лат. emissio – чиқариш] Муомалага банк билетлари, барча шаклдаги пул белгилари ва қимматли қофозлар чиқариш.

ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИ Мулкчилик шаклларидан қатын назар, мамлакатдаги барча корхоналар, ташкилотларда меҳнатга тўланадиган ҳақнинг давлат томонидан расмий белгиланган энг кам миқдори.

ЭРКИН НУСХА Ҳужжатнинг ахборот тўлиқ акс этса-да, ташқи хусусиятлар жиҳатидан аслига мувофиқ келмайдиган нусхаси.

ЭСКИРИШ Давр талабларига мос келмайдиган бўлиб қолиш; истеъмолдан чиқиш.

ЭСЛАТМА 1 Матннинг алоҳида изоҳ талаб қиласан ерига берилган тушунтириш. *Китобнинг охирида берилган эслатмалар.*

2 Огоҳлантириш мазмунидаги, алоҳида қайд этувчи сўз, жумла; шундай мазмунли қоғоз, хат.

ЭСЛАТМА ХАТ Жўнатилган илтимос ва сўров хатларга жавоб олинмаса, шунингдек, тузилган шартномалар муддати бузилганда ёки унга амал қилинмаган ҳолларда жўнатиладиган расмий хужжат.

ЭЪЛОН [а. “эълон” – кўпчиликка маълум қилиш, билдириш; хабарнома] Кўпчиликни ёки маълум гурухдаги шахсларни яқин орада бўладиган бирон-бир тадбир – мажлис, учрашув, сухбат ҳакида хабардор қилиш, ишга, ўқишига қабул қилиш учун қўлланувчи ёзма ахборот. *Газетадаги эълон. Эълон ёзмоқ. Эълон таҳтаси.*

ЭЪТИРОЗ [а. “эътиroz” – йўлни тусиб қўйиш; карши харакат; каршилик, келишмаслик] Бирор нарса, таклиф, иш-харакат ва ш.к. га карши фикр; каршилик, норозилик. *Қатъий эътироз. Эътиroz билдиримоқ. Эътироз қиммоқ.*

ЭҲТИЁЖ [а. “эҳтиёж” – муҳтожлик; зарурият, талаб, хожат] Бирор нарсага бўлган талаб; хожат, зарурат, зарурият, муҳтожлик. *Эҳтиёж сезмоқ. Маданий-майиший эҳтиёжсларни қондиримоқ.*

Ю

ЮКХАТ Ташилаёттан юкларга ва жўнатилаёттан товарларга кўшиб юбориладиган ёзма ҳужжат.

ЮМАЛОҚ МУХР Доира, тўғарақ шаклидаги, гербли ёки гербсиз муҳр.

ЮМАЛОҚ ХАТ с.т. айн. имзосиз хат, аноним.

ЮРИСКОНСУЛЬТ [лат. *juris consultus* – ҳукукшунос; ҳукук маслаҳатчиси] Бирор муассасанинг ҳуқукий масалалар бўйича доимий маслаҳатчиси; шу муассаса манфаатларини суд ва бошқа ташкилотларда ҳимоя қилувчи шахс. *Нашиёнинг юрисконсульти*.

ЮРИСТ [лат. *jurista* – ҳукукшунос] Юридик маълумотга эга бўлган шахс; ҳуқуқ соҳасининг амалий вакили.

ЮРТБОШИ 1 Эл-юрт бошлиғи, сардори, ҳукмдор; оқсоқол.

2 Мустакил Ўзбекистонда: Президентга нисбатан ҳурмат маъносида қўлланади. *Юртбошимизнинг нутқи*.

Я

ЯГОНА ИНТЕРАКТИВ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ПОРТАЛИ Фуқаролар ва тадбиркорларнинг давлат хизматларидан фойдаланиш ва улар ҳакида энг зарур маълумотлардан фойдаланишнинг ягона нұктаси.

ЯКДИЛЛИК БИЛАН Яқдил холатда, бир жон-бир тан бўлиб.

ЯККАБОШЧИЛИК Бирор - бир орган, муассаса, корхона раҳбарига ўз вазифаларини бажариши учун зарур бўлган кенг ваколатлар берилишини, шунингдек, натижалари учун унга шахсий жавобгарлик юкланиши.

ЯЛПИ Ҳаммага тегишли, умумий. *Ялпи сафарбарлик*.

ЯЛПИ ДАРОМАД Ҳаммаси қўшиб хисобланган, бир бутун, умумий даромад.

ЯЛПИ МАЖЛИС Ҳаммага тегишли, умумий мажлис.

ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ Мамлакат иктисадий фаолиятининг муайян давр давомидаги умумий натижаларини тавсифлайдиган кўрсаткич.

ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ айн. ёник овоз бериш.

Ў

ЎРИНБОСАР Бошлиқ ёки раҳбарнинг вазифасини бажариш хукуқига эга бўлган расмий ёрдамчи; муовин. *Директорнинг ўринбосари.*

ЎРИНДОШ Ўриндошлиқ йўли билан ишловчи шахс.

ЎРИНДОШЛИК Асосий лавозими билан бир вактда бошқа машлии лавозимни ҳам эгаллаб туриш. *Вазифани ўриндошлиқ йўли билан бажармоқ.*

ЎҚУВ РЕЖАСИ Ўқиш ва ўқитиш билан боғлиқ бўлган, ўқиш ва ўқитишга тааллукли режа.

Қ

ҚАБУЛ [а. “қабул” – маъқуллаш; ижозат бериш; битишув, розилик] 1 Ишга, ўқишга, аъзоликка, сафга, қаторга ва ш.к. га олиш, ўтказиш, кўшиш. *Институтга қабул бошланди. Курсга қабул тўхтатилди.*

2 Суҳбатлашиш, арз ёки шикоятни тинглаш, кўриш ва ш.к. мақсадларда кимса хузурида бўлиш, хузурига чақириш ёки кўйиш. *Қабул маросими. Қабул соатлари.*

ҚАБУЛХОНА [қабул + хона] Расмий идораларда иш билан келувчилар навбат кутиб ўтирадиган ёки қабул қилинадиган хона.

ҚАДРИЯТ [а. “қадрият” – қиймат, аҳамият; қиммагбаҳо буюмлар; ҳалқ бойлиги] Вокеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий, маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун кўлланадиган тушунча. Инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган

барча нарсалар, мас., эркинлик, тинчлик, адолат, маърифат, ҳакикат, яхшилиқ, моддий ва маънавий бойликлар ва шу кабилар қадрият хисобланади.

ҚАЙД ЭТИШ Ёзиб күйиш, акс эттириш (маълумот сифатида).

ҚАЛБАКИ [а. + ф. “қалбаки” – ўзгарган, сохта] Ҳақиқий эмас; сохта, ясама; ёлғондакам. Қалбаки пул. Қалбаки ҳужжат. Қалбаки имзо.

ҚАЛБАКИ ИМЗО Ҳақиқий эмас; сохта, ясама имзо.

ҚАЛБАКИ ҲУЖЖАТ Ҳақиқий эмас; сохта, ясама ҳужжат.

ҚАЛБАКИЛАШТИРМОҚ Сохталаشتирмок, қалбаки ҳолатта солмок. Ҳужжатларни қалбакилаштирумок.

ҚАРЗ [а. “қарз” – қарз; насия] 1 Маълум муддат ўтгандан кейин қайтариш шарти билан берилган ёки олинган нарса (пул, буюм, ғалла ва ш. к.). Қарз(га) олмоқ. Қарз кўтармоқ. Қарз(га) бермоқ. Қарзни тўламоқ.

2 Ишлатганлик, фойдаланганлик учун тўланадиган нарса (асосан пул). Тўлов қарзлари. Солиқ қарзлари.

ҚАРЗДОР [а. + ф. “қарздор” – қарзи бор, карзли] Зиммасида қарзи бор (шахс ёки ташкилот). Судхўрдан қарздор бўлган эди.

ҚАРЗДОРЛИК Зиммасида қарзи борлик.

ҚАРЗИ ҲАСАНА [карз + а. “ҳасана” – хайрли, савобли иш; хайр, садака, эхсон] Устига фойда (фоиз) қўйилмайдиган қарз. Мен сизга беш юз сўм қарзи ҳасана берганман, яъни ижара фойдаси билан қайтаришини шарт қўшимай.

ҚАРОР [а. “қарор” – тўхтам, ҳукм, ҳулоса; туб, асос; тинчлик, ором] Расмий орган, ташкилот, мажлис, мансабдор шахс ва ш.к. нинг бирор иш, масала юзасидан бамаслаҳат қабул қилган тўхтами, ҳукми. Қарор лойиҳаси.

ҚАРОРГОХ [а. + ф. “қароргох” – манзилгох, үрнашган жой, маңын] Давлат бошлиғи, хукумат ёки бирор давлат арбобининг доимий ёки вактингча турадиган жойи, саройи.

КИММАТ [а. “қиммат” – бойлик, кимматбаҳо нарса, қадрият; баҳо; қиймат] Нисбатан ёки меъёр, мұлжалдагидан катта пул туралған, нархи баланд. *Қиммат мол. Қиммат буюм.*

КИММАТБАҲО (кимматли) ҚОҒОЗЛАР Ўз эгасига мулкка эгалик хукуқини ва даромад кўринишида муайян пул суммасини олиш хукуқини берадиган пул ёки товар ҳужжатлари – акция, облигация, кредитив, вексель, чек ва ш.к.

КИСҚА БАЁННОМА Факатгина кун тартиби, маърузачи ва музокарада катнашувчилар фамилияси ва қабул қилингандан қарор кўрсатилган баённома.

КИСҚА МАЖЛИС Давомийлиги узун бўлмаган (вакт ҳакида) мажлис.

КИСҚАЧА ТАРЖИМАИ ҲОЛ Кисқа шаклдаги, мухтасар таржи-маи ҳол.

ҚОИДА [а. “қоида” – база, асос; пойдевор; туб; қонун-қоида, низом] Бирор иш-ҳаракат, амалнинг қандай бажарилиши ҳақидаги расмий кўрсатма, йўл-йўрик ёки умум томонидан қабул қилингандар тартибот. *Агротехника қоидалари. Йўл қоидалари. Гигиена қоидалари.*

ҚОИДАБУЗАРЛИК Қонун-қоидаларга риоя килмаслик, тартибини бузиш. *Йўл қўйилган қоидабузарлик.*

КОЛДИҚ Бухгалтерия ҳисобида муайян давр учун пул тушумлари ва харажатлар уртасидаги айрма. *Корхона кассасидаги нақд пуллар қолдиги.*

ҚОЛИП [а. “қолип” – андоза; қолип; қўйма шакл] Тикиладиган пойабзалинг ичига қўйиладиган ва унинг катта-кичиклигини, шаклини белгилайдиган мослама. *Қирқинчи қолип. Этикни қолипга тортмоқ.*

ҚОЛИПЛИ ҲУЖЖАТЛАР Олдиндан тайёрланган босма иш қоғозларига ёзиладиган ҳужжатлар.

ҚОНУН [а. “конун” – тартиб, коида, кўрсатма; ҳуқук; кодекс; усул, расм] 1 Давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган, ҳамма учун мажбурий бўлган ижтимоий-хуқукий меъёр ва муносабатларни белги-ловчи расмий қоида; ана шундай муносабатларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тартибга солиш воситаси. *Жиноят қонунлари. Қонун чиқарувчи орган*

2 Бир динда қабул қилинган ахлоқ ва расм-руsum қоидалари тизими. *Шариат қонуни.*

ҚОНУНБУЗАР Қонунга риоя килмайдиган, унга хилоф ҳаракат килган ёки қиласидиган, қонунни бузувчи.

ҚОНУНБУЗАРЛИК Муайян қонун-қоидаларга риоя қилмаслик, уларни тўғри ёки умуман бажармаслик.

ҚОНУНИЙ Қонун билан белгиланган, қонунда кўрсатилган; қонун билан тасдиқланган. *Қонуний ҳуқук.*

ҚОНУНИЯТ [а. “конуняти” – конунийлик; масаланинг ҳуқукий томони] Иш, ҳодиса ва ш.к. нинг юз беришини қайд этувчи шарт-шароит, асос; қонунийлик.

ҚОНУНЧИЛИК 1 Ижтимоий ҳаёт ва фаолиятнинг қонунлар билан таъминланиш (таъминланган) ҳолати. *Қонунчиликни мустаҳкамлаш. Қонунчилик наратаси.*

2 Бирор мамлакатга ёки соҳага оид қонунлар, ҳуқукий ҳужжатлар мажмуи. *Жиноятга оид қонунчилик. Меҳнатга оид қонунчилик.*

ҚОРАЛАМА Хомаки тарздаги, ишлов бериб якунланмаган матн.

ҚОШИДАГИ Олдидаги, ёнидаги, ҳузуридаги; таркибидаги.

ҚОҒОЗБОЗЛИК 1 Амалда эмас, қоғоздагина иш битириш, амалий иш ўрнига кераксиз ёзишмалар олиб бориш, қарорлар чиқариш билан овора бўлиш.

2 Ёзиш-чизиш, қоғоз-хужжат ва ш.к. билан боғлиқ ишлар.

ҚОҒОЗЖИЛД айн. конверт.

ҚУВВАТЛАМОК Маъқулловчи, ёнини, тарафини олувчи ёки тасдиқловчи фикр билдиришмоқ, ёкламоқ, кўлламоқ, ҳимоя қилмоқ. *Бирорвинг фикрини қувватламоқ. Ташабусни қувватламоқ. Қарорни қувватламоқ.*

ҚҮЙИДАГИ Баён килинадиган, қайд этиладиган нарса(лар)га ишорани билдиради. *Мажлисда қўйидаги масала қўрилади: Квартал режасининг бажариши ва навбатдаги вазифалар.*

ҚУЛАЙ ШАРОИТ Бирор ишни бажариш, бирор мақсадни амалга ошириш учун энг мос, энг мувофиқ, кўл келадиган шароит.

ҚЎЛЛАНМА Бирор иш, ўқиш, ўқитищда фойдаланиладиган, йўл-йўрик кўрсатадиган ёзма манба.

ҚЎМИТА [“комитет” сўзига қаранг] 1 Махсус тадбирларни ўтказиш ёки бирон-бир соҳага раҳбарликни амалга ошириш учун тузиладиган давлат органи. *Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси.*

2 Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва бошқаларда сайлаб қўйиладиган коллегиал раҳбарий орган. *Касаба уюнимаси қўмитаси.*

ҚЎНИМСИЗЛИК Ишдан ишга, жойдан жойга кучиб юриш; шундай хатти-харакат, одат. *Кадрлар қўнимсизлиги.*

ҚЎШИМЧА 1 сфт. Бор, мавжуд, режадаги нарса, ходиса ва ш.к. нинг устига қўшилувчи ёки уларни тўлдирувчи. *Қўшимча маҳсулот. Қўшимча дарс. Қўшимча маълумот.*

2 Муҳокамага қўйилган карор, резолюция ва ш.к. га киритиш учун таклиф этилган янги фикр, мулоҳаза ва ш.к. *Қарор қўшимчалари билан бир оғиздан қабул қилинди.*

ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛ Режадаги таътилнинг устига қўшилувчи ёки уни тўлдирувчи таътил.

ҚЎШМА КОРХОНА Икки субъект бирлашиб ташкил этадиган, иш фаолиятини бирлашган ҳолда юритадиган корхона.

ҚҰШМА МАЖЛИС Бирлаштирилган, бирлашган қолда үтказиладиган мажлис.

F

ҒАЙРИРАСМИЙ БИТИШУВ [ғайри.. + расмий] Расмий бүлмаган, қонуний йўл билан қилинмаган келишув.

ҒАЙРИШАРЬИЙ ФАТВО [ғайри.. + шаръий] дин. Шариатга хилоф, шариат қонун-қоидаларига тўғри келмайдиган фатво.

ҒАЙРИҚОНУНИЙ ЖАЗО [ғайри.. + қонуний] Қонунга хилоф, қонунга сифмайдиган, қонунга зид жазо.

ҒОЯ [а. “ғоя” – мақсад, интилиш; ният, қасд] 1 Объектив борликни, воқеликни киши онгода акс эттирувчи, айни замонда кишининг объектив борликқа, воқеликка муносабатини ифодаловчи, кишиларнинг дунёқарашлари асосини ташкил этувчи, одамларни максад сари етакловчи фикр, тушунча, тасаввур.

2 Бадийй, сиёсий ёки илмий асарнинг мазмуни, туб моҳиятини белгиловчи асосий фикр. *Асарлар магзига сингдирилган гоя.*

3 Бирор иш-ҳаракат килиш ҳақидағи фикр, ўй; ният, мақсад. *Киши астойдил меҳр қўйган гоясини доим энг тўғри деб ҳис қиласди.*

ҒОЯВИЙ ТАРБИЯ Муайян бир ғояга асосланган тарбия.

X

ҲАВОЛА [а. “ҳавола” – пул үтказиш, топшириш; чек, вексель] Фикр, мuloҳаза ва ш.к. ҳақида маълумот учун бирор манбага қарашга ундаш, шу манбани кўрсатиш. *Саҳифа охирида тегишли адабиётларга ҳаволалар берилган.*

ҲАДЯ ШАРТНОМАСИ Бирон-бир шахсга ашёни ёки мулк хукукини текинга беришни ёки бирон-бир шахсни мулкий мажбуриятдан озод этишни ифодаловчи ҳужжат.

ҲАЙБАРАКАЛЛА [< ҳай + баракалла] Асоссиз, ўринсиз, қурук мақтov; шундай мақтov билан руҳлантириш, қизиқтириш.

ҲАЙБАРАКАЛЛАЧИ Асоссиз, ўринсиз, куруқ мактовлар айтувчи, шу тарзда қўллаб-куватловчи шахс.

ҲАЙБАРАКАЛЛАЧИЛИК Ҳайбаракаллачига хос иш тутиш, амалий ишдан кўра куруқ мақтov, қўллаб-куватлашга берилиш.

ҲАЙФСАН Кимсага бирор гунохи ёки хатоси учун жазо сифатида расмий бериладиган танбех, жиддий огохлантириш. *Ҳайфсан олмоқ. Ҳайфсан эълон қўлмоқ.*

ҲАЙЪАТ [а. “ҳайъат” – шакл, сурат, кўриниш; таркиб, ходимлар; ташкилот, муассаса; комиссия] Бирор вазифани бажаришга белгилangan, сайланган кишилар гурӯҳи; таркиб. *Мажлис ҳайъати. Taxrip ҳайъати*

ҲАКАМ [а. “ҳакам” – судья, қози; тренер] айн. судья. *Ҳакамлар ҳайъати.*

ҲАКАМЛИК Ҳакам лавозими, вазифаси, иши.

ҲАМКАСБ [ҳам + касб] Касби бир, ишлаб чиқаришнинг бир тармоғида, соҳасида ишлайдиган; касбдош.

ҲАМКОРЛИК 1 Иш-фаолиятда бирга, ҳамкор бўлиш, айни бир ишда биргалashiш, уни тeng бажариш.

2 Бирор соҳада ўзаро боғланиб, биргаликда, ҳамкор бўлиб иш олиб бориш. *Иқтисодий ҳамкорлик.*

ҲАММУАЛЛИФ [ҳам + муаллиф] Адабиёт, илм-фан ёки санъат асарларига, бирор кашфиётта тeng даражада ҳуқуқи бўлган шахсларнинг ҳар бири (бир-бирига нисбатан).

ҲАММУАЛЛИФЛИК Бирон-бир адабий, илмий, санъатга оид асар ёки кашфиётта нисбатан муаллифлик ҳуқуқининг икки ёки ундан ортиқ шахсга баравар алоқадорлиги.

ҲАРФХЎР [а. + ф. “ҳарфхўр” – ҳарф еювчи: расмиятчи, шаклбоз] Масаланинг моҳиятига эмас, балки унинг ташқи кўринишига, майдачуда нарсаларга кўпроқ эътибор берувчи киши, расмиятчи.

ХАҚИҚИЙ ҲУЖЖАТ Асл, хаққоний ҳужжат.

ҲИМОЯ [а. “ҳимоя” – кимсанинг ҳомийлигида булиш; мудофаа, тўсиқ, ғов; ҳомийлик] 1 ҳуқ. Судланувчи тарафини олиб килинадиган хатти-ҳаракат, айтиладиган фикр-мулоҳаза; оқловчи томон.

2 Илмий кенгаш ёки маҳсус комиссия мұхокамасига тақдим этилган ишда (диссертация, лойиха ва ш.к. да) оғза сурилган қарашлар, фикр-мулоҳазаларнинг эътироф этилишига ва тегишли илмий даражада ёки унвонни олишга ҳаракат қилиш иши. *Лойихани ҳимоя қылмоқ. Диссертация ҳимояси.*

ҲИМОЯЧИ 1 ҳуқ. Судда айбланувчининт манфаатини ёқловчи, уни ҳимоя қилувчи. *Жамоат ҳимоячиси.*

2 Диссертация, лойиха ва ш.к. ни ҳимоя қилувчи, ёқловчи.

ҲИСОБ-КИТОБ БҮЛИМИ Кирим-чиким, даромад ва ҳаражатлар хисобини қилиш; бажарилган иш, хизмат учун қилинган сарф-ҳаражат ва тўланадиган ҳақни ҳисоблаш ва қайд этиш билан шуғулланадиган бўлим.

ҲИСОБ-КИТОБ ДАФТАРЧАСИ Кирим-чиким, даромад ва ҳаражатлар хисоби қайд этилган ҳужжат.

ҲИСОБОТ [а. “ҳисобот” – “ҳисоб” с. кўпл.] Муайян вақт учун резжалаштирилган иш ёки вазифа, топширикларнинг бажарилиши, амалий долзарб ишлар, хизмат ва илмий сафарлар якуни ҳақида маълумот берувчи ҳужжат.

ҲИСОБОТ ДАВРИ Ҳисоботда қайд этиладиган ахборот, маълумотларни ўз ичига оладиган давр.

ҲИСОБОТ ҲУЖЖАТЛАРИ Ўз ишлари, топширикнинг бажаралиши ва ш.к. ҳақида тегишли масъул шахс, ташкилот кабиларга бериладиган (берилган) ёзма тарздаги расмий ахборотлар.

ҲИСОБЧИ Идора, муассаса, корхона ва ш.к. да молия операцияларини, ҳисоб-китоб ишларини олиб борувчи мутахассис.

ҲОКИМ [а. “ҳоким” – ҳукмдор; бошқарувчи; бошлиқ] Вило-

ят, шаҳар ва туманларнинг биринчи раҳбарлик лавозимидағи шахс; ҳокимликнинг биринчи раҳбари. *Вилоят ҳокими. Туман ҳокими.*

ҲОКИМИЯТ [а. “ҳокимият” – давлатчилик; бошқарув; ҳокимлик] Давлатни бошқариш ҳуқуқи; сиёсий ҳукмронлик; давлат органларининг ҳуқуқ ва ваколати. *Ҳокимиятни қўлга олмоқ. Ижро этувчи ҳокимият. Конун чиқарувчи ҳокимият.*

ҲОКИМЛИК Ўзбекистон Республикасида: вилоят, шаҳар, туман бошқарув органлари ва улар ўришган жой. *Шаҳар ҳокимлигидан вакиллар.*

ҲОМИЙ [а. “ҳомий” – химоя килувчи] иқт. Бирон тадбир ёки фаолиятни амалга оширишда молиявий ёрдам кўрсатувчи, молиявий жиҳатдан қўллаб-куватловчи жисмоний ёки юридик шахс.

ҲОМИЙЛИК Бирор тадбир ёки фаолиятни молиявий жиҳатдан қўллаб-куватлаш, молиявий ёрдам.

ҲУДУД [а. “худуд” – “ҳадд” с. кўпл.: чегаралар] Маълум чекчегарасига эга бўлган, шундай чегара билан ўралган (ажралган) ер; маълум давлат, вилоят ва ш. к. га тегишли бўлган ер, майдон. *Туманимиз ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқлар.*

ҲУЖЖАТ [а. “хужжат” – далил, исбот; сабаб, баҳона] 1 Кимсанинг кимлигини (шахсиятини), машғулотини, бирор ташкилотта аъзолигини тасдиқловчи гувоҳнома (паспорт, гувоҳнома, талабалик билети, аъзолик билети ва ш. к.). *Ҳужжат кўрсатмоқ.*

2 Бирор иш-фаолият ёки нарсага хақ-ҳуқуқ ва ш.к. ни кўрсатувчи, тасдиқловчи иш қофози. *Савдо-сотиқ ҳужжатини расмийлаштирумоқ.*

3 Илмий, ижтимоий ёки тарихий ахамиятга эга бўлган ёзувлар, суратлар, асар ёки адабиётлар. *Ўрхун-Енисей ёзувлари энг қимматли тарихий ҳужжатлардир.*

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ Муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятлардан озод этадиган расмий ҳужжатлар, штамп, муҳр, бланкаларни ноконуний тайёрлаш ва фойдаланиш билан боғлик жиноят.

ХУЖЖАТЛИ 1 Хужжати бор, хужжатта эга бўлган. *Хўжжатли шахсий автомобиль.*

2 Маълум хужжатларга, ҳакиқий воқеаларга асосланган; воқеий. *Хўжжатли фильм.*

ХУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ Маълум хужжатларга, ҳакиқий воқеаларга асосланган, воқеий фильм.

ХУЖЖАТЧИЛИК 1 Хужжат ишлари.

2 Бирор нарсани хужжат билан асослаш, хужжатлар билан иш олиб бориш.

ХУКМ [а. “хукм” – ҳукмронлик: ҳокимият, бошқариш; тузум; қарор, тұхтам, байруқ; фикр, тушунча] 1 ҳүқ. Суд, ҳуқуқий маҳкамә ёки шахснинг жинойи иш юзасидан чиқарған узил-кесил, қатъий қарори; шунингдек, бирор иш юзасидан бўлган ажрим хулосаси, қарори. *Ижобий ҳукм. Салбий ҳукм. Қатъий ҳукм.*

2 Умуман, бир иш, масала юзасидан бўлган, хулоса тарзидағи фикр; қарор.

ХУКМНОМА [хукм + нома] Суднинг ҳукми ёзилган қоғоз; суд ҳукми.

ХУКУМАТ [а. “хукумат” – бошқариш, бошқарув; ҳукумат, бошқарув маҳкамаси] Давлат ҳокимиятининг давлат бошқарувини бевосита амалга оширувчи, фармойиш берувчи ва ижро этувчи олий органи. *Ҳукуматнинг қарори.*

ХУРМАТ ТАХТАСИ Ишлаб чиқариш илғорларининг номлари ва суратлари намойиш қилинадиган маҳсус тахта.

ХУҚУҚ [а. “хуқук” – “ҳак(к)” с. кўпл.] 1 ҳүқ. Давлат ҳокимияти томонидан белгиланадиган ва кўриқланадиган, жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатларини ва бошқаларни тартибга соладиган конун-қоидалар, меъёрлар мажмун. *Фуқаролик ҳуқуқи.*

2 Кимсага бирор иш-харакат қилиш учун берилган, давлат қонунлари ёки бошқа хил қонун-қарорлар билан мустаҳкамланган, кафолатланган имконият, эрк, ихтиёр. *Сайлов ҳуқықи. Пенсия олиши ҳуқықи. Дам олиши ҳуқықи. Мәжнамат қилиши ҳуқықи.*

3 с. т. айн. ҳуқуқшунослик.

ХУҚУҚБҰЗАР Мавжуд қонун-қоидалар, ҳуқуқий мөъёrlарга амал килмайдиган, уларни бузувчи; жиноятчи.

ХУҚУҚБҰЗАРЛИК Мавжуд қонун-қоидаларга амал қилмаслик, уларни бузиш; шу йүлдаги хатти-харакат; шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятта зарар келтирүвчи ижтимоий хавфли қилмиш; жиноят.

ХУҚУҚШУНОС [а. + ф. “хуқук + шунос” – ҳуқуқни ўрганувчи, ҳуқук билімдөні] Ҳуқуқшунослик мутахассиси.

МУНДАРИЖА

Сүз боши.....	3
Лугатнинг тузилиши ҳакида	5
Шартли қисқартмалар.....	6
Лугат.....	7

ИШ ЮРИТИШ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ҚИСКАЧА ИЗОХЛИ ЛУГАТИ

НАФИСА САДИНОВА

Мұхаррир Ф. Мұхаммадиева
Сахифаловчи А. Эргашев

Нашриёт лицензияси: AI №009 20.07.2018.
Босишига рухсат этилди 06.05.2019й. Формат 60x84 1/16.
Гарнитура Times. Офсет қофози. Ризограф босма усули
Шартли босма табоғи 10,0 Нашр босма табоғи 8,5
Адади 100. Буюргма № У/7-2019

“IMPRESS MEDIA” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Күшбеки кӯчаси, 6 уй.

АРИЗА

Даъво аризаси

ДЕВОНХОНА

ФАРМОИИШ

БАЁННОМА

Мажлис баённомаси

БУИРУК

ҚАБУЛХОНА

АРИЗА

ДАЛОЛАТНОМА

Даъво эризаси

Хисобдан чиқариш

ДЕВОНХОНА

далолатномаси

ФАРМОИИШ

ЙУРИКНОМА

БАЁННОМА

Павозим йўрикномаси

Мажлис баённомаси

МАЛЬГУМОТНОМА

ҚАБУЛХОНА

Шахсий мажлиумот

ISBN 978-9943-5576-5-9

9 789943 557659